

Комил Аваз

# ЎТАЁТГАН ВАҚТ





КОМИЛ АВАЗ

# ЎТАЁТГАН ВАҚТ

САЙЛАНМА

11 908



164

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2006

Шоирнинг ушбу сайланмасига «Ажиб сир», «Соғинч», «Шашмақом», «Минг ой умр ҳикматлари», «Ўзбекистон, бор бул жаҳонда!», «Уч юз олтмиш», «Тахайюл саодати» китобларидан олинган ҳамда янги ёзилган шеърлари, қасидалари, газаллари, мухаммаслари, тўртликлари, рубоийлари, туюқлари, фардлари, таржималари киритилди. Албатта, сайланиш жараёнида, давр эврилишлари, шоир диди ва тафаккури улчамининг чуқурлашуви, теранлашуви боис, тўпламларидан олинган битиклар қайта назардан ўтқарилиб, зарур булган ҳолларда таҳрир этилди.

Одамзод ҳаётининг маъноси, ўзликни англаш, тафаккур муъжизаларининг — қалбдаги акс-садоси қаламга олинганидан, сайланманинг номи инсон умри лаҳзаларига нисбат берилиб, «Ўтаётган вақт» деб аталди. Ўйлаймизки, ўтаётган вақт сизни ҳам ҳаёлга толдириб, мушоҳада этишига ундайди.

Масъул муҳаррир

Икром ОТАМУРОД

ISBN 5-633-01926-1

© К.Аваз, «Ўтаётган вақт», «Янги аср авлоди», 2006 й.

## «МУҲАББАТ НУРИДАН ДИЛЛАР ЁҚТИДУР...»

Қалб-руҳият манзили. Унга муҳаббат йўли билан кирилади. Йўл қачонки, қалбдан бошланса, қалбдан ўтса, қалбга қайтса, унда бу йўл ростликка, ҳақликка товун бўлади. Айниқса, сўзда. Чунки, сўз-қалбнинг йўли.

Таниқли шоир, ёзувчи, драматург Комил Авазининг битиклари руҳият манзили-қалбнинг тарзлари, қалбнинг кўринишлари, қалбнинг қирралари, қалбнинг моҳиятига доир сирлари.

Шеър илмининг етук билимдони бўлган аллома Низомий Арузий Самарқандий ўзининг «Нодир ҳикоятлар» («Мажмаъун наводир») асарида шоирлик хусусида тўхталар экан, шундай фикрни баён этади:

«Шоирлик шундай санъатки, (шоир) бу санъат орқали ҳаяжонлантирувчи тушунчаларни ҳосил қилади ва таъсирчан қиёсларни бир-бирига улайди. У шундай йўл билан, масалан, кичик маънони каттага, катта маънони кичикка айлантиради, чиройлини хунук либосда кўрсатади, хунукни эса, чиройли суратда жилвагар этади. Илҳом санъати билан ғзаб ҳамда ҳиссий қувватларни қўзғатади, натижада, кишилар табиатида қайғу ёки хуррамлик пайдо бўлади...» Аллома қайд этаётган жиҳатлар, бевосита, қалбнинг сифатларига, изтиробларига, нафратларига, соғинчларига, муҳаббатларига, хотираларига, умидларига, армонларига, тугёнларига дахлдорким, бу, шубҳасиз, шоир сўзини нурлантиради, ранглантиради, қувватлантиради. Уни ҳаётнинг моҳиятини, борлиқнинг маъносини, дунёнинг пасту баландини, муносабатларнинг келим-кетимини, вақтнинг кечмиш-кечишини англашга чоғлантиради. Комил Аваз сўзида айнан ана шундай хусусиятлар мавжуд. Яна бир муҳим жиҳати шуки, шоир битикларида сўз, оҳанг, ранг уйғунликда, бир-бирини тўлдирган ҳолда ифода топади. Улар бириккан ҳолда қалбнинг сувратига айланади.



Шоир ёзади:

*Менда меҳру ҳам вафодан бошқа мулк йуқдур, нетай,  
Озми шу бир қул учун хизматга тайёрман ҳамон?*

Низомий Арузий Самарқандий юқорида эслатилган асаридан яна шундай фикрни ҳам келтиради: «Шоирнинг руҳи тоза, фикри кенг, таъби латиф, кўнгли тўғри ва зеҳни уткир бўлмоғи лозим. У яна турли фазилатлардан хабардор бўлиши, ҳар хил офатлар билан таниш бўлмоғи керак. Чунки, шеър ҳар бир илмда қўл келиши ва ҳар хил илм шеърда ифодаланиши мумкин.»

Шу жиҳатдан қараганда, Комил Аваз тасаввур ҳамда таассуротлари, кузатув ҳамда кўрувлари, муносабат ҳамда ҳаётий хулосалари мўл ижодкор. Шоир битиклари қайси йўлда ёки қайси навда ёзилган бўлмасин, уларни сўзнинг замирига жой бўлган руҳнинг қадимияти, қадри, самимияти, моҳияти бирлаштириб туради. Ижодкор сўзининг моҳиятига жойининг жуғрофий манзараларини, кўҳна обидаларини, олис-олислардан маҳзун келаётган куйларнинг маромларини, тарихий шахсларнинг номларини сингдиради. Булар шунчаки сўз ёки таъкид тарзида эмас, саноқ шаклида эмас, балки қадимийликнинг увода туфроқ бағрида ётган, унда яшаётган, дарахтлар сингари ўсаётган қадри сифатида кўриниш беради.

*Тун... сокин Хивада чўккалаб мудрар,  
Ичон қалъадаги гумбазлар қатор.  
Бу кўҳна тарихнинг қаърига судрар,  
Бошсиз калта минор, ҳув, Хўжа минор.*

*«Чапандоз» авжланиб, тун бағрин тилар,  
Хаёлларим тўзгитиб дер: Оҳингдурман.  
Ҳофизнинг баравж ноласи келар,  
«Пажмурда бўлган Огаҳийнгдурман!»*

Бунда узоқ йўллардан келаётган замонлар бирикуви, ҳислар тўлғаниши, воситалар кўриниши, қалбнинг ҳолат тарзи қўшилиб, сўз руҳининг моҳиятини ҳосил қилади. Бундай сўз замиридан қадимий руҳ сизиб келади ва у шоирнинг туйғуларига дўниб унга қадр сифатини жўйлайди.

Шоир ёзади:

*Тарих ажиб тилсим, андуҳ, ифтихор,  
Турли нақлларнинг ярашиги бор.*

Мазкур байтда келтирилган «турли нақлларнинг ярашиги бор» мисраси одамни ўйлатади. Шоир бу мисрада қадим, бугун, эртанинг бир-бирига ҳислар орқали, кўринишлар орқали, воситалар орқали бирикувин назарда тутади. «Турли нақллар», демак, руҳият манзили-қалбдаги ярашиғлиқ, яқинлик. Шоир беғуборликни, софликни, шаффофликни яхши кўради. Уни табиий воситалар асносида ҳисларга йўғиради. Табиатта нисбатан ўзида уйқашлик, қадрдонлик, сирдошлик сезади.

*Сирларимни айтгим келади  
Дарахтлар япроқларига.*

Шоир, айнан шу ўринда, сирга сир улайдики, яъни, япроқлар шивирига, япроқлар сирига монанд, ўзининг ҳолатига ишора қилади ва ишора асносида ҳисларини тўлғинлантиради. Комил Аваз гарчи анъанавий шаклларда битиклар битиб, ёзувларида кутилмаган ташбеҳлар қўллама-да, маънодор воситаларга кутилмаган фикрлар жойлайдики, бундай тарз тасаввурни кенгайтиради, таассуротни ўстиради.

*Ассалом, ишқ - субҳи беғубор.*

Ишқнинг субҳи беғубор дейилиши қалбда янги фикр уйғотади.

Комил Аваз муҳаббат билан ёзади. Муҳаббатга эктивор келтиради. Руҳият манзили-қалбнинг муҳаббат нуридан тўлғин бўлишини истайди. Зеро, ўзи айтмоқчи:

*Муҳаббат нуридан диллар ёқтидур...*

*Икром Отамурод*

### Тўлқин

Ненидир излайман денгиз бўйдан,  
Илиқ бир ҳис билан келаман,  
Ҳар тонг.  
Ҳеч нима ўзгармас,  
Шағал тошу қум,  
Бирдайин ётар мен ўлтирган харсанг.  
Яна ўлтираман:  
Узоқ, жим, маъюс,  
Кузатиб тўлқиннинг келиб, кетишин.  
Дарвоқе,  
Тўлқин, каттами ё кичик  
Бир марта келаркан қирғоққа...



## Ажиб сир

Денгиз юрагига тутаман қулоқ:  
Болға ургандай: дук, дук, дук...  
Вожаб! Бир сирни билдим-  
Бировнинг дардини эшитганида,  
Шундай дук-дукларкан маним юрагим.

Денгиз юрагига тутаман қулоқ:  
Дук, дук, дук...  
Сирти тинч, турар бирдай,  
Ҳайрон қоламан, бундайин сирга.

\* \* \*

Шоирлар шеърида мақтаган каби,  
Оппоқ юзларингда холларинг ҳам йўқ.  
Ишқимиз куйловчи ҳаволи, баланд  
Овозинг, шўх созинг, торларинг ҳам йўқ.

Аммо, кўзларимга кўзинг тушганда,  
Уятчан боқишдай зўр одатинг бор.  
Дилга хуш ёқувчи, берувчи далда,  
Меҳру муҳаббатинг, латофатинг бор.

\* \* \*

Ҳассасига суяниб беҳол  
Автобусни тўхтатди кампир.  
Мултираган нурсиз кўзлари  
Одамларга ҳайрона бир-бир.  
Саратонда куйиб беқаров,  
Юрганига қайғурибми ё:  
«Йўл бўлсин»лаб қолганда биров,  
Жавоб берди онахон шундай:  
— Ҳей, болам-ей, несини айтай,  
Яшайди бир ўғлим шаҳарда...  
Оилалик... (тин олар она)  
Шу... соғиниб чиқдим саҳардан...

Ҳайрон бўлманг, шунча қийналиб  
Фарзанд учун кезса оналар.  
Болалардан меҳр тиланиб,  
Юрагини эзса, оналар.

## Күлда

Юлдузлар тўкилмайди.  
Рўзмат Отаев

Дўстлар...  
Хаёлдамиз жим, сувга қараб,  
Чайқалар күл узра биз минган қайиқ.  
Қалбларга сокинлик, тароват тараб,  
Жимирлаб ётибди күли Янгошиқ.

Бир тилим мағиздай ойнинг нуридан  
Балиқ тангасидай товланади сув.  
Олида ўзимиз ёндирган гулхан  
Туннинг юрагига солади қутқу.

Неъмат аста сўзлар жимликни бузиб:  
«Рўзмат, юлдуз сўнди қолдириб оқ из».  
Самога тикилдик, бўр билан чизиб,  
Осмон сафҳасидан учар бир юлдуз.

Оғир жимлик чўқди күлга хўрсиниб,  
Юлдуз чизиб кетган изга боққанча.  
Лек, қанча яшайди, ҳар юлдуз ёниб,  
Дунё сўзонида ўзин ёққанча?..

Тўкилмас юлдузлар акси талашиб,  
Жимирлаб ётибди күли Янгошиқ.  
Фикрлар чайқалар, бир-бир қалашиб,  
Аста чайқалади биз минган қайиқ...

Юлдуз сўнди,  
Қандай юлдуз эди, оҳ,  
Жуда йиттимиди ёки нури кам?  
Аммо туғилгандан сўнгунича то,  
Юлдуз, юлдуз эди қандай бўлса ҳам.

Одам-чи?  
Туғилди, яшади, гоҳо  
Қилган қилмишидан кўтарди кўп ном:  
Жоҳил, қотил, ўғри, нодон, бедаво...  
Шунчалар қийинми бўлмоқлик одам?!

Ўйлайман:  
Кўпайса яхшилар сафи,  
Одамлар яшаса кўнгли пок, обод,  
Юлдуз, юлдуз бўлиб қолгани каби,  
Одам, одам бўлиб қолсайди абад...

1965 й.

## Гужумларни сақланг

Бир офат ийинди,  
Қурт тушиб гужумлар,  
Барглари тўкилиб қурий бошлади.  
Офат қайта-қайта қилди ҳужумлар,  
Ёппасига бир-бир сўлий бошлади.

Қуриган забардаст гужумлар ғариб,  
Чўққайиб қолдилар ҳар ер-ҳар ерда.  
Бўлди бир дилхунлиғ, мотамсаролиғ  
Гужумлар ўлкаси Хувайразмда.

Бунда гужумларга ўзга эътиқод,  
Чоллар экиб берар — азалий удум.  
Тиловат қилишар жимгина туриб,  
Гар кесмак бўлсалар, қуриса гужум.

Қурт умри капалак чиқаргунича,  
Асрий гужумларни қилурлар хазон.  
Наҳотки, одамлар лоқайддир бунча,  
Ахир, гужумлар-ку, тарихга мезон?!

Офатнинг катта ё кичиги бўлмас,  
Келмасми нохушлик бу қабоҳатдан?  
Гужумлар буюқдир, буюкларни ҳам  
Офатдан сақламоқ керак, офатдан.

1975 й.

## Тонгги шабнам

Муҳаббат — бу тонгги шабнам,  
япроқ узра тоза,  
мусаффо.  
Қандай гўзал!  
Қўл урмай мен ҳам,  
Уртамизда қўйдим масофа.  
Ул покиза  
Биллур томчида  
Мужассамдур бир олам сеҳр.

Отга теккан ҳар бир қамчида  
сарсон бўлар илиқлик,  
меҳр.  
Қўлинг тегса, шабнам ҳам бир сув-  
Япроқ узра ёйилган намлик.  
Шунча сийпаб, севган бир сулув,  
Отга мисли қамчи урмоқлик...

Муҳаббат — бу тонгги шабнам,  
япроқ узра тоза,  
мусаффо...

1980 й.



\* \* \*

Дунё асли қонунлардан, тартиботдан иборат,  
Ҳаво кичик зарралару олам мўъжаз тилсимот.  
Қуёш кўқда ҳукмрондир, бошқа йўқдир ибора,  
Ой қуёшга тобе, ёндош, унинг билан барҳаёт.

Танҳолик йўқ, тирик инсон бир-бирига қон-қардош,  
Хушсуханлик дўст орттирар, манман бўлдинг ёлғизсан.  
Бир бемаъни ҳаракатдан юз утирар қалам қош,  
Яхши жавоб кутма магар бўлсанг ёмон оғизсан.

Кичик бир тил дунёни ҳам бузади, ҳам тузади,  
Кимлар тилдан обрў топса, кимлар топар бадномлик.  
Аммо элда йиллар оша қизиқ ҳикмат кезади:  
Яхшилиқдан яхшилигу ёмонлиқдан ёмонлик.

Ҳаёт борки, яшаш борки, ғаламислик бўлади,  
Кураш билан очилади умр йўли дамодам.  
Танҳо эмас ёмонлик ҳам, кўп яхшилиқ бўлади,  
Шунга қараб гоҳ вақтинча, гоҳ абадий дўстлик ҳам.

Бенуқсон дўст излаб баъзан, кимдир дўстсиз қолади,  
Тирикликда танҳо қолган одам мисли ўлик жон.  
Танҳоликка интилмасин, ахир, бир кун боради,  
Танҳоликнинг жойи фақат қабристондир, қабристон.

Муҳаббатсиз қолган одам ҳолатини ўйласам,  
Совуқ сасдан сескангандай титраб кетар юрагим.  
Оқибатдан, муҳаббатдан, меҳрдан гар сўйласам,  
Зарур экан бир-бировга тирикликда кераги.

## Ҳид

Кампир эски кўрпа пахтасин  
Олиб келди титтироқ учун.  
Кўриб унинг тугун-латтасин  
Уста йигит сўзин айтди чин:  
— Келинг, она, бунинг ўрнига  
Яхши пахта чиқариб берай.

Кампир бошин эгди.

— Нега ўғлим? — сўради аста,  
Овозлари қалтираб, хаста.

— Ҳидланган, она, ҳам эски-да.

Ёш айланди кампир кўзида,

Аста титрар борлиқ вужуди.

Кераги ҳам, аслида, шу-да —

Ўтмишнинг бор тугуни, дуди.


Келин бўлиб ёпган кўрпасин

Хўрлатмас.

— Йўқ, ўзин тит,-деди. —

Бунда қолган умрим нафаси,

Бунда қолган бобонгни ҳиди...



## Хива хонишлари

*Ўзбекистон халқ артисти  
Ҳожихон Болтаевга бағишлайман.*

Тун... саждага бошини қўйганча мудрар,  
Ичон қалаъдаги гумбазлар қатор.  
Бу кўҳна тарихнинг қаърига судрар,  
Бошсиз калта минор, ҳув, Хўжа минор.

«Чапандоз» авжланиб, тун бағрин тилар,  
Хаёлларим тўзгитиб дер: Оҳингдурман.  
Ҳофизнинг баравж ноласи келар:  
«Пажмурда бўлгон Огаҳийнгуурман!»

Қазув ёқасида оддан йиқилгон,  
Жафо зудмин тортгон ростлиқ боисдан.  
Қарилиғ дардидан пажмурда бўлгон  
Огаҳий фигони келар олисдан.

Дилларни эзади танбур симлари,  
Йиғлар қайси машшоқ лайл масода?  
Балки Комил мирзо куй тилсимларин  
Нотага олгандир шундай аснода.

Бу ҳам Оллоҳнинг бир кароматидур,  
Йўқса, не ўн саккиз парда танбурда,  
Ўн саккиз минг рангин шоду афсурда,  
Ўн саккиз минг олам мужассам эрур.

Асрлар оҳини чалмоқлик оғир,  
Куй тинглаб бу оқшом бўлдим музтариб.  
Муниснинг елкасин бўлганин яғир,  
Қайси нота билан чаларкан мутриб?

Хива сокинлигин титратиб саҳар,  
Ҳофиз улаб кетар Партавни инграб:  
«Қизил гул гунчаси янглиғ саросар  
Бағри қондурман». Бу не оҳ, ё раб?!

Не сиру не тилсим, нечоғлик жило,  
Нечоғлик қувват бор авж пардаларда,  
Шерозий яшайди то борким дунё  
«Феруз» у талқину сувораларда.

Ҳожихон бир мулкким, олтин хазина,  
Хоразм созининг якпардаси у.  
Инжудир узукнинг қошу кўзина,  
Басе, қўшиқ аҳлин саркардаси у.

Хоразм куйлари торида янграб,  
Оламга довруғин сочди Комилжон.  
Эшитмай қолмади на ажам, араб,  
Дарёйи қалбини очди Комилжон...

Куй тинглаб қарайман миноралару  
Паҳлавон Маҳмуднинг мақбарасига.  
Куйлар хаёлимни аста етаклар  
Тарихнинг ичкари ичкарасига...

## Соғинч

Кеча боғ сайрида хушқад бир йигит,  
Бир қизни қўлтиқлаб ёнимдан ўтди.  
Бирам ярашиқли, бехосдан рашқдан,  
Юрагим «жиз» этди, жонимдан ўтди...

Бахтиёр кунларни эсладим эркам,  
Қандай яхши эди беғубор, тотли.  
Кўзларда на қўрқув, на ҳадик, на ғам,  
Оташ ёнар эди муҳаббат отли.

Гурсилаб урарди жўшиб юраклар,  
Қоронғи оқшомлар йўқ эди чоғи.  
Энтикиб гул тутган вақтларим дилбар,  
Нурланиб кетарди кўзинг қароғи.

Кўп бўлди ой гувоҳ дил розимизга,  
Фараҳли дамларни эслаш гуноҳми?  
Қаттиқ суюндикми иқболимизга,  
На дўсту душманнинг келмади раҳми.

Дунёда янглиш кўп чигалдан-чигал,  
Севгида на қонун, на бор андоза.  
Ва нуқта қўйдилар ёзғитга тугал —  
Биздан мерос қолди фақат овоза.

Шунча ожизмикан орзу риштаси,  
Севги деб юрдикми ўхшаб тўтига.  
Ё қисмат шумикан? Саволлар ўзи  
Муздай сув эмасми юрак ўтига?

Барибир, қўмсайман йил ўтган сари,  
Бахтли онларни сал бўлса баҳона.  
Сени-ку, билмадим, ўйим аксари,  
Офият бермайди дил ёна-ёна.

Бахтиёр кунларни эслайман эркам...

\* \* \*

Ҳафталарни қувиб ўтар ҳафталар,  
Изн бермас ўйлаб, нафас олмоққа.  
Не бу қадар тезобдурлар ҳафталар,  
Фурсат йўқдур ҳеч бир қиёсламоққа.

Бот-бот алаҳсираш, ҳавл тушлардан,  
Суяклари зирқирайди тунларнинг.  
Гоҳ-ногоҳ отилмиш ғаддор тошлардан,  
Синиқ, музтарибдур ранги кунларнинг.

Вақт одимлайди, зарваш япроқлар,  
Қисирлар қорилиб қадамларига.  
Шамоллар учириб кетмаса магар,  
Хотирдир хаёлнинг одамларига.

Мунғайиб турганда чекка-чеккалар,  
Қор ёға бошлади эланиб майин.  
Симларда қорайиб борар ҳақкалар,  
Ерга оқ парқулар тўшалган сайин...

Ҳафталарни қувиб ўтар ҳафталар...

\* \* \*

Күрганмисиз тоғда қуёш чиққанин,  
Муъжаз шуълаларнинг заиф оққанин?  
Япроқни силкитиб, учган чумчуқнинг  
Эшитганмисиз сасли қанот қоққанин?

Не дер пайки сабо бешовқин, сирли,  
Қўшиқ бўлиб келар аста шивири?  
Намли япроқларга қулоқ қўяман,  
Қалбимга ийнади сокинлик пири.

Тонг каби сокиндир маним юрагим,  
Эриш туюларми ё сокинлигим —  
Сўзсиз айтсангиз ҳам етади, ахир,  
Овоз чиқармоқнинг борми кераги?

Тонг каби сокиндир маним юрагим...

1980 й.



## Сокинлик

Чалқанча ётганча қумни пешалаб,  
Ажиб бир хаёл-ла қолдим қирғоқда.  
Сокинлик шумикан, сувга шалоблаб,  
Эшкак урилгани келар йироқдан.

Нақадар сеҳрли оқшом, қўл юзи,  
Нозли жимирлайди акси қамардан.  
Гузалик талашиб Зухра юлдузи,  
Балиқдай чиқади нурли камардан.

Дустларни излайман, олислаб, ана  
Ёруғ камар бўйлаб сузишар улар.  
Бирдам бир-бировин шодмон кўргани,  
Ойдин нур қўйнига сингиб кетганлар.

Эшкакнинг шалоби келар йироқдан...

## Манзара

Аста билқиллайди қозонда шўрва,  
Буғи чиқиб турар тонқа тунчанинг.  
Долонда осиглиқ, ҳув, сават турва,  
Кутариб турибди ширмон кулчани.

Оҳиста тўшалар замин узра қор,  
Майдакўз элақдан ун элангандай.  
Борлиқ бир маромда мудрайди, зинҳор  
Тегма дер, табиат аллагандай.

Сутдай тонг оқарди, ерда оппоқ қор,  
Сирли сокинликдан айланар бошим.  
Ҳаммаёқ кўзгудай тиниқ, беғубор,  
Умбалоқ от дер қалб, унутиб ёшинг.

Эҳ, она табиат, бир он булса-да,  
Руҳимни кутардинг, ташаккур, мана.  
Утириб ғам-ташвиш бўсағасида,  
Ҳаётга ташналик сездим мен яна.

Қудратинг фаҳмига, дейман, этсалар,  
Мен учун бу ҳам бир орзу армон-да.  
Қанийди бир лаҳза сукут этсалар,  
Сершовқин, бу сергап ажаб замонда.

Аста билқиллайди қозонда шўрва...

## Ушатилади нон

Янги йил оқшоми безаб дастурхон,  
Ўғил-қизларим бахш этдилар чирой.  
Кимдир шод эслади: «Нон қўймабмиз нон».  
Ёпирай, қолмабди нон қўйишга жой.

Ялт этиб миямни шамширдай кесди,  
Узоқ бир воқеа янги йил боғлиқ...  
Уртада дастурхон — ёмоғли, эски,  
Ҳаммага атиги бир кўмач ёғлиқ.

Боламан, эсимда уйга яқинроқ  
Даладан чўпладик нам ғўзапоя.  
Гуриллаб ёнсайди кул босган ўчоқ,  
Ожиз энажоним суюнса шояд.

Қўлларим кўкарган, кўзларимда ёш,  
Пояга тўлмайди кичик қучоғим.  
Кулранг бўлутлардан кўринмас қуёш,  
Аёздан жазиллар юз-у, қулоғим.

Жаҳон уруши кўп ёзилган, ўчмас  
Сафҳалар боқийдир турли рангларда.  
Балки саноғига ҳеч етиб бўлмас,  
Ҳалок бўлганларнинг қонли жангларда.

Уруш тутаса-да, аччиқ дудидан  
Тиниқиб кетмаган ҳали эл, осмон.  
Итлар ҳуркар эди йиртиқ гуппидан —  
Устимиз афтода, емишга йўқ нон.

Қай бирин айтайин юпун кунларни,  
Янги йил оқшоми бўлмасди байрам.  
Чироқнинг ёғи йўқ, совуқ тунларни  
Кўрпага ўрардик кун ботиш билан.

Ўчоқ атрофида поя тутатиб,  
Катталар йилларни олишар эсга.

Бирда оғам айтди кўп афсус этиб:  
«Янги йил оқшомин кутмаймиз нега?»

Қулоғим остидан кетмас ҳозир ҳам,  
Энамнинг дегани: «Несин кутамиз,  
Қорнингни тўйғазсанг, шу ўзи байрам».  
Оғам дер: «Яхшилик ният этамиз».

Алқисса, қуйилди фонусгаям мой,  
Ювилиб ортидди ойнадаги чанг.  
Байрам боисига унча тушунмай,  
Фақат биз болалар эдик ҳангу-манг.

Қандайдир тараддуд бор-у, йўқ кулги,  
Яхшилик кутдик биз янги йил боғлиқ.  
Ўртада дастурхон — ёмоғли, эски  
Ҳаммага атиги бир кўмач ёғлиқ...

Кенжатой қизимнинг хўп сўровидан,  
Сергакландим, ўйга толибман бир он.  
Қаерга қўйишни билмасдан ҳамон,  
Дастурхон устида Дилноз тугар нон.

Ўртада ноз-неъмат тўла дастурхон,  
Ушатиб қуйилди серсут кулча нон.

## Биринчи бор

Не бўлсаям бари бетакроп —  
Қувончми у тонгдай беғубор,  
Бахтиёрлик ёки дилозор,  
Ҳеч бирови ўшамас зинҳор,  
Содир бўлар  
Биринчи бор.

Биринчи дарс, ҳарф хижо этдим,  
Садоқатни дилга жо этдим,  
Эътиқодга илтижо этдим,  
Нурли оқшом шеър иншо этдим  
Тўрттина қатор,  
Биринчи бор.

Эсимда илк бўса, ҳў, тонгда,  
Муסיқа ҳам ажиб оҳангда,  
Томиримга сиғмай оққанда,  
Жилоланган етмиш минг рангда  
Ҳар йилги баҳор  
Биринчи бор.

Ушалганда муқаддас орзум,  
Оловланган юрагим, юзим,  
Сўзлай олмай қолганда бир зум,  
Ҳаяжондан ёшланган кўзим,  
Эшитиб ёр-ёр  
Биринчи бор.

Ўғил кўрдик, қиз кўрдик, шукур,  
Раъно икков яшаймиз масрур.  
Биз бўлмасдан ким бўлсин мағрур,  
Борлиғимиз Оллоҳдан эрур,  
Дедик маънодор  
Биринчи бор.

Келин тушди, кўзда севинч, нам,  
Дўсту ёрлар бўлди жамулжам.  
Дунё юзин кўрди неварам,  
Ҳилола деб ном берди оғам,  
Айтилди алёр  
Биринчи бор.

Вақтимиз зиқ, асримиз тезкор,  
Ҳайратомуз кўп юмушлар бор,  
Инқилобий ишлар хўп даркор,  
Чалкашликлар бўлганким бисёр,  
Қўйганда девор  
Биринчи бор.

Ҳаёт чигал, салга эътибор,  
Этмасанг гар тиш қайрар ағёр,  
Ноҳақликлар эзса-да, ночор,  
Эҳ, чидадим бўлсам-да безор,  
Кўп айтдим такрор:  
Биринчи бор.

Бахтиёрлик ҳамиша қайда,  
Тўй, аза бор одам бор жойда,  
Кўркам укам Мақсудбек сойда,  
Сувга чўқди баҳорда — майда,  
Бўлдик азадор  
Биринчи бор.

Нелар тушмас йигит бошига,  
Садқа кетай кўзнинг ёшига,  
Оёқ тортмас аза ошига,  
Шеър сўрдилар қабр тошига,  
Жаҳон бўлди тор  
Биринчи бор.

Умр ўтар шиддатли, илдам,  
Юрак гоҳо ҳорғин, гоҳ бардам,  
Гоҳо ғамли, гоҳида беғам,  
Қирқда бўлдим микро инфаркт ҳам,  
Жиндаин бемор  
Биринчи бор.

Бот-бот адаб, ўзимиз ҳамон,  
Деймиз: Ҳаёт гўзал, фаровон.  
Янглишишлар бўлдим аён,  
Охир тушдик тилашга иймон,  
Ҳам сабру мадор  
Биринчи бор.

Таниш-билиш, дўстлар огоҳим,  
Ниятим пок яшарман токим,  
Аммо кўплар билишмас балким,  
«Ўзбек ишин», маҳбуслигим,  
Чекдим кўп озор  
Биринчи бор.

Етдингми сен Комил тилакка,  
Сўз қайтармай катта-кичикка,  
Ҳеч бўлмаса яккама-яккаа,  
Ёлғончига боқсанг-чи тикка,  
Бермай ихтиёр  
Биринчи бор.



## Нидо

Тайинли масканим йўқдир сиғинсам,  
Қайси авлиёга ишонсам экан?  
Кимга суянайин агар ўгинсам,  
Бормикан қалбидан Ҳақ, Эгам деган?

Бор бўлсанг, рўйхуш бер, бегуноҳ банда,  
Бағримга босайин, эй порлоқ каъба.  
Гуноҳга ботмай деб, мен бўлдим банди,  
Ёқамга туфлайман, алҳазар, тавба!

Нақшин кошоналар кўрмакка савоб,  
Инжудай товланар қуёшда заррин.  
Кимса топиларми этмоққа тавоб,  
Нопоклик тирнарми кўпларнинг қалбин?

Боши берк кўчага кирдик, хўш энди,  
Мен кимни қарғашим керак бу кунда?  
Аламим қабариб, бағрим тилинди,  
Чақмоқ кесгандайин фалакни тунда.

Мана ошкоралик, кимки не деса,  
Оғзига келганни айтиб юрибди.  
Кимлар қўшиб айтар, икки, уч ҳисса,  
Кимлар айтганидан қайтиб юрибди.

Ошқора айтмоққа ҳар сўз не етсин,  
Ким билар балки шу охирги чора?!  
Меҳнаткаш, заҳматкаш халқ бутун нетсин,  
Шунга ҳам шукрона айтар бечора.

Нафасни қайтарар турли-тумонат,  
Ҳақсизлик, муомала бўлмиш ҳайвона.  
Қайга бораяпмиз дер қай донишманд,  
Йўл бўлсин, дер кулиб таниш девона?

Улуғ элсан, нега аямай соғар,  
Шукрона айттириб зўравон абад?  
Эй даврон соқийси, қалбимиз соғар,  
Токай яшаймиз сув лабда ташналаб?

Муслимга тенг келмас ҳеч ким адабда,  
Шукур дер, турмуши бўлса-да оғир.  
Ўзим Ҳақ дегани учун Ҳалафда,  
Тириклай шилинган Насимий, ахир.

Мен шоир не дея жавоб берайин,  
Қай ҳолдакан менга аталган тошлар.  
Зиғирдай қўрқув йўқ, майли бетайин  
Қарорлар ёзсинлар айрим кир бошлар.

Шукур, бас дейиб халқ, ўзин таниса,  
Аммо бу ўзликка қачон етади?  
Майли мен жар солай, жуда кўп кетса,  
Мендай бир шоирнинг боши кетади.

Шу ҳақнинг йўлида бошим садақа...

1988 й.

## Эй дўсти содиқ

*Дўстлар куп, аммо суюнадигани йуқ.  
М.Лермонтов*

Мени маъзур тутинг, эй дўсти содиқ,  
Асабларим бироз толиққан, майли.  
Яхшиям сизлар бор — табиби хозиқ,  
Балки ўнгланарман сизлар туфайли.

Шундай ҳам қисқа бу умрни яна,  
Қисқартмоқ истайди баъзи бадкорлар.  
Шулар кўкрак кериб қилурлар таъна,  
Шулар лоф урарлар номусдан, ёрлар.

Тирноқ оралиғи нақадар юпқа,  
Гўшт билан бирлашиб кетганки, ҳатто —  
Шундан кир изларлар, ушлайман ёқа,  
Кимни яратгансан, эй, қодир Худо?

Қучоқлаб сўрашсанг, туп-тузук одам,  
Бирдан ийиб кетар илиқлик, меҳринг.  
Ёнингда ташлар ҳам сал майда қадам,  
Ром этар, вожаб, адаби сеҳри.

Бир одим нарида ғийбатинг қилиб,  
Номингни булғайди кучи етганча.  
Хуфёна қувнайди, яйрайди кулиб,  
Ишинг сал орқага қайтди дегунча.

Қуёшли кунларинг ёнингдан кетмай,  
Ташкил ҳам этарлар кайфу-сафолар.  
Юзида табассум, қўлларида май,  
Шаънингга ўқурлар ҳамду-санолар.

Сарҳади қаерда дўсту, душманнинг,  
Эй, умри боқийлар, кўрсатинг бир бор?  
Покиза виждонли дўстгинам, қани,  
Қўлингни чўзсанг-чи, тоза, беғубор.

Дўстсиз яшаб бўлмас бу аниқ, аммо,  
Ҳақиқий дўст тутмоқ мушкулдан-мушкул.  
Асрлар давоми шундан муаммо,  
Содиқ дўсти бўлса, бахтли одам ул.

Бу шеърни қаламга олмоқлик қийин,  
На чора, осонмас менинг учун ҳам.  
Бу катта донишлик эмасдир лекин —  
Бахтлидир кимнингки сирдош дўсти кам.

Мени маъзур тутинг, эй дўсти содиқ,  
Асабларим бироз толиққан, майли.  
Яхшиям сизлар бор — табиби хозиқ,  
Балки ўнгланарман сизлар туфайли.

## Мен сизга бир сир айтсам

Ҳаёт тўла муаммога бундай ўйлаб қарасам,  
Сўқмоғи кўп, ажаб эрмас, баъзан адашиб қолсам,  
Шунда-да, ким адашди у деса, кимдир дер ҳеч ҳам,  
Эътиқодим зўр эртакка, мен сизга бир сир айтсам.

Яшаш ўзи шундай дўстим: сир, синоат-тилсимдир,  
Муҳаббатсиз яшаса ким мисли ўлик жисмдир,  
Қўлда янгроқ дутор ҳатто созланган икки симдир,  
Яккалик ётдир фалакка, мен сизга бир сир айтсам.

Муҳаббатнинг яшаш жойи бунча баланд бўлмаса,  
Интиласлар, ахир, унга зулфи каманд бўлмаса,  
Ишқ озори осон эрмас ёр қалби банд бўлмаса,  
Ҳатто ўтин ёнмас якка, мен сизга бир сир айтсам.

Муҳаббатни куйлаётиб куч ҳақида ўйладим,  
Кучи билан муҳаббатли, ардоғлидир ҳар одам,  
Куч бўлмаса, ахир, илдам ташлаб бўлмас бир одим —  
Етмак оғирдир тилакка, мен сизга бир сир айтсам.

Дилбар ёрнинг суюклиси бўлмоққа ҳам куч керак,  
Ҳаёт учун курашмоққа, севмоққа ҳам куч керак,  
Нафақатки яшамоққа, ўлмоққа ҳам куч керак —  
Қўшиқ айтиб туриб тикка, мен сизга бир сир айтсам.

Муҳаббат деб оҳ урган аввал бошдин Одам Ато,  
Ёғочга лафз киргизиб, берганлар ном най, сато,  
Ишқ ҳақида боболар ҳам куйлаганлар бехато,  
Илҳом керакдир юракка, мен сизга бир сир айтсам.

Комил Аваз айтганларим сирим эмас бу бор абад,  
Юракларни тарк этмасин куч манбаи муҳаббат,  
Муҳаббатли одамларнинг доимо руҳи баланд,  
Улар лойиқ юксакликка, мен сизга бир сир айтсам.

1980 й.

## Сени ўйлайман

Дилбарим, сен дилрабо — баҳор чоғим, сен, менинг,  
Борлиғинг нозу ибо — сўлим боғим, сен, менинг.  
Бермиш дилимга сабо — гузал тоғим, сен, менинг,  
Эгнингда гулгун қабо — арғувоним, сен, менинг.

Севишганга тун қисқа, дийдорингга ташнаман,  
Яранайин не дейиб, сендай бағри тошга ман,  
Ўзгага бир сўз айтиб, роҳатлансам кошки ман,  
Сен суюкли сумансо — гулчиройим, сен, менинг.

Оппоқ қор қанотида баъзан парвоз этарман,  
Хаёлинг-ла севгилим, қиш фаслин ёз этарман,  
Само узра авж билан ҳам қўшиқ, соз этарман,  
Сендан қайтарми садо, севар ёрим, сен, менинг.

Биллур шалоласан сен илк баҳор мавсумида,  
Лола акси дудоғинг, кулгич табассумингда,  
Олам жарангдор бунча не хислат бор сасингда,  
Хушнақшину, хушнаво, хушовозим, сен, менинг.

Бугун яна бетоқат кутдим олиб хавотир,  
Хаёлан сочларинг торин санаб чиқдим неча бир,  
Сендан дарак бўлмади, келмадинг сен, барибир,  
Куйиб бўлсам-да адо, дилоромим, сен, менинг.

Оттирурман тонгларни сени ўйлаб ҳар кеча,  
Сир эмас бу билишар ҳам қишлоқ, шаҳаргача,  
Комил Аваз номингни айтар то маҳшаргача,  
Лоларўй субҳи сабо, дилда борим, сен, менинг.

## Кимга айтай?

Ишқ дардимни кимга айтай, субҳи саболаргами?  
Қулоқ қўймас садқа кетай, гулгун қаболаргами?

Ўтди қиш, ўтди ёзлар, хатта тўлди не қоғозлар,  
Ишонишар сарвинозлар, нозли иболаргами?

Ибо-ибо, иболар-ей, уйнар майин саболар-ей,  
Қолганми кун вафолар-ей, жабру жафоларгами?

Дейман: Васлинга етсам, йўқса, бошим олиб кетсам,  
Ё ёқарман басми келсам, дарду даволаргами?

Комил Авазни бемор этмишингда не маъно бор,  
Тингларми ё дардимни ёр, солсам наволаргами?

## Дўстлик қўшиғи

Ери туташ, осмони бир, Хоразму Қорақалпоқ.  
Азал қисмат достони бир, Хоразму Қорақалпоқ.

Пойга бўлса от солишган, қиз беришиб, қиз олишган,  
Мисли тулин ой тулишган — Хоразму Қорақалпоқ.

Амударё зар дастурхон, нозу неъмат, мевага кон,  
Уни баҳам кўрар ҳар он, Хоразму Қорақалпоқ.

Ҳар бир ишда дўст-елкадош, бириси кўз, бириси қош,  
Қалби денгиз, меҳри қуёш — Хоразму Қорақалпоқ.

«Ҳавво»лашиб сўзлар бирга, даладан бахт излар бирга,  
Истиқболни кўзлар бирга, Хоразму Қорақалпоқ.

1981й.



## Тилмочлар

Ўзга элатларга гар сайр этсанг,  
Сўзлашмоққа кўмак этар тилмочлар.  
Гоҳида бировга тушунмай қолсанг,  
Номингдан элчидай кетар тилмочлар.

... Эшитганман,  
Бир подшо ажнабийни,  
Айбидан ўлимга маҳкум этганмиш.  
— Ноҳақ, — деб ажнабий  
Бирдан асабий  
Подшога ҳақорат сўзлар айтганмиш.  
— Нималар деяпти, айтинг, у жоҳил? —  
Подшо сўраганда вазир эгилиб:  
— Адолатли подшо, — дер, — ҳукми одил.  
— Озод этинг! — дебди подшо энтикиб.  
Шошиб дер сўл вазир шу онда ростин:  
— Подшойи олам, алдар унг вазир,  
Ҳақорат қилмоқда ўғри, сўзим чин,  
Тилларин кесмаклик керақдир ҳозир!  
Хаёлга чўмибди подшо ҳам чиндан,  
Сўнгра у ҳукмга кўтарибди даст:  
— Қон билан туговчи сенинг ростингдан,  
Охири хайрли ёлғон ҳам дуруст...

Баъзида тескари таржима бўлиб,  
Қалби қон, гирёнлар топилар аҳён.  
Ҳақиқат рўёбга чиққунча ўлиб —  
Кетганлар додини айтарлар нолон.

Сўзингни гоҳ тўғри, гоҳида эгри  
Таржима этарлар баъзи тилмочлар.  
Барибир, миллиард йиллардан бери  
Ҳаммадан талаби таъзим, тилмочлар.

Хўш, одамлар ичра тилмоч бор экан,  
Одамнинг ўзида тилмочлар йўқми? —  
Қоши учиб турар босса ҳаяжон,  
Ахир, не ялт этар кўзида, чўғми?

Кун-кунга ўхшамас, кечмайди нелар,  
Қалбимни туйғулар гоҳ қилар талош.  
Йиллар сарҳисобин таржима қилар,  
Баъзан кўздан томган қатрагина ёш.

Баъзан бир кимсанинг иши тушганда,  
Елкаси ергача эгилиб келар.  
Елкаси осмонга тегай-тегай дер —  
Ё тавба, зиғирдай ишинг тушса гар.

Одамнинг борлиғи гар экан тилмоч,  
Ҳар кимни ўзининг таржимони ким?  
Ким билан кенгашиб, ким ҳукм қилгач,  
Ташлар қадамини яшаркан, токим?

Қадам ташлаб кирар ҳамиша инсон  
Яхшилиқ қасрию меҳр боғига.  
Аммо шум бир қадам сабабдир баъзан,  
Юракнинг фарёди, сўнгсиз оҳига.

Ҳар кимнинг толеи бўлмоғи баланд,  
Босилган қадамга кўп боғлиқ бўлар.  
Шунинг-чун дунёга келганда фарзанд,  
Қутлуғ қадам бўлсин, дейдилар илк бор.

Тилмочлар ҳақида шеър битиб, оддий  
Ҳақиқатга яна дуч келдим шу он —  
Қадами қутлуғдир, йўллари покдир  
Кимнингки виждони бўлса таржимон.

## Мен қайдаман, сен қайдаю у қайда?

Дунё кўриб этарман мушоҳада,  
Нечун қўним топмасмиз бир шоҳада,  
Яхши-ёмон юрмайлик ҳар соҳада,  
Деймиз, дўстим, афсус еб гоҳ-гоҳида,  
Мен қайдаман, сен қайдаю у қайда?

Ибтидода яралганмиз бир зайил,  
Ҳамманинг ҳам вужудида обу гил,  
Шамолу ўт, ўлчами, тархи бир хил,  
Балки фарқ бор ўт, сув, шамол, тупроқда,  
Мен қайдаман, сен қайдаю у қайда?

Билар, дунё ҳаммадан ҳам қолади,  
Лек ким дўсти парвозидан ёнади,  
Ким фойда-чун онасидан тонади,  
Фарқ кўпмикан ё тандаги шамолда,  
Мен қайдаман, сен қайдаю у қайда?

Баъзан-баъзан вужудимда титроқдан,  
Ҳайқирар сув ошиб ўзан, қирғоқдан,  
Таним ловлар дўст ботирган тирноқдан,  
Фарқ кўпмикан ё тандаги оловда,  
Мен қайдаман, сен қайдаю у қайда?

Гоҳ жунбушга келган ўй қайтар дайдиб,  
Шамол пастлаб, олов ўчиб, сув қайтиб,  
Тупроқ ҳорғин йиғлар муножот айтиб,  
Фарқ кўпмикан ёхуд тандаги сувда,  
Мен қайдаман, сен қайдаю у қайда?

Кел, эй дўстим, бир дақиқа тин олгин,  
Комил Аваз сўзига қулоқ солгин,  
То тириксан — дўстингга содиқ қолгин,  
Лек кеч бўлар, ётармиз қай тупроқда,  
Мен қайдаман, сен қайдаю у қайда?

## Мен бўлдимۇ бўлмадим нима?

Утаверар булутлар, ойлар,  
Оқа берар шовуллаб сойлар,  
Яшнаибера не сўлим жойлар,  
Мен бўлдимۇ бўлмадим нима?

«Хумсон» гавжум ёз фасли азал,  
Одамлар ҳам гўзалдан-гўзал,  
Узилмайди қадам ҳеч маҳал,  
Мен бўлдимۇ бўлмадим нима?

Тўлин ойга талпинади тоғ,  
Талпинади нурга ташна оҳ.  
Ва оҳангдан уйғонар ҳар ёқ,  
Мен бўлдимۇ бўлмадим нима?

«Угом» — Эгам, уғон неъматини,  
Беҳад эрур тилсим ҳикмати,  
Адо бўлмас унинг ҳиммати,  
Мен бўлдимۇ бўлмадим нима?

Сокинликдан дил тортар ювош,  
Тоғ ортидан чиқмоқда қуёш,  
Сойда юзин ювар неча тош,  
Мен бўлдимۇ бўлмадим нима?

Тонг нафаси юмшоқ, нармли,  
Сунбулларнинг сочлари намли,  
Юзларида парда шармли,  
Мен бўлдимۇ бўлмадим нима?

Уйғонади ноз-ла сарвлар,  
Шеър-да битар қайким бировлар,  
Тонгда мендай кимдир аравлар,  
Мен бўлдимۇ бўлмадим нима?

Ажиб сирли уйғоқ лаҳзалар,  
Гуё имлар гули равзалар,  
Кўзин қисар дуркун сабзалар,  
Мен бўлдимۇ бўлмадим нима?

Дунё бўлмас ҳеч ҳам лоқайдсиз,  
Лек, лаҳзалар ўтмас ҳеч қайдсиз,  
Шодлик бисёр, азоб ҳам ҳадсиз,  
Мен бўлдимۇ бўлмадим нима?

Ақли расо ҳеч замон демас,  
Менсиз дунё мукамал эмас,  
Аксинча, хом хаёллар абас,  
Мен бўлдимۇ бўлмадим нима?

Олам бўлсин, одамлар бўлсин,  
Эркили, собит қадамлар бўлсин,  
Соғинч дарди, хуш дамлар бўлсин,  
Мен бўлдимۇ бўлмадим нима?

Вале, мендан қавл қолади,  
Кимлар керагини олади,  
Дилларга дард, соғинч қолади,  
Мен бўлдимۇ бўлмадим нима?

*«Хумсон» санаторийси,  
2000 й.*

## Мен сизни севаман

Мен сизни севаман, жондан севаман,  
Сиз менинг қалбимнинг биллур тонг чоғи.  
Мен сизни севаман, жондан севаман,  
Лутфингиздан қонмас дилим чанқоғи.

Қора сочларингиз ипақдай майин,  
Жон олар қиймириб боқишларингиз.  
Не офат чулғамиш, куймоғим тайин,  
Бир кун кул қилар-ов ёқишларингиз.

Сизга ярашмайди тундлиғ сира ҳам,  
Жилмайинг, ёйилсин юзингизга нур.  
Менинг бахтим учун сизни яратган,  
Олло таолога минг қатла шукур.

Минг қатла шукурким, ой бор, қуёш бор,  
Оламда сиз борсиз, тилсим бир дунё.  
Мен сизни севаман, бошқа не даркор,  
Шу олий ташвишим камми ўзи ё?!...

## Мажнунтоллар

Қизлар кулгусидай шарақлар сойлар,  
Ҳарён нигоҳ ташлар, дурқун ниҳоллар.  
Дарани тўлдириб кишнайди тойлар,  
Сокинликка чорлар лек мажнунтоллар.

Соҳир саҳарларнинг шаббодасидан,  
Ажиб наво айлар қўш ипак торлар.  
Вале, ўзгармайди сойнинг сасидан,  
Сокинликда чоллардек мажнунтоллар

Сой тошиб оқса бас, ишқ оғушидан,  
Сармасту сарафроз, олар лаззатлар.  
Бошини кўтармас, кетмас ҳушидан,  
Бўсада ҳикмат бордек, мажнунтоллар.

## Сизга юкинаман

*Офият жонимга етти, эй хушомугким мени,  
Бир қадаҳ бирла харобот ичра расво айласа.*

*Навоий*

Марҳабо, муҳаббат, уйқусиз тунлар,  
Марҳабо, ҳайқириқ — ботиний унлар.  
Жонпарвара жонфидойи жунунлар,  
Сизга юкинаман, эй аҳли дардманд!

Кечикдим, ёйинки айни вақтидур,  
Ҳижрон ҳам ошиқнинг балки бахтидур,  
Висол оқшомлари шундан ёқтидур,  
Сизга юкинаман, эй аҳли дардманд!

Ёзғитни ёқалаб ўтиб бўлмайди,  
Қалбга бефарқ қараб ўтиб бўлмайди,  
Нечун дардсиз, ёраб, ўтиб бўлмайди,  
Сизга юкинаман, эй аҳли дардманд.

Сарғайган япроқлар менинг таъвизим,  
Ҳар оқшом ўзимга тилайман тўзим  
Ва ҳар тонг айтурман такрорий сўзим,  
Сизга юкинаман, эй аҳли дардманд!



\* \* \*

Бугун тонг фараҳбахш, кўк ҳам мусаффо,  
Бирдайин ёқимтой, хуш борлиқ тараф.  
Эркалаб шивирлар шавқангиз сабо,  
Вужудга ҳаяжон туйғусин қалаб.

Тонгда ўзга олам қушлар чуғури,  
Ажиб чирой очар гулу япроқлар.  
Бирдан равшан тортар дилдаги ғулу,  
Нурсиз мунғаяди тунги чироқлар.

Ва лекин, бу ҳаёт фақат тонг эмас,  
Кун узун, гар аср қисқа бўлса ҳам.  
Кун бўйи, албатта бари чанг эмас  
Ва лаззат эмасдур бари бўса ҳам.

Кун-кунга ўхшамас, соат-соатта,  
Ҳар бир дақиқанинг кўп имтиҳони.  
Мушрифдир иймони бут саодатта,  
Покравнинг ободдур икки жаҳони.

Барибир, беғубор тонгда ҳикмат кўп,  
Покликдан туғилмиш яхшилик, меҳр.  
Бежиз демас дониш тонгда ҳиммат кўп,  
Баракот бергувчи тонгда кўп сеҳр.

Муқаддас диёнат, мукаррам иймон,  
Яхшилик мезонин тамал тошидур.  
Тонгдан баҳра олгин, эртароқ уйғон,  
Чунки ишқ ҳар ишнинг аввал бошидур.

Покиза тонг янглиғ фикринг пок бўлсин,  
Эл-юртга муҳаббат, зикринг пок бўлсин.  
Тонгдайин ардоқли бўлмоқ истасанг,  
Эй азиз юртдошим, шукринг пок бўлсин!

## Ҳазратим

Навоий навога навозиш айлаб,  
Дурмуши олам маъни ёзиш айлаб,  
Мен фақир дерман кўп сипориш айлаб,  
Умрингиз боқийдур аъло ҳазратим!

Устоз шавқ жон аро тузди наволар.  
Бугун ҳам назми хушмавзун ҳаволар,  
Меники дер борлиқ манзил, маъволар.  
Умрингиз боқийдур аъло ҳазратим!

Вафо бўстонида вафоларга зор,  
Гоҳ чекиб ғанимлар дастидан озор,  
Кенг дунё гоҳ бўлган бўлса ҳамки тор,  
Умрингиз боқийдур аъло ҳазратим!

Шеърят — Оллоҳнинг лабзи, каломи,  
Шоирлик маснади Унинг инъоми,  
Кимнинг тирикликда тўқисдур коми,  
Умрингиз боқийдур аъло ҳазратим!

Бўйингиз баробар китоблар битиб,  
Авлодлар қалбига жовид жо этиб,  
Яшарсиз, дилхушмиз лутфингиз айтиб,  
Умрингиз боқийдур аъло ҳазратим!

\* \* \*

Қушлар талашади баланд-баландлаб,  
Инсон орзу қилган осмон тор келиб.  
Гоҳ-гоҳ тўлишади паймон лаболаб,  
Кўзга ёш сиғмайди мужгон тор келиб.

Қадим хўб ораста ҳар ўбалардан,  
Бугун хок уйими харобалардан,  
Дурмуши синоат туробалардан,  
Оқар оташ «оҳ», буломон тор келиб.

Ихлос бошин тутиб берса риёга,  
Эзгуликнинг рўйи дўнар сиёга,  
Бўдилар-ку, ахир, қурбон, дунёга  
Қодирий, Чўлпону Усмон тор келиб.

Несин айтай паст-баландлик касратин,  
Ҳам беадад бемехрлик ҳасратин.  
Битди буни истаб Оллоҳ нусратин,  
Комил Авазга танда жон тор келиб.

## Бошқа бировга айтиб бўлмас

Оқ ҳуллада қучоқ очиб, тушларимда учмишсан,  
Ҳарён мушки анбар сочиб, сочларингни ечмишсан,  
Хаёлларим олиб қочиб, орзуларим қучмишсан,  
Бу гапларни сандан бошқа бировга айтиб бўлмас.

Яхшиям сен борсан менинг суйанчигим, ардоғим,  
Қоп-қоронғу ҳасратларим ёритгувчи чароғим,  
Не ҳам қилардим бўлмасанг, куюнчагим, қароғим,  
Бу гапларни сандан бошқа бировга айтиб бўлмас.

Дунё аддовлари чирмаб, етар ҳар ён отгани,  
Етар дўстларни ҳам пинҳон душманларга сотгани,  
Қўрқиб қолдим сирым ҳатто ўзимга ҳам айтгани,  
Бу гапларни сандан бошқа бировга айтиб бўлмас.

Севганим севди бошқани, ўзга энди ёв бўлди,  
Бехато бўлди отқани, тошлар ҳам беаёв бўлди,  
Иўлда ҳасса, ҳажр уммонида кўксим даёв бўлди,  
Бу гапларни сандан бошқа бировга айтиб бўлмас.

Туладилар кўзёшларим кўзларимни ичинда,  
Бўладилар кўзёшларим кўзларимни ичинда,  
Муладилар кўзёшларим кўзларимни ичинда,  
Бу гапларни сандан бошқа бировга айтиб бўлмас.

Қирқ уч ёшда банди бўлдим, каззобларим беадад,  
Минг бир оқшом хун йиғладим, азобларим беадад,  
Етармикан умрим, ахир, ҳисобларим беадад,  
Бу гапларни сандан бошқа бировга айтиб бўлмас.

Гоҳ кунлари юмушгаям боргим келмас сира ҳам,  
Ноҳақ хафа этганларни кўргим келмас сира ҳам,  
Бир сония ҳам ҳамнафас бўлгим келмас сира ҳам,  
Бу гапларни сандан бошқа бировга айтиб бўлмас.

Қаноатда қанотланди нигоҳингда нигоҳим,  
Гоҳ бам, гоҳ авж оҳангланди дил оҳингда дил оҳим,  
Тоабад асрасин энди паноҳинда Илоҳим,  
Бу гапларни сандан бошқа бировга айтиб бўлмас.

Бугун тонгда бешафқат, ажаб мудҳиш туш кўрдим,  
Қолмишман тўр, қафасда, ўзимни банди қуш кўрдим,  
Жиққа терга ботиб турдим, хаёлим беҳуш кўрдим,  
Бу гапларни сандан бошқа бировга айтиб бўлмас.

Билолмадим, Комил Аваз буларни битдим нечун,  
Қай дақиқа бўлиб музтар ўзимдан кетдим нечун,  
Балки андак дилимни ҳам бўшатдим бир сен учун,  
Бу гапларни сандан бошқа бировга айтиб бўлмас.

## Жалолиддин нидоси

Кечир тангрим, бугун дилим қон йиғлар,  
Калимага келмас тилим қон йиғлар,  
Ҳарён уриб бош, ҳамдардим қон йиғлар,  
Сизга мангу макон Синддур, онажон!

Бугун сачрар қон тарихнинг юзига,  
Қай қарарман авлодарим кўзига,  
Ҳақ ҳукми-ла топширурман Ўзига,  
Сизга мангу макон Синддур, онажон!

Ўғлим! Тирик ем бўлдинг-ов, алвидо,  
Онажон! Мен ким бўлдим-ов, алвидо,  
Аҳли аёл! Жим бўлдинг-ов, алвидо,  
Сизга мангу макон Синддур, онажон!

Элим дедим, эл бўлмади яқинлар,  
Устун келди сотқинлардан сотқинлар,  
Кўкси яро, кўксима ўқ отқанлар,  
Сизга мангу макон Синддур, онажон!

Сув жим, қирғоқ жим, олам қолди жим бир зум,  
Нолон этди Жалолиддин Оллоҳ таолога:

*Муртад Чингиз офатига қарши курашмоққа бирлаштир-  
моқ бўлдим буюк Турон заминни, токай топтар дея ёғий бу  
гул диёр чаманни, бир туғга чорладим озар, гуржи, арманни.  
Ватан дея, эл-юрт дея миндим тулпор саманни, дилимга куч,  
мадад бергин ўзинг Парвардигоро!*

Қасос! Қасос! То тирикман алқасос,  
Йўқса, элга не керакман, алқасос,  
Бўлолмасам шер юракман, алқасос,  
Олсин мени майлига Синд, онажон!

Қани, бошла маним тулпор саманим,  
Тирик бўлсам топтатмасман Ватаним,  
Фидо бўлсин сенга бу жону таним,  
Йўқса, олсин мени бу Синд, онажон!

## Она фарёди

Фахрим чексиз, беурин этмам нидо,  
Уғлимдан минг-минг розиман, эй Худо!  
Бошинг тошдан бўлсин болам, Илоҳо,  
Нуридийдам — Жалолоддин, алвидо!

Бугун кўрдим кўзларингда изтироб,  
Бугун нечоғ сўзларингда изтироб,  
Нур ёғилмиш юзларингда изтироб,  
Нуридийдам — Жалолоддин, алвидо!

Бугун юзи қаро бўладур Синднинг,  
Бағри гирён, яро бўладур Синднинг,  
Суви мотамсаро бўладур Синднинг,  
Нуридийдам — Жалолоддин, алвидо!

(жимлик)

Оналар! Муштипар, мунис оналар! Мени тўғри тушунинг!  
Уғлим бизни ёғий қўлига бермай, Оллоҳнинг қўлига берди,  
шукур! Мардлигига минг бора шукур! Покиза сув қабримиз  
бўлди, шукур! Лаънат малъун Чингиз ёғийга! Куйиб, ёнсин дўзах  
утида! Оташзада бўлсин жисми жаҳони! Хайр энди, алвидо  
уғлим! Қилич ўйнат  
*ёғий бошида!..*

Онаман мен! Уғлим бошинг баланд тут,  
Қаддинг букма — букилар эл, маснад тут,  
Сўзларимни қулоққинангда панд тут,  
Нуридийдам-Жалолоддин, алвидо!

\* \* \*  
Кам сўралатурғон вақтим, ажабким,  
Камарга уяли телефон осдим.  
Керак бўлиб қолар бир куни балким,  
Қисқа бўлиб қолса магарам дастим.

«Тико»ни «Матиз»га алмаштирдим ҳам  
Шукрлар айтсам-да, кемтик бир ёним.  
Муъжаз янгиликлар бўлолмас малҳам,  
Йил-йилдан таранглаб борар бу жоним.

Сокин суҳбатларни кўнглим қўмсайди.  
Кўп сўзга йўл бермас, ахир, кўп харжлик.  
Кимларга бир эрмак интернет сайти,  
Гап бермас таниши бўлса хорижлик.

Майли белгинамда жиринглайверсин,  
Уяли телефон буюм бир дармон.  
Бошдагин кўз кўрар, Ҳақ умр берсин,  
Сабр саботида ушалар армон.



\* \* \*

Қани, оёқ яланг кўча чангитиб,  
Новдани «От» қилиб чопган шўх чоғлар?  
Қани, ҳар нигоҳдан бошни гангитиб,  
Йулдан оздиргувчи уйчан қароғлар?

Кунлар ўта берар қисқариб, узун,  
Алмашар ёзу куз, баҳор, қишларга.  
Ғаму шодликлар ҳам фузундан-фузун,  
Ҳавасим келади эркин қушларга.

\* \* \*

Дустлик бебаҳо мулк, билсанг, дунёда,  
Азиммас бўлмаса сув мўл дарёда,  
Оқил фарзанд, умринг бўлсин зиёда,  
Дунёдан умидинг борки, тириксан,  
Меҳрга сажда қил, токи, тириксан,

Бир олам ҳикмат бор ишқда, вафода,  
Беқанотсан ёлғиз қолсанг мабодо,  
Содиқ бўл ўтмасин умринг жафода,  
Дунёдан умидинг борки, тириксан,  
Меҳрга сажда қил, токи, тириксан,

Кўп керак бўлар-ей, кўзёшинг асра,  
Мақтов, туҳматлардан ҳам бошинг асра,  
Умрлик ҳамқадам йўлдошинг асра,  
Дунёдан умидинг борки, тириксан,  
Меҳрга сажда қил, токи, тириксан,

Дунёдан умидинг борки, тириксан,  
Меҳрга сажда қил, токи, тириксан,

## Сизникидур бу дунё

Бойчечаклар баҳорда қулф урарлар,  
Мажнунтоллар сойларга зулф урарлар,  
Созандалар савти таълиф урарлар,  
Болажонлар, сизникидир бу дунё!

Тоғларга бош уриб шалола ўйнар,  
Шаббодага шивирлаб лола ўйнар,  
Кундуз қуёш, тунда ҳилола ўйнар,  
Болажонлар, сизникидир бу дунё!

Дилу жондан севингиз бу дунёни,  
Пок иймон-ла севингиз бу дунёни,  
Азиз нондай севингиз бу дунёни,  
Болажонлар, сизникидир бу дунё!

Кўзим нури, дийдам — она юртимдир,  
Ҳар қадамда ҳамдам — она юртимдир,  
Комил Аваз дунём — она юртимдир,  
Болажонлар, сизникидир бу дунё!

## Кўк Калта минор

*1855-йили Қонли тепа деган жойдаги са-  
ваида Хива хони Муҳаммад Аминхоннинг  
боши кесилиши боисдан битмай, Хивада  
боши кесик, чала қолган Минора, Кўк Кал-  
та минор номи билан тарихга кирган...*

Тарих ажиб тилсим, андуҳ, ифтихор,  
Турли нақлларнинг ярашиғи ҳам бор,  
Андак чалкашлардан тўсилмас анвор,  
Мана, неча замон шукӯҳли, бедор,  
Хивага кўрк берар Кўк Калта минор.

Қурай деди мулкдор баланд минора,  
Кўринса не ажаб, дея Бухора,  
Тақдирга топилмас ва лекин чора,  
Мадаминхонга<sup>1</sup> дуч келса-да, идбор,  
Хивага кўрк берар Кўк Калта минор.

Билҳақ доврӯқ солмиш жумла очунга,  
Калта минор шуҳрат келтирмиш унга,  
Ошиқ бўлиб тунга, ёр бўлиб кунга,  
Пойида ҳасратли айтилмиш алёр,  
Хивага кўрк берар Кўк Калта минор.

Минг саккиз юз эллик бешдаким якрон  
Йиқилди, Муҳаммад Амин бермиш жон —  
Бошидин айрилмиш мағлуби майдон,  
Пойида надамлар тўкилган бисёр,  
Хивага кўрк берар Кўк Калта минор.

<sup>1</sup> Мадаминхон — Хива хони, Олоқулихоннинг ўғли, (хонлик даври-1846-1855йй.);

Нечоғ суяр эди Оғаҳий уни,  
Муҳаммад Аминни, Хива хонини,  
Оғам<sup>2</sup> хон бўлсин деб, хон сайлаш куни,  
Ибрат гултожини киймишдан ёдгор,  
Хивага кўрк берар Кўк Калта минор.

Ини, оғасини, оға, инини,<sup>3</sup>  
Хон сайлаш онда алқаганини,  
Дунё пайдо бўлиб кўрмаганини,  
Ҳазрат тарих этди, айтилди ашъор,  
Хивага кўрк берар Кўк Калта минор.

Муҳаммад Аминнинг фожеъ ўлими,  
Ларзага келтирди Хива элини,  
Оқизди кўзлардан хуноб селини,  
Етим бўлиб қолган эрса-да, пойдор,  
Хивага кўрк берар Кўк Калта минор.

Кейин, беш-олти ой ичида тахтга  
Икки хон ўтирди етмади бахтга,<sup>4</sup>  
Сўнг Саид Муҳаммадхон<sup>5</sup> маслаҳатта,  
Чорлаб дер чала-ю, не қилмоқ даркор,  
Хивага кўрк берар Кўк Калта минор?

Минора пойига аҳли фузало,  
Йиғилди Хивада борки уламо,  
Кўп баҳсу тортишув меваси аммо,  
Дейишди соҳиби сарири осор,  
Хивага кўрк берар Кўк Калта минор.

---

<sup>2</sup> Раҳимқулихон — Хива хони, Оллоқулихоннинг ўғли, (хонлик даври — 1843-1846йй.);

<sup>3</sup> Оллоқулихон ўғиллари Раҳимқулихон ва Мадаминхон ўртасида бўлган воқеага ишора;

<sup>4</sup> Абдуллахон-хонлиги 5 ярим ой.; Қутлимуродхон — хонлик муддати оз;

<sup>5</sup> Саид Муҳаммадхон — Хива хони, Оллоқулихоннинг иниси, (хонлик даври — 1855-1864йй.);

Улуғлик писанда эмасдир бўя,  
Бошсиз яралмоғи керакдай гўё,  
Яхлит бир кўркамлик бахш этди,аё,  
То абад мавжудким бу чархи даввор,  
Хивага кўрк берар Кўк Калта минор.

Майли, ривоятлар бўла берсинлар,  
Китоблар нақлга тўла берсинлар,  
Ёлғонни гоҳ ростга йўя берсинлар,  
Дурмуши салобат, дурмиши виқор,  
Хивага кўрк берар Кўк Калта минор.

Ким қандай сўйласин, нақл этмайин,  
Минора кўзларга синган битмайин  
Ва ҳам улуғланиб борар йил сайин,  
Фараҳбахшу жозиб, ажиб тилсимкор,  
Хивага кўрк берар Кўк Калта минор.

Сарахс гувоҳи табаррук қоннинг —  
Боши кесилганин Мадаминхоннинг,  
Боши кесик қолди калта минорнинг,  
Ҳайкал қўйиб кетди ўзига мулкдор,  
Хивага кўрк берар Кўк Калта Минор.

## Изҳори дил

### Раънога

Дардашмиз сен билан мана қирқ йилким,  
Қирқ йил деганинг ҳам бир йигит умри.  
Шукр, кўп рушнолик кўрдик бу балким,  
Оллоҳ таолонинг инъоми, амри.

Яшамоқ тарзида йўқса-да, кемтик,  
Беҳисоб бўлди гоҳ йиллар шиддати.  
Кўнгулга гоҳ фараҳ, гоҳ озор бердик,  
Минг йил берилгандай умр муддати.

Ўлчамли нафаслар, қадри баайни,  
Ҳукмин ўтказмоқда умр мезони.  
Ҳозирги донишлик бўлсайди қани,  
Шавқли шарқираган ёшлик замони.

Бу қўмсаш фақатким дилга тасалли,  
Ҳар куннинг ўз ҳукми, ҳисоби бўлак.  
Минг дониш бўлсанг ҳам бордур касаллик,  
Яна не ғаддорлар оқизмиш сўлак.

Тириклик дафтари қайдланар кун-тун,  
Кимса ўта олмас ёзғитни четлаб.  
Гоҳида сармастмиз, гоҳида дилхун,  
Вожаб қўйганми барин бет-бетлаб?

Бу дунё ишларин бари ғаройиб,  
Ғаройиб севинч ҳам, қаҳр ҳам, ғам ҳам.  
Гоҳ ёғин дилингни хуш этса ёғиб,  
Гоҳида дилингга қалайди алам.

Аямай қанотли отин қамчинлаб,  
Пойгада бир-бирин қувларлар йиллар.  
Чорлар олисларга шамоллар имлаб,  
Кўнгул ҳам зирқираб, ҳайрона йиғлар.

Йиллар ўтиб отмас, узундан-узоқ,  
Бир вақтлар қисқадан-қисқа оқшомлар.  
Тешилай дер дилга солиб минг фироқ,  
Қачонлар завқ берган ёмғирдан томлар.

Умр ҳам тўрт фасл,насиб этса гар,  
Худди табиатдай-баҳор, ёз, куз, қиш.  
Биз ҳозир кўздамиз, хазонлар эзар,  
Вале, пок умидлар дилларга нақш.

Шукрим,сен борсан меҳрибон, ҳамдам,  
Қолмиш синовларга ёнма-ён таянч.  
Буёғи нозикдур иков учун ҳам,  
Чин иззат хушасо, нигоҳлар суянч.

Дардашмиз сен билан мана қирқ йилким,  
Қирқ йил деганинг ҳам бир йигит умри.  
Ҳали кўп яшармиз ҳавасли билким,  
Неларга қодирмас Оллоҳнинг амри.

2002 й.



\* \* \*

Озодлик, олис нур тутқунлигингда,  
Озодлик лаззатин билар тутқунлар,  
Орзулар айблидур манқуртлигингда,  
Қорга сачрагандай ўтли учқунлар.

Қафас қафас, гарчи, ипак бўлса-да,  
Банди булбул сасин эшитган борми?  
Банди шер ҳам ювош тортар қафасда,  
Бўкирмас, ҳаттоки, очиқса қорни.

Бўйнидан боғлиқ ит ярамас овга,  
Ов кўрмай яшашга тушунмас балки.  
Сен озодсан десанг тутқун бировга,  
Ҳурлик нафасига юкинмас балки.

Озодлик лаззатин билмаским абад,  
Қадрини билмовчи эркин нафаснинг.  
Бойлик бош мезони қўл-оёғи банд,  
Мақтовин куйлайди олтин қафаснинг.

Ҳур нафас Оллоҳнинг улуғ неъматини,  
Қадрига етганнинг йўқдир армони.  
Кимнингки тиллодан бейик ҳиммати,  
Тоабд баланддур умид айвони.

\* \* \*

Нечундир, кейинги вақтлари бот-бот  
Айроликдан дилим бўлмиш ғамфикан.  
Салга дамим қайтар етмайми сабот,  
Юрагим узилди, демоқ шулмикан?

Маъюс нигоҳларинг зинҳорларидан  
Анойи хўрсиниқ келади ногоҳ.  
Сув келмас кўзларим анҳорларидан,  
Юрак узилиши қайталар гоҳ-гоҳ.

Юрак узилишлар ларзаларидан,  
Омон ўтаётган жоним, инжилма.  
Ўлиб-тирилишлар найзаларидан,  
Қалтис оқаётган қоним, инжилма.

Инжилма, тақдирнинг шумрафтларига  
Бардошинг эмасми узилмаслигинг?  
Гоҳ машъум таҳқирнинг офатларига  
Жавобдур қон бўлиб сизилмаслигинг.

Шукур қил, наинки тенг, балки ҳали  
Қувватли юраклар кесмади сўзинг.  
Ҳижрон висолига куч сақлағали  
Оллоҳ паноҳингда сақлагил ўзинг!

## Актёр дўстларим

Кимлар-чун тирилиб, кимлар-чун ўлиб,  
Саҳнада яшайди актёр дўстларим.  
Қалбидан не ғулу турса-да ўтиб,  
Авж билан айтарлар «ёр-ёр» дўстларим.

Бири Навоийдир, Беруний бири,  
Эртаси Карл Моор, ёинки Ҳамлет.  
Бугунги ролида гар ўтса амри,  
Эрта пиесада дер: «Қани, амр эт!»

Бир дўстим хон бўлиб чиққан сафари,  
Титради ҳаттоки залдагилар ҳам.  
Ярим имосига муҳайё бари,  
Бир ёнда қадаҳлар, бир ёнда ҳарам...

Юксак ижросидан бир баҳя ўсган  
Актёрга олқишлар ёғилди роса.  
Вожаб, ҳовлида чироқлар ўчган,  
Жўшқин ҳолатда у уйига келса.

Деворга суюди велосипедин,  
Тамаки тутатди бош қашлаб ҳорғин.  
Аслига қайтаркан кулди у секин,  
Биров «ҳа» дермиди ўтирса тағин.

Човгумни газга у аста қўяркан,  
Тарк этди салгина виқор туйғуси.  
«Тахт»дан тушганига эзилган билан  
Олқишлар завқидан қочди уйқуси...

Турфа роллар ўйнар яна бир дўстим,  
Баъзан жўшиб юрар, баъзан хафароқ.  
Унвон ҳам олди у, анчайин ўсди,  
Ўзи бўла олмай қийналар бироқ.

Бир жойда меҳмонда ўлтирган маҳал,  
— Эй Ҳамлет, қўлимга сув қуй, — дер кимдир.  
— Хуп, — деру йўл қўймас «Шаҳзодалик» сал,  
Не қилсин, кибрга балки бу камдир.

Меҳнати оғиру театр ўйин,  
Ҳаёт саҳнасининг қонуни бўлак.  
Бизга осон тутманг, бизга ҳам қийин,  
Бунда ўзинг бўлиб яшамоқ керак.

Нега артистларни келди сўйлагим  
Гоҳи айтгим келар алёр, дўстларим.  
Қай ролда чиқмасин қани, ўзлигин  
Сира йўқотмаса актёр дўстларим.

\* \* \*

Умр саноқли ўқ — отилмиш нидо,  
Ва ажаб гуноҳлар қарин қадамдир.  
Бўғизда қолар гоҳ энг сўнгги видо,  
Одам туғилади, яна адамдир.

Нега жонин айлар одамзод фидо  
Ноҳақлик, алдовлар силсиласида?  
Лаҳзалик қувончдан бўларлар жудо  
Ғамга гирифторлик бисмиллосида!

Нелар қилмоқ бўлар, нега яшайди,  
Қониқиш топарми жавобларидан?  
Ким беун, беминнат ошин ошайди,  
Нега кўп гуноҳи савобларидан?

Нимадир ўлчами, ҳаёт эҳсонин,  
Қай ўлчам бирлиги асоси унинг?  
Саволлар беҳисоб, аммо, мезони,  
Недир пасти-баланд ўтмиш умрининг?..

Барибир, сабрда туяман ҳар дам  
Дунёнинг музайян кўркамлигини.  
Шукрли одамлар айлар мужассам  
Ихлосу иймонда ўктамлигини.

## Санам

Соҳир саҳар қочди Санам уйқуси  
Чалкаш ўйларига бўлиб андармон  
Ва бирдан жунбушга келди туйғуси,  
Дилин ёриб чиқди бор андуҳ, армон:

«Сиз яхши одамсиз, мени кечиринг,  
Сизга муҳаббатдан маҳрум бандаман.  
Дунёда не онт бор, майли, ичиринг,  
Мен ўзим-ўзимга тушов-бандиман.

Сиз яхши одамсиз, сизни суяман,  
Фақат сиз ўйлаган севги биланмас.  
Қанийди талпиниб, десам қуяман,  
Кўзим кўр, оёғу қўлларим лангмас.

Тонглар уйқум қочар аросат аро,  
Қўзғата олмайин ҳиссиётимни.  
Англатгил дейман, эй Парвардигоро  
Сизга аталганин пок ниятимни.

Ният таманнодан мосуво эмас,  
Фақат севолмайман сизни, ўлдирилинг.  
Фақат бугун илк бор йиғладим уввос,  
Шукр, юрагимни қонга тўлдириб.

Билмадим, барибир, юрагим бўм-бўш,  
Тушовим бўшалиб кетмади алҳол.  
Энди не қиламиз, айтинг-чи, сиз, хўш,  
Розиман, уринг тиғ кўксимга дарҳол?!

Қутилай меҳрингиз азобларидан,  
Ўлик ҳисларимдан қутилинг сиз ҳам.  
Ё, ёқинг чуғ ташлаб, севги ўтидан  
Кул бўлиб яшайин, майлига бир дам.

Тўғри, ўйламадим, не кечар умрим,  
Қўйсангиз ҳолимга қандай яшайман.  
Худойим ўзинг айт, не менинг журмим,  
Нега мен суйганни суя олмайман?!

Нечун мени четлаб яшар олисда  
Севги деб аталмиш сирли маҳобат.  
Сиз яхши одамсиз, гуноҳ йўқ сизда,  
Не қилай ёқмаса мени муҳаббат?!

Йўқ, хато оддингиз юрак мўлжалин,  
Яна талабингиз сизни суймоқлик.  
Сизни суймоқ балки менинг ажалим,  
Сизга ҳам ёт экан ишқда куймоқлик.

Сиз яхши одамсиз, қўйинг ҳолимга,  
Аввал олов бўлинг, мен отай ўзим.  
Нечун сизни ёзди шўр толеимга,  
Берса бўлмасмиди билкулли ўлим?!

Мен осий бандани кечиринг, йўқса,  
Кечирмам ўзимни умрим борки то.  
Суярман муҳаббат балки йўлиқса,  
Эй, Худо, менга ҳам меҳринг қил ато!

Йўқса, бер отмишни тиғин бехато...»

\* \* \*

Кун отиб-ботади, умр дафтарин  
Варақлайсан шошиб, ўтади йиллар.  
Яхшими, ёмонми, не кўрсанг барин  
Хотира қаърига отади йиллар.

Боши берк кўчада, уюрда қолсанг,  
Яхшилиқ кутади ўткинчдан диллар.  
Зигирдай роҳатдан гоҳо қувонсанг,  
Гоҳ ҳазин йиғлайди ўкинчдан диллар.

Ойнинг ўн беш куни ёруғ бўлса гар,  
Ўн беши қоронғу дерлар азаддан.  
Ва лекин булутли, тўфонли кунлар,  
Ойлаб ой жамолин кўрмайсан баъзан.

Яхшиям юпанч бор, умид эртага,  
Орзудай суюнч бор, бахти инсоннинг.  
Шунданми ошуфта кўнгли эртакка,  
Машаққат йиллари ёқти инсоннинг.



## Сарҳисоб

Элликда йил санар демишлар умр —  
Элик бир...  
Элик беш...  
Олтмишгача то.  
Муддати бир йилнинг ичида кимдир  
Ажаб, қилмишдурур риҳлати бақо.

Ва яна ҳайратли, қисқарар муҳлат,  
Ой санар олтмиш ёш — ўттиз кунгина...  
Етмишда етти кун,  
Саксонда соат,  
Туқсонда дақиқа,  
Юзда... йўқ гина.

Ўлчамли дерлар дам, майли санасин —  
Эликми, олтмишми, юзми — бир нафас.  
Эрк беринг нафасга, яйраб-яшнасин,  
То анга бўлмасин тан лаҳза қафас.

\* \* \*

Чумолини бизда қоринжа дерлар,  
Қорни инжа-жуда нозиклигидан.  
Бу не бало, тўймас на бунча дерлар,  
Бехабар ё қорни кичиклигидан?

Ундан катта қумурсқа — от қоринжа,  
Ҳаракати чумолидан кўпга чўнг.  
Тонг саҳардан то қош қорайганича,  
Тиним билмас, емиш ташир, титар гўнг.

Топганига қилмай сира қаноат,  
Тезкор бўлмоқ учун қанот тиларлар.  
Орзуларин Оллоҳ айлар ижобат,  
Бироқ қанот чиққандайин уларлар...

Бу не сир-синоат, бу неки тилсим,  
Қаноатга қанот зидми, ноқисми?  
Очназарлик, бесабрлик қилса ким,  
Саробдир умрининг ўтган не қисми...

\* \* \*

Нафас олар эдим равон, ҳовлиқмай,  
Олам боқар эди очилган гулдек.  
Юрагим урарди усулдан чиқмай,  
Бир зайил, хотиржам — «гулу-так», «гул-так».

Тонг, гул япроғида титрайди шабнам,  
Шафақ ёйилмоқда замину кўкка.  
Аста эриб борар субҳишаб, нам ҳам,  
Юрагим ҳаприқди — «ракка-гул-ракка».

Қуёшдан баҳраманд ким борлиқ, ҳаёт,  
Титрар ғулу солиб шабнам юракка.  
Сен пайдо бўлганда, бу не тилсимот,  
Юрагим ҳовлиқар — «такка-гул-такка».

Шабнамнинг кутгани шумасми асли —  
Қуёшга талпинди, кетди юксакка.  
Шабнамнинг титроғи нечоғ ҳавасли,  
Юрагим тез тепар — «гул-ракка-ракка»...

\* \* \*

Қушним деразасига  
қора ойна қўйдирди,  
Бу билан бир қушчанинг  
уйгинасин куйдирди.  
Тонг саҳар кўзгудайин  
ойнада қуш аңдармон,  
Тумшуғини тўқиллаб  
бир нималар тўқийди.  
Ойнанинг у бошидан  
бу бошига чопқиллаб,  
гоҳ тумшуқ, гоҳ қошидан  
ўз аксини чўқийди.  
Қуш-ку майли, бефаҳм,  
одамлар бор бераҳм.  
Бор бўлсин кўп ҳазиллар —  
эшитсанг дил безиллар.  
Кимлар санчиб найзалар,  
ёлғондан чин сўқийди.  
Ниқобли қай байзолар  
пардалаб ваъз ўқийди.  
Билмайдикки, баъзилар  
ўз-ўзини чўқийди.

\* \* \*

Олтмишни тўлдириб турибман бугун,  
Элу юрт олдида камтар ҳисобда.  
Ғаму шодликларда отиб-ботди кун,  
Бўлмади санашга вақтим чоп-чопда.

Умрким, паст-баланд, гоҳи қувончли,  
Гоҳида бошингни ишқайди тошга.  
Кўп бўлди кунларим шукур, қуёшли,  
Кўп тўлди кўзларим севинчдан ёшга.

Барибир ҳаёт бу, ким мендан хафа,  
Кимдан-да, менинг ҳам оғринган дилим.  
Бугун нигоҳимда олти тарафа  
Олтмиш минг тазарру айтса кам тилим.

Рамазон ойида, олтмиш устида,  
Кечирдим кимки тош отди билмайин,  
Кимлардир баҳсу сўз тортмиш устида,  
Кечирсин назарга кетган илмайин.

Ҳаётда бойлик не? Бойлик — яхши ном,  
Саодатманд ўғил-қизлардур бойлик.  
Сизлардан бир умр баҳра топмиш ком,  
Ҳамнафас азизлар, сизлардир бойлик.

Бугун камарбаста ўғил-қизларим,  
Хизматда неvara, куёвлар шукур.  
Бари қарибимга айлағум таъзим,  
Кўзларим меҳрдан нурафшондурур.

Сизга-да, азизлар, таъзимим бисёр,  
Доим эъзозлаган сизга ташаккур.  
Илло, бахтимизга тинч бўлсин диёр,  
Илло, уйингиздан аримасин нур.

01.12.02 й.

\* \* \*

Дерлар ҳомилали аёл — Қуръондур,  
Аёлга сажда қил, аёлга юкин!  
Ахир, бир вужудда нечаям жондур —  
Кутариб юрмишдир оламнинг юкин!

Бу сен, бу мен, бу у, эй осий банда,  
Савоб қилган чоғинг бир фикр қилғил:  
Гуноҳдан ўзга не бор эрур санда,  
Жисмингда бор эса ел, ўт, обу гил.

Лойиқ бўлмаса гар саждага аёл,  
Эркаклар сабабдур, эркаклар сабаб.  
Эркак ҳалоллиги аёлда тимсол,  
Эркакки ҳаромдир, аёлда не айб?

Елга берганлар ҳам бордир ҳаётин,  
Тубан феъл аёл ҳам бор, йўқ эмасдур.  
Вале, бошин очиб чиқса гар хотин,  
Иймонин бесабаб елга бермасдур.

Унда ҳам юрак бор, орзу бор, тил бор,  
Номус бор, виждон бор, бордур хаёлиғ.  
Унинг нафасини тўйсанг-чи бир бор,  
Сендан ҳам ўтмасди, эркак, хатолиғ.

Азадан эркак мард, аёл ожиза,  
Эр рўзғор тебратар, аёл бешикни.  
Эркакдан яқиндир ҳам ўғил-қизга,  
Аёл фариштаси қопу эшикнинг.

Аёл кулгусидан олам нурафшон,  
Назари меҳридан дастурхон тўкин.  
Аёлинг қанотинг, эй марди майдон,  
Аёлга сажда қил, аёлга юкин!

\* \* \*

Хира тортар гоҳида шуур,  
Киприқдаги шўртак шарбатдан.  
Қорачиғим тубидаги нур,  
Ўчмоқ бўлар, алҳол, ҳайратдан.

Ва чарх бирдан йўқотар рангин,  
Дейман дарҳол қалбим ўқласам.  
Қулоғимда қонлар жарангин  
Эшитмайман фақат ухласам.

Уйқу пандли, қуш уйқусидай,  
Қўниб-қўнмай учар баланглаб.  
Ваҳму ҳавл келар қўққисдан,  
Дунё ғамин юракка банглаб.

Қайғу мўлдир ҳикмат мўл жойда,  
Қоилмасман доноларга ҳам.  
Кўпайгандай доғлар ҳам ойда,  
Босиб келар тонг отгунча ғам.

Яшасин тонг! Бегард, мусаффо,  
Ойдинлашар дудли армонлар.  
Учиб келар иболи вафо —  
Дардларимга даво, дармонлар...

## Ассалом, баҳор!

Сирларимни айтгим келади  
Дарахтлар япроқларига.  
Шеърларимни айтгим келади,  
Соҳир тонгнинг яноқларига.

Муҳаббатнинг қучоғларида  
Потирлар қалб мисли тутқун қуш,  
Ажаб, кўнгил хуш чоғларида,  
Учар экан бошдан ақл-ҳуш.

Гўзалмиди шунча чархфалак,  
Кўм-кўкмиди осмон кечаям?  
Ушалмайди сира бу тилак,  
Васл жомин ичсам нечаям.

Баякбора мени лол этмиш,  
Юрагимда эриди қорлар.  
Бунча гўзал, дилдорлар отмиш,  
Истиғнолар, сиртмоқлар, дорлар

Ассалом, тонг-ойдин орзулар,  
Ассалом, ишқ-субҳи бегубор.  
Шодмонликдан бошим «ғув-ғув»лар,  
Вужудимда чарх урар баҳор.

Умр борким, дил ишққа тўлсин,  
Қутлуғ қадам келсин баҳорлар.  
Барчангизга муборак бўлсин,  
Баҳрамандлик, эй баҳраворлар-  
Ишққа ёрлар, баҳрабардорлар.



\* \* \*

Тоабад, бир-бирин қувлайди йиллар,  
Ойдин орзулар ҳам шундай югурак.  
Гаҳи жушқин, гаҳи ғамнок бу диллар,  
Эрта умидида яшайди юрак.

Одамзод кўрса-да не-не қаҳрлар,  
Дунё деб еларлар, жонлари ҳалак.  
Нечоғ ҳовлиқмасин баҳру наҳрлар,  
Вазмин айланади бу чархи фалак.

Ана шу вазминлик оналарга хос,  
Ана шу пурвиқор элни безайди.  
Шунданми табиат оналарга мос,  
Ризқи рўз аталмиш ерни безайди.

Фаслларни туғар она табиат,  
Фарзандларни туғар суюб аёллар.  
Ногоҳ бевафолиғ этса бу хилқат,  
Яшар ҳаммадан кўп куюб аёллар.

Яхшиям сиз борсиз, дунё нурафшон,  
Сиз ила мукаррам отмиш хуш тонглар.

\* \* \*

Ип дўқ урар игнага:  
— Уткирман.  
Жисминг пулат бўлса ҳам  
Хоҳлаганда тешиб ўтаман...  
Боғлайман...

Сал ўтмай ип чокда қолди,  
Игнани эса тикувчи яна  
Қўлга олди.

\* \* \*

Қизиқ, бадбўй, сассиқ ўтларнинг  
илдизи чуқур, булар мустаҳкам.  
Баъзи алвон нафис гулларнинг  
томирлари нимжон,  
қовжираб тўкилар  
сал иссиққа ҳам...

\* \* \*

Аввал текис бўлиб яралгандир ер.  
Шаклини ўзгартган ўтиб асрлар:  
Бир жойи юксалиб бўлган баланд тоғ,  
Бир жойи гуллаб боғ,  
Бир жойи чукиб жар...

\* \* \*

Уғлим ўйинқароқдир, ёшлигимга ўхшайди,  
Эркалаши тим қора қошлигимга ўхшайди,  
Жаҳди чиқса гоҳ бағри тошлигимга ўхшайди,  
Қайсимизга, барибир, ўхшаса ҳам у билан  
Тирик бўлиб ҳаётда қолишимга ўхшайди.



Ўзбекистон, бор бўл  
жаҳон юзинда!

Юртим, шодман, нурдан шодмон юзингда,  
Эрқдан порлар еру осмон юзингда,  
Фахру ишонч, доврўғу шон юзингда,  
Бахт қуёши кулди хандон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Сени десам руҳданар дил, забоним,  
Илҳомбахшсан, маним эркли замоним,  
Минг йиллар қаърини кўзлар иймоним,  
Толеинг боқадр алвон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Олис юлдузлардур-азиз аждодлар,  
Фидо бўлди сенга не буюк зотлар,  
Жо этур юракка исмин авлодлар,  
Не-не аср акси мардон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Хоразмий «ал-Жабр» тузиб дунёда,  
Башар тафаккурин этди зиёда,  
Сир-синъат бисёр мадад Синода,  
Олам бори топди дармон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Мустажоб Термизий дуоси ҳар он,  
Ал-Фороб иншоси боқий бир нишон,  
Қалбларда Беруний исми нурафшон,  
Ўзбегим даҳоси унвон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!



*Шоир ота-оналари Самандар ака, Чамангул опа ва оила  
аъзолари билан, 1980 йил*



*Ўтирганлар чандан ўнгга: Раъно, Оқилжон, Шоҳсанам. Бола-  
лар: Баҳром, Илҳом, Донулжон. Тик турганлар: Комил Аваз,  
Эркин Самандар, Рустамбой.*



*Шоирнинг уғиллари: чандап Навруз, Феруз, Баҳром.  
Феруз: – Аввал, созиши керак жўралар! 1972 йил*



*Шоирнинг невараси Севара,  
2006 йил*



*Рафиқаси Раъно билан,  
Москва, 1967 йил*



*Биринчи қатор: невараси  
Маҳлиё, Комил Аваз,  
невараси Нафиса.  
Иккинчи қатор:  
неваралари Нодирбек,  
Қамолiddин.  
Учинчи қатор:  
эвараси Комила, невараси  
Ҳилола, қизи Дилноз ўгли  
Сулаймон билан.  
Дурмон, 2006 йил*

Замаҳшарий илми тенгсиз хазина,  
Неча олим лолдир «Муфассал» ина,  
Ўттиз китоб битди анинг шарҳина,  
Шарҳинг дунё, меҳринг шоён юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Яссавий ҳикмати Ҳаққа тумордур,  
Нақшбанд тариқи дилларга ёрдур,  
Аҳли хирад учун руҳ бешумордур,  
Ҳақ зиёси урар туғён юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Шайх Кубро соҳиби илми ладуний,  
Шаҳид бўлди босгач куффор заминни,  
Ани айтиб мағрур кезади Румий,  
Фарзанд шаҳди хўп намоён юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Ҳаёт денгиз, денгиз турмас тўфонсиз,  
Унда сузиб бўлмас жаҳду урфонсиз,  
Омон ўтган юртим бўрондан сонсиз,  
Кўрдим неча акси тўфон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Эгам сенга назарини қаратди,  
Полвон Пирни лангар этиб яратди,  
Илми дониш бирдан доврўғ таратди,  
Акс этиб жанг тўла майдон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Бир туғро тутсин деб улуғ Туронни,  
Баланд байроқ этиб азиз Қуръонни,  
Халлоқ берди Амир Соҳибқиронни,  
Соҳибқирон қалби аён юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Туркийзабон элни олқаб Навоий,  
Лафзинда жой топмай калом ҳавоий,  
Сўзи ҳикмат, дарди дилга давоий,  
Наво отлиғ жавҳари жон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Она заминидан истаб дармон-е,  
Тор бўлди Бобурга жаҳон айвони,  
Анга қучоқ очди назм майдони,  
Шоҳ назмининг сеҳри шодон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Эл равнақи бўлди унинг орзуси,  
Жону дилга минг бир маъни солғуси,  
Абулғози номи абад қолғуси,  
Акс этмиш не улкан уммон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Адолат шоирнинг абад тахтидур,  
Элнинг оройишин ёзса бахтидур,  
Муҳаббат нуридан диллар ёқтидур,  
Ишқ ояти зоҳир ҳар он юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Машраб асрларга солади фарёд,  
Амирий юраги маъюс ҳоким зот,  
Ғайрлик дастидан ўтдилар ношод,  
Машраб доди, дарди армон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Мунис ва Огаҳий зўр икки даҳо,  
Ишқни юракларга этган жобажо,  
Таворих битдилар мулкда бебаҳо,  
Ишқ тумори дурри афшон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Тож этурмиз бошга ким битса ғазал,  
Созга уч ҳам хушнаво халқмиз азал,  
Шажарамиз шундан ёзилмиш зарҳал,  
Ғахр сеҳри ловлар ҳамон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бул жаҳон юзинда!

Жаранглар неча йил зур авжда «Феруз»,  
Масъулликни кўрди ҳар важда Феруз,  
Аждодларга қилди хўб сажда Феруз,  
Ғарзанд меҳри дилга дармон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бул жаҳон юзинда!

Ўтди бу тупроқни топтаб кўп ёғий,  
Ўзликдан айирди халқни не «доҳий»,  
Ёт этди аларга илмин Илоҳий,  
Дардингни заҳми бор ҳайрон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бул жаҳон юзинда!

Эл суйганни миллатчи деб отдилар,  
Ким саводли булса уни осдилар,  
Бесаводлиғ тамғасини босдилар,  
Завол топди не-не аркон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бул жаҳон юзинда!

Ёқилди китоблар бари маъсир,  
Вайрон ўлғон масжидларда қолди сир,  
Бепоёнлиғ дардига булдик асир,  
У не қилса қилди алвон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бул жаҳон юзинда!

Айтсам қатағондан етган касрни,  
Қодирий, Фитрату Чўлпон, Носирни,  
Ўлими энг мудҳиш оҳи асрнинг,  
Табассуминг гаҳи гирён юзингда,  
Ўзбекистон, бор бул жаҳон юзинда!



Уруш деб не эрлар элдан айрилди,  
Учқур қанотлари синди, қайрилди,  
Муножотлар хуни гирён айтилди,  
Қувончларинг гаҳи вайрон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Жар солдик Жазоир Ватаним дебон,  
Байналминал дея берилди қурбон,  
Қувондик ўзгарса талаффуз, забон,  
Замон тортқилаган адён юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Юрт қаддин ростлади, гоҳо қоқилди,  
Тенгсиз истибдодда бағри ёқилди,  
Нони миннат бўлди, дарддан чақилди,  
Табассуминг қотди нимжон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Халқим, сабринг сабаб, қаноат сабаб,  
Пахтага бандивор не тоғлар ясаб,  
Бир рўшнолик кўрмай дунёсиз яшаб,  
Табассуминг бўлди фиғон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Бас, етар, саф-саф бўлиб этдик хитоб,  
Отди эрк тонг, кетди ул зулмат ҳижоб,  
Бўлди охир эл дуоси мустажоб,  
Топди эл-юрт ҳаёт амон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Алхусус, Оллоҳнинг меҳри эврилди,  
Бахналикнинг салосили емрилди,  
Истиқлолдан юрт кўкраги керилди,  
Табассуминг кулди чандон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Беш йил аввал етиб амри, бардоши,  
Кутарди истиқлол туғин юртбоши,  
Дурланди кўзларда севинчлар ёши,  
Табассуминг урди жавлон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Туғимиз бор энди ойли, юлдузли,  
Орзулар минг йиллик, асрий иддизли,  
Серфарзандмиз дастурхонли, нон-тузли,  
Зиё сочар нури иймон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Фозил элнинг фарзандлари фозилдур,  
Анга оят зикри Аршдан нозилдур,  
Ҳар не ишга бел боғлабон ҳозирдур,  
Олам борки, маъни азҳон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Ватаним меҳвари — жонажон Тошкент,  
Не меҳвар Ватанга, Туронда бош кент,  
Истиқлол нуридан навқирон ёш кент,  
Адолатда одил мезон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Андижонинг осмонингдан анвардур,  
Наманган толеи юксак сарвардур,  
Водий ичра Фарғона бир гавҳардур,  
Табассуминг чин нурафшон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Дунё билган муқаддас эл, маъвонинг,  
Самарқанду Бухорою Хиванинг,  
Авжи балад бўлсин айтмиш навонинг,  
Ярашиқли холдур Сурхон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Қадим Жайхун тўлар яна жилоли,  
Жиззаху Навоий симу тиллоли,  
Яшнаб борар Қашқадарё жамоли,  
Бахт сабоси доим сайрон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Чўл эмас, жаннатмакон Сир бўйлари,  
Қир-адрга ёйилгандур қўйлари,  
Фараҳбахшдур Сирдарёнинг тўйлари,  
Гулга тўлган дашту сайхон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Неча оғир бўлса ҳам юк, лаббай, дер,  
Камарбаста Қорақалпоқ дониш эл,  
Ташлар собит қадам маҳкам боғлаб бел,  
Лутфу эҳсон моҳи тобон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Қорақум бир ёнда, Қизилқум бир ён,  
Қуёшда рақс этар симу зар альон,  
Саҳролар ҳам бағрин очмишлар ҳар он,  
Дашту адр гули бўстон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Икки дарё икки узун кокилинг,  
Жўшқинлиги боис гўзал ёшлигинг,  
Темир излар тинмас, дея шошилинг,  
Ёшлик кучи бўлмиш авзон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Халқим она ердай саховатлидур,  
Асли кўп лаҳжада сўзловчи бир тил,  
Абадий қондошдур, қадимдан яқдил,  
Лафзи бутун азал Турон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Дўстликда ҳикмат кўп, бирликда қудрат,  
Аҳилликдан йўқдур гўзал аржуманд,  
Истиқлол истадик бўлиб орзуманд,  
Якзамин ғурури, алҳон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Қаддим баланд, азал тилим турк маним,  
Қадим Турон халқимким буюк маним,  
Ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркманнинг  
Минг йиллик каломи ниҳон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Она юртим — Ўзбекистон Ватаним,  
Шаънинг айтсак, шунча оз шон, Ватаним,  
Мадҳинг этмоқ зўр имтиҳон, Ватаним,  
Шону шараф ул гулафшон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Бу диёр борлиғи зару дур, маъдан,  
Азал доврўқлидур бу юрт, бу маскан,  
Чароғинг ҳар содиқ фидойи фарзанд,  
Меҳригиё балқир фатгон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Миллат бўлиб тобланишинг орзумдур,  
Туғинг баланд ҳилпираши лозимдур,  
Йўлингда фидолик юксак қарзимдур,  
Юксалишга қатъий аймон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Ватан дарди дардинг, кулса дармонинг,  
Эркингни васф этганнинг йўқ армони,  
Баланд созда келди куйлаш замони,  
Файзи жаннат гули райҳон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Ўзбекистон парвозинг сарбаланддур,  
Хушнаволи шўх созинг сарбаланддур,  
Жаҳон бўйлаб овозинг сарбаланддур,  
Истиқлолнинг нури тархон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

Бахт-иқболни кўриб юрт сиймосида,  
Меҳрини жо этиб ҳар имлосида,  
Комил Аваз битди сенга қасида,  
Умрим мезонига фармон юзингда,  
Ўзбекистон, бор бўл жаҳон юзинда!

1996 й.



*Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов билан. Дурмон, 2006 йил*



*Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим билан. Дурмон, 2006 йил*



*Ўзбекистон санъат арбоби, режиссёр Ибодулла Ниёзматов билан.  
1990 йил*



*Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов билан. Дурмон, 2006 йил*

## Тўти қуш

*Гавҳару дурни қулоқ озори бил,  
Сўзни қулоқнинг дуру шахвори бил.  
Алишер Навоий.*

Олти ойлик тўти сотиб олди у,  
тўти сотиб олди у.  
Тўтимас жон ўти сотиб олди,  
жон ўти сотиб олди, у.  
Меҳр билан парваришлаб улғайтди,  
парваришлаб улғайтди.  
Чидам билан ҳижолаб сўз ўргатди,  
ҳижолаб сўз ўргатди.  
Тўти тўрт сўз ўрганди сўнг астойдил,  
ўрганди сўнг астойдил.  
Водаригим, малика ҳам хастадил,  
малика ҳам хастадил,  
Ихлос билан севиб қолди тўтини,  
севиб қолди тўтини.  
Шу сабабдан сотиб олган тўтини,  
сотиб олган тўтини.  
Эшик очиб келган заҳот малика,  
келган заҳот малика.  
Қайдан бўлсин келса, ҳайҳот, малика,  
келса, ҳайҳот малика,  
Тўти бирдан бош буриб дер: «Ким кел-ди?»  
бош буриб дер: «Ким кел-ди?»  
Малика ҳам апил-тапил: «Мен», дейди,  
апил-тапил: «Мен», дейди.  
Тўти тез такрорлар: «С-сени севам-ман!»  
такрорлар: «С-сени севам-ман!»  
Эшикни у журтга очиб дер яна: «Мен!»  
журтга очиб дер яна: «Мен!»  
Тўти эса айтар: «С-сени севам-ман!»  
айтар: «С-сени севам-ман!»  
Бир неча бор такрорланар яна: «Мен!»  
такрорланар яна: «Мен!»  
Маликанинг кўзларига қалқар ёш,



кўзларига қалқар ёш.  
Юзларига оқар ҳалқа-ҳалқа ёш,  
оқар халқа-халқа ёш.

Оддий эди тонг отиши, кун ботиши бирдайин,  
Турфа гуллар бутоқларга айланишин сезмасди.  
Зебо қадди дуркунлашиб борар эди ой сайин,  
У ўзини тош ойнага солишдан ҳеч безмасди.

Мактаб битди, дорилфунун ўзгартмади райини,  
Йигит-қизлар суқлансалар роҳатланди беқиёс.  
Гоҳ шўх боқса, гоҳ таажжуб эгаллар ранг-рўйини,  
Аста-секин такаббурлик, ғурур касб этди бироз.

Дўнг пешона, катта бурун йигит бир кун пойлади,  
Боши баланд ҳам бепарво ўтди малика шаҳдам.  
Йигит ётоқ эшигини аёзли тун пойлади,  
Ахир, бирда айтди йигит: «Бўларман-ов шаҳид ҳам».

Маликанинг боши баттар баландлади кўк қадар,  
Йигит эса, маъюсгина қолди бирён чеккада.  
Сўнг яна бир узун бўйли йигит тушди сал рангпар,  
Аммо шўхроқ, доимо гул қистирилган чеккада.

Юксакликдан қарар унга, боқишида киноя,  
Кимлар мени тенг кўришар ўзига, дер малика.  
Курсдошлардан беписанд сўрар гўё ҳимоя,  
Новча йигит қақажонлар кўз ўнгида калака.

Дугоналар бирин-кетин севиддилар, севдилар,  
Йигитлари уларнинг ҳам эмас арши аълода.  
Таътил пайти қишлоқдаям бўлди андак савдолар —  
Совчилар ҳам қайтди маликани кўриб самода.

Ўтди ойлар, йигитларнинг бирин деди пакана,  
Яна бирин сочи тўзғоқ, бири қилмас таваккал.  
Дунё шундай тескарию алғов-далғов экан-а,  
Йўлдан урди маликани қориндор бир тепакал...

Не-не йигит доғда қолди муҳаббати жавобсиз,  
Маликанинг парвози ҳам шунинг билан тугади.  
Аммо шода-шода инжу бўйнида, бир қарабсиз,  
Қулоғига марваридни алмаштириб тақади.

Қай бир қизлар тўғри топди маликанинг қилмишин,  
Узлари-чи, «содагина қишлоқи»га тегдилар.  
Маликажон бўлса, кулар кўргизиб тилло тишин,  
Бироқ инжу марваридлар қадини сал эгдилар.

Бир хонали квартирга кўчирди сўнг тепакал,  
Ўзи эса, данғиллама ҳовли жойда яшайди.  
Чопар хотин, бола-чақа тумов бўлиб қолса сал,  
Гоҳо жундор тан оғирин маликага ташлайди.

Жонга тегди қарамлилик, бирда уни қўймади,  
Тепакал ҳам маҳтал экан яхши бўлди баҳона.  
Шу кетгандан қайтиб оғиз очиб бир сўз демади,  
Ҳамма йўл берк, қишлоққаям боришлиги гумона.

Не бўлса ҳам тиришқоқлик... диплом олди ҳаммадек,  
Қай муаллим қайғурса гар, қай бири лаб ялади.  
Ясан-тусан жойида-ю, юрагида ғам, ҳадик,  
Аспирантлик энг яхши йўл, номзод бўлиб олади.

Фан номзоди дипломини олди, яйраб кулмади,  
Қувонмади мартабадан, наҳот шундай ўтса умр?  
Биров уни койимади, силтамади, урмади,  
Лекин, руҳан эзилади, қалби эмас-ку темир.

Одам, ахир, кейин қандай одам денг-а, ҳусндор,  
Рафаэлнинг тасвиридан муъжазроқдир, муъжазроқ.  
Бежирим лаб устида, оҳ, нуқтадайин холи бор,  
Қорачиғи бир даҳшатким — ялт-ялт этар шамчироқ.

Бўйи баста ярашиқли турса, қадам босса ҳам,  
Ипақдайин қора сочи яширмишдир белини.  
Бир ортиқча сўз айтишга ийманар ким бўлса ҳам,  
Бахтли одам ўша дейсиз эрса кимнинг келини.

Бироқ, унинг юрагида чиққусиз дард, ғам, андуҳ,  
Балки илм ёшлиқдаги янглишларин бўрттирди.  
Марваридлар оқ бўйнига сиртмоқ бўлди оғир, уҳ,  
Икки диплом, бир хонадан бўлак нени орттирди?

Барисини алмашарди бир тирноққа, эҳ, шу он,  
Ёшлик чоғи қалтис қадам... ўтар энди бефарзанд.  
Кўкси тўла сут ўрнига қабарикли қалби қон,  
Ўқунимикан толеини юксалтмаган сарбаланд.

Қачон келса совуқ тўшак руҳиятин сўндирар,  
Биллур қандилда не файздур ёлғиз одам уйига.  
Баъзан бирор идишними уриб чил-чил синдирар,  
Ахир, асрар маликажон қайси ўғил тўйига.

Пар ёстиқлар ҳўл бўлар-ей, унинг аччиқ ёшидан,  
Жинни бўлиб қолса не гап бирор эрмак топмаса.  
Мушук билан чиқишолмас, ёмон кўрар у бошдан,  
Ит-ку, яхши агар ногоҳ эгасини қопмаса.

Бир хона-ю, ўйлар яна ит қаерда туради,  
Бола асраб олиш эса, жилмаяпти жойидан.  
Шундай аччиқ ўйлар билан телевизорни буради,  
Бир кўрсатув борар эди ҳайвонот олаmidан.

Бир тўтини бийрон гапга солар эди эгаси,  
Қайдан олиш тўғрисида маълумот ҳам берди у.  
Маликанинг миясида тўти олиш режаси —  
Пишиб етди.  
Сўнг шу кеча тарк этди уни уйқу.

Олти ойлик тўти сотиб олди у,  
тўти сотиб олди у.  
Тўтимас жон ўти сотиб олди,  
жон ўти сотиб олди.  
Тўрт оғиз сўз тўтининг ҳам билгани,  
тўтининг ҳам билгани.  
Маликани қувонтириб, тилгани,  
қувонтириб, тилгани.

Бир оғиз сўз гадосидир малика,  
гадосидир малика.  
Кимларнингдир хатосидир малика,  
хатосидир малика.  
Ҳар кеч келиб қайта айтар: «Бу мен!»  
қайта айтар: «Бу мен!»  
Тўти тинмай дерки: «С-сени севам-ман!»  
дерки: «С-сени севам-ман!»  
Маликанинг кўзларига қалқар ёш,  
кўзларига қалқар ёш.  
Юзларига оқар ҳалқа-ҳалқа ёш,  
оқар ҳалқа-ҳалқа ёш...

1983

## Муҳаббат

### 1

Бир кун Лутфий ва Навоий суҳбатлашиб қиш оёи,  
Куча бўйлаб боришарди ёмғир ёғиб турган пайт.  
Оёғларга ёпишарди йўлнинг сақичдай лойи,  
Шунда Лутфий Деҳлавийдан эслаган бир ҳиндча байт:  
Ёмғир чоғи йўлда бир қиз тушганида йиқилиб,  
Турган эмиш ёмғир ипи — арқонига ёпишиб.  
Хўп ўхшатган қиз қоматин ёмғирдан нозик қилиб,  
Иккалови таҳсин айтган тасвирдан лол қолишиб...

Йиллар ўтиб ўзгаради эҳтиёжлар, талаблар,  
Лекин абад ўзгармайди юрак ўрни бу танда.  
Демак доим ҳажр васли, бўсага ташна лаблар,  
Шундай укам, қатъий назар яшарсан қай замонда.  
Ҳозир ҳам шу: жувонларнинг дуркунлиги сарвдай,  
Кипригининг соясида бир гужумнинг салқини.  
Қалбда қайноқ қўшиқ, қўлда танбур, дутор, ғижжак, най,  
Ҳалиям шу баланд парда муҳаббатнинг талқини.

### 2

Қизик экан одам умри чақмоқ чақиб ўтгандай,  
Шу йилт этган умр ичра нелар содир бўлмайди.  
Илк баҳорда шўх капалак гул юзини ўпгандай,  
Қисқа лаззат мастлигининг гоҳо кўнгил тўлмайди.

Бир умрга шоду хуррам яшай олмас ҳамма ҳам,  
Ҳаёт деган пасту баланд, баъзан арши аълодир.  
Баъзилар тил, меҳнат ила билмас недур қайғу, ғам,  
Баъзиларнинг гили ажаб бошга битган балодур.

Баъзан бўлар-бўлмаста ҳам кўнглинг ҳижил этарлар,  
Баъзан шовқин, ғавғо ичра қотиб қолар бу бошинг.  
Қандайдир бир лаҳза аро қалбинг тирнаб кетарлар,  
Баъзан тугай-тугай дейди сабру чидам, бардошинг.

Ҳар қатра дур бўлаверса бозорга дур сиғмасди,  
Одам, ахир, баъзилари ғализ феълдир ажабким.  
Дилозорлик бўлмаганда Саъдий буни айтмасди,  
Маҳтумқули тўқимасди, дод демасди Машрабким.

### 3

Қўшиқ сеҳри неда экан ром этгувчи дилларни,  
Одамзоднинг умрига ё ўхшаб кетишидами?  
Баъзилари туғилгандан кеза бошлар элларни,  
Дилларга куч, илҳом бўлиб яшаб кетишидами?

Табиатда бари нарса умрин яшаб қарийди,  
Қаримайди яхши қўшиқ олам борки тоабад.  
Бир бошга бир ўлим бордир, бўлмаса гар қанийди,  
Лекин ўлмас қуёш каби оташин ишқ, муҳаббат.

«Мухаммаси баё» дан сўнг «Гусванд» чалди машшоқлар,  
Узоқлардан эшитилар суворийлар дупури.  
Мижжа қоқмай тонг оттирар эдан ниҳон ушшоқлар,  
Ошиғликнинг ҳаяжони доим бирдай, ёпирай.

... Қўшиқ тинглаб, бугун ногоҳ бахт ҳақида ўйладим,  
Машаққатсиз улкан бахтта эришиб бўлмас, ахир.  
Кези келиб, ишқ ҳақида озми-кўпми куйладим,  
Муҳаббат ҳам қўлга қийин киргувчи бир жавоҳир.

Бир қатра сув чумолига дарё бўлиб кўрингай,  
Ҳамма одам бирдай эмас муҳаббат қаршисида.  
Кибрилилар биров учун ёнмагай, ҳам куймагай.  
Муҳаббатга юрак керак, бежиз эмас қасида.

Бир шеър ёзмоқ боис бўлиб, кичик ҳикмат айтгум бор:  
Буюкликка қодир кимки, қалби ишққа бўлса банд.  
Йиллар ўтар, у мангулик, мардликка ундар минг бор.  
Муҳаббатнинг кучи доим сарбаланддир, сарбаланд.

## Шашмақом

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо  
Ал-Хоразмий таваллудининг 1200 йиллигига*

### Бағишлов

Давр ўтиб, даввор ўтиб, айланди дунё неча бор,  
Неча туфон бўлмасин турди чўққилар барқарор.  
Чун яралмиш ибтидосига сабабдир сув хумор,  
Муштарак ғам, шодумонлиғда умр топди қарор,  
Мен қадим тарих билан суҳбатни этдим ихтиёр,

Наки сас бўлди самоъ, соз илми қилди ихтиро,  
Ва бўлди риёзиёт-ла «Ал-Жабр»га<sup>1</sup> нур-чира,<sup>2</sup>  
Не замон қолди мукошифлар очилмай ҳеч, сира,  
Бўлди кашф назарий илм аввали амалга кўра,  
Мен қадим тарих билан суҳбатни этдим ихтиёр,

Яралиб юртлару эллар, тилу динлар хилма-хил,  
Ҳар ким Худосин яратиб, ихлос-ла қўйди кўнгул,  
Вале, одам англаш учун соз сеҳри бўлди як тил,  
Модари куй, усул падар — қилдилар мафтуни дил,  
Мен қадим тарих билан суҳбатни этдим ихтиёр,

Излаб «Лазги» изларин, топдим эллинлар элидан,  
Бистари боғлиқ Урарту<sup>3</sup> хоразмликлар билан,  
Ўтли Зардушт<sup>4</sup> чақини акс этиб аскар рақсидан,  
Не асрлар ўтса ҳам ғолиб топилмас баҳсидан,  
Мен қадим тарих билан суҳбатни этдим ихтиёр,

---

<sup>1</sup> Ал-Хоразмийнинг математикага доир асари.

<sup>2</sup> Чира — чироқ.

<sup>3</sup> Урарту — Эрадан одинги XIII аср маълумотида кўра, Кавказ, Кичик Осиё, Месопотамия ва Шимолий-ғарбий Эрон уртасида жойлашган давлат.

<sup>4</sup> Зардушт — оташпарастлик дини пайғамбари.

Этдилар қалбда бор созларни буржларга қарам,  
Феруз<sup>5</sup> аҳди ила Комил топиддиқни<sup>6</sup> этди рақам,  
Шу иш боис, Полвон мирза юксакликда топди мақом,  
Илм тожи ибн Мусо олий мақомдадур мудом,  
Мен қадим тарих билан суҳбатни этдим ихтиёр,

Ким илмга очди йўл анга таъзим, эҳтиром —  
Икки юлдуз мадҳиниким шарҳ айласин «Рост» мақом.

## Рост

Куй бўлиб оққувси қон қайнаб томирга сигмайин,  
Қон бўлиб оққувси куй гоҳо жадал, гоҳо майин,  
Аллаларлар хоҳ қаср, хоҳ кулба ичра тинмайин —  
Не ажабким, ҳар гўдакни чилласидан чиқмайин,  
Ростни куйлаб «Рост» мақоми топди сайқал йил сайин.

Ул бўлиб ҳамроҳ мудом чулу биёбон, тоғда ҳам,  
Бут хаёлингни эгаллаб файзи аъло боғда ҳам,  
Нурли қалбингга илинж, қайғули нохуш чоғда ҳам,  
Авжланиб, янграб баралла қўйса ҳамки доғда ҳам,  
Ростни куйлаб «Рост» мақоми топди сайқал йил сайин.

Субҳидам эсгач сабо, титрар юраклар қалъаси,  
Кўҳна тарихни тирилтгай танбуру най ноласи,  
Ноладурки дард тўла гўёки йўқдай чораси,  
Отди тонглар зеб бериб, равнақ топиб сознинг саси,  
Ростни куйлаб «Рост» мақоми топди сайқал йил сайин.

Шашмақом боис бўлиб, тарихдан сўз очсам агар,  
Ун асрдан нарини тасвир этиб тошсам агар,  
Дўстларим, маъзур тутинг, андак адашсам мен агар,  
Ҳам мақоми нағмани ростини рост айтсам агар,  
Ростни куйлаб «Рост» мақоми топди сайқал йил сайин.

---

<sup>5</sup> Феруз — Хива хони, Муҳаммад Раҳимхон соний (1844-1910)

<sup>6</sup> Шоир Комил Хоразмий — Полвон мирза (1825-1899) асос солган «Тан-  
бур чизиғи», нота ёзуви.



Ҳар зайилда отди тонглар Хиванинг осмонида,  
Жанг-жадалдин учди чанглар Хиванинг осмонида,  
Қоқмаганда қуш қанотлар Хиванинг осмонида,  
Бўлди парвозлар оҳанглар Хиванинг осмонида,  
Ростни куйлаб «Рост» мақоми топди сайқал йил сайин.

Шул давр дунёга келди ибн Мусо-хуш қадам,  
Ўсди ҳам ғайрат ила илм аҳлига ул пешқадам,  
Илм борки, барчасига ким дадил урди қалам,  
Бирга улғайди, жилоланди яна мусиқа ҳам,  
Ростни куйлаб «Рост» мақоми топди сайқал йил сайин.

Ҳар ўйиндан маъни излаб, ташбеҳ излаб тинмайин —  
Подадин чиққанда чанг андин кўзини олмайин,  
Бўлғувси боши гаранг чанг тезлигини билмайин,  
Ҳисса қўшди куйга ҳам тунлар аро илқирмайин,<sup>7</sup>  
Ростни куйлаб «Рост» мақоми топди сайқал йил сайин.

Илк муҳаббат ўтида жисми ёнар то тонггача,  
Кўк билан ақллашиб, юлдуз санар то тонггача,  
Ўтли дил розини айтиб, айланар то тонггача,  
Фикри кўкда сайр этиб, ул ўйланар то тонггача,  
Ростни куйлаб «Рост» мақоми топди сайқал йил сайин.

Ким илмга очди йўл анга таъзим, эҳтиром —  
Икки юлдуз мадҳиниким шарҳ айласин «Бузрук» мақом.

## Бузрук

Илми Бузрук<sup>8</sup> тушди йўлга субҳидам карвон билан,  
Қўлида дафтар-қалам эгнида бир чопон билан,  
Ибн Мусо кетмоқдадур қалбида ғам, армон билан,  
Неча бор алмашди уфқ, туташди ер осмон билан,  
Саусул<sup>9</sup> «Бузрук» мақом этгай баён камон билан.

<sup>7</sup> Мижжа қоқмай маъносида.

<sup>8</sup> Ибн Мусо ал-Хоразмий (783-850) назарда тутилади.

<sup>9</sup> «Бузрук» мақомида бир куй.

Орқада қолмиш масжид, мадрасаю миноралар,  
Илмига мубҳамлик ила таъна қилган тўралар,  
Баҳслашиб то тонггача ҳам бирга ўсган жўралар,  
Ғамли ҳижрон дарди бирлан кўкси бўлган яралар,  
Саусул «Бузрук» мақом этгай баён камон билан.

Ул Мадинат ас-салом-кутди очиб дарвозасин,  
Кўп эшитган эрди аввал бу шаҳар овозасин,  
Жомъе масжид узра чорлар барчани мудиазин,  
Уйқудан уйғонмаган ул муслим эл дардисарин,  
Саусул «Бузрук» мақом этгай баён камон билан.

Илми устоз бузрукиндин улуг, билар рўйи замин,  
Қайга борса халқ ичинда топқусидур ҳамдамин,  
Ибн Мусо жуссасин кўргач назарга илмайин,  
Мағрурона тик қараб турган амирул-муслимин,  
Саусул «Бузрук» мақом этгай баён камон билан.

Суҳбатидин англабон юксак камолга етганин,  
Соҳиби тахт кўрдию йиғди билимдонлар жамин,  
Ким қувонса, ким ҳасад-ла, унга таъзим этганин-  
«Дорул-ҳикма» аҳлиниким қай усулда кутганин,  
Саусул «Бузрук» мақом этгай баён камон билан.

Евклиддин уқди ибн Мусо ҳисобот оламин,  
Қунт билан ўрганди Ҳинд жадвалин, қўймай камин,  
Коинотга шўнғиди ул, бир қадам бўлди замин-  
Кулбасида тун аро шам ёнди асло ўчмайин,  
Саусул «Бузрук» мақом этгай баён камон билан.

«Суратул-арз»<sup>10</sup> доврўгин оламга ёйди илқида,  
Тақсимот, савдо, саноқ, жўн кечгай одам илгида,  
Бўлди машҳур «Ал-Жабр», Оврупаю Рум мулкида-  
Барчасин изҳор этиб хонишларнинг кўркида,  
Саусул «Бузрук» мақом этгай баён камон билан.

---

<sup>10</sup> Ал-Хоразмийнинг жўғрофияга оид асари.

Бу умрнинг борлиги ёлғиз қувонч ё ғам эмас,  
Гоҳо дўстинг этса хушнуд, гоҳида ранжитгай абас,  
Гоҳида юлдузга етгай қўлларинг, гоҳида паст,  
Созла созингни муғанний, келганида энди даст,  
Саусул «Бузрук» мақом этгай баён камон билан.

Ким илмга очди йўл анга таъзим, эҳтиром —  
Икки юлдуз мадҳиниким шарҳ айласин «Наво» мақом.

## Наво

Оққин Ефрат мавжидан қудрати хўп, мағрур наво,  
Гулу, гулзор, боғлар аро ўзидамасдур наво,  
Хурлиқолар лабларида эркалаб мастдур наво,  
Ёришмас қалбларга берар равшанлик, нур наво,  
Дилга қувват озиқи руҳ — ҳар дардга малҳамдур «Наво».

Жим наво тинглаб унутгай шоҳ ўзин ҳоқимлигин,  
Жим наво тинглаб унутгай одам умри зумлигин,  
Жим наво тинглаб унутгай тун ўзининг жимлигин,  
Жим наво тинглаб унутгай одамизод кимлигин,  
Дилга қувват озиқи руҳ — ҳар дардга малҳамдур «Наво».

Имтиҳон бошланди бир кун лозим ўлди тик туриш,  
Бўлди тайёр ибн Мусо тезда жамлаб ақлу ҳуш,  
Дедиларки ул ҳақимлар: «Билганингча айт-чи, хўш,  
Уч даволаш тарзи бордур тиббиётда, қайси хуш?»  
Дилга қувват озиқи руҳ — ҳар дардга малҳамдур «Наво».

Боқдилар ҳайрат билан бу не дея деб барчаси.  
«Бўлманг ҳайрон уч эмасдур, бизда машҳур тўрттаси-  
Бири сўз, дору бири, кескир пичоқдур биттаси,  
Дағи Хивақ мулкида эъзоздадур созинг саси,  
Дилга қувват озиқи руҳ — ҳар дардга малҳамдур «Наво».

Ким илмга очди йўл анга таъзим, эҳтиром —  
Икки юлдуз мадҳиниким шарҳ айласин «Дугоҳ» мақом.

## Дугоҳ

Кечалар ёр ишқида ушшоқи зорлар чекса оҳ,  
Оҳига ёлғиз қулоқ бергай фақатким кўкда моҳ,  
Топмасанг ё бир меҳрибон, ёлғиз қолганда ногоҳ,  
Руҳни комил этгувчи соз йўли бордур кайфни чоғ,  
Дил топар таскин агар айтилса мақоми «Дугоҳ».

Қитъалар таъсирида хил-хил яшар одамизод,  
Ўзига хос турфа шамойил яшар одамизод,  
Кўп сирлар асроридин тағофил яшар одамизод,  
Гоҳи қувноқ, гоҳида ғамдил яшар одамизод,  
Дил топар таскин агар айтилса мақоми «Дугоҳ».

Минг йил аввал ибн Мусо тиббиётда ишлатиб-  
Шашмақомнинг куйларини, хаста вақтин хушлатиб,  
Берди дармон ҳар юракда ишқ-муҳаббат уйғотиб,  
Ким эшитса талқину, соз дард чекиб қолмас ётиб,  
Дил топар таскин агар айтилса мақоми «Дугоҳ».

Ўн аср сўнг чиқди Комил илгида сетор билан,  
Аҳли русдан ўрганиб нотани ранж-озор билан,  
Бўлди машҳур эл аро хониш билан, ашъор билан,  
Сози бирлан қурди суҳбат дилда дарди бор билан,  
Дил топар таскин агар айтилса мақоми «Дугоҳ».

Ибн Мусо қўшиб ривож тиббиётга кун-бакун,  
Равнақи илм учун сарф этиб ақлий кучин,  
Тунлари жадвал тузиб, маҳсулига айлаб якун,  
Етти иқлим ташкил этди мулки рубъи маскун,  
Дил топар таскин агар айтилса мақоми «Дугоҳ».

Ким илмга очди йўл анга таъзим, эҳтиром —  
Икки юлдуз мадҳиниким шарҳ айласин «Сегоҳ» мақом.

## Сегоҳ

Нолона бошланди созлар ичра маснад-жоҳ, мана,  
Не асрлар дилни тирнаб келган доду-оҳ, мана,  
Вале, қаро кунларда муттако, нурли роҳ, мана,  
Қайки ҳолат бўлмасин ҳам меҳрибон, ҳамроҳ, мана,  
Тингланг, қўшилди қўшнай, авжланди куй — «Сегоҳ», мана.

...Бобожон, сиздан кейин ўтди неча зотлар улуг,  
Сиз яратган «Алгоритм», «Зиж»лар<sup>11</sup> мазмунга тўлуғ,  
Барчасига бўлди тож ҳам илмга йўл-йўриғ,  
Шашмақомни чалдилар тунлар аро истаб ёруғ,  
Тингланг, қўшилди қўшнай, авжланди куй — «Сегоҳ», мана.

Абу Райҳон<sup>12</sup> солди доврўқ кенг жаҳонга сиз каби,  
Етти иқлим одди тан, бўлди машҳур мактаби,  
Хоразмда топди рўёб илму толиб матлаби,  
Мутрибу хонандаларнинг кун-бакун ошди сафи,  
Тингланг, қўшилди қўшнай, авжланди куй — «Сегоҳ», мана.

Келди Сино Кўҳнага<sup>13</sup> ўз маскани Афсонадан,  
Дорини ашъор ила ёзди этиб бахшида тан,  
Олди таълим, чиқди устун сирга бой афсонадан,  
Дардмандлар одди даво дардига «Дорул-шифо»дан,<sup>14</sup>  
Тингланг, қўшилди қўшнай, авжланди куй — «Сегоҳ», мана.

Қанча золимлар, бобо, эл бағрини қон айлади,  
Фазнада Маҳмуд туғилди юртни вайрон айлади,  
Қадр этмай «Шоҳнома»ни ўзни тур он айлади,  
Ҳукмига бўйсунмаган илм аҳлин сарсон айлади,  
Тингланг, қўшилди қўшнай, авжланди куй — «Сегоҳ», мана.

---

<sup>11</sup> Ал-Хоразмийнинг математика, астрономияга оид асарлари.

<sup>12</sup> Ал-Беруний (973-1030)

<sup>13</sup> Кўҳна Урганч

<sup>14</sup> Кўҳна Урганчда ибн Сино (980-1037) ишлаган шифохона.

Нобакор Чингиз деган ўт қўйди юртга беаёв,  
Қочдилар имкони борлар ким уловда, ким яёв,  
Масжиду мадрасаю ҳамда китобларга ёв,  
Неки тушсаким қўлига барчасини ёқди-ёв,  
Тингланг, қўшилди қўшнаи, авжланди куй — «Сегоҳ», мана.

Барибир, бузрук китоб-ла ўт-у, сувдан ўтдингиз,  
Неча ғавғолар бўлиб, қай токчаларда ётдингиз,  
Тамаддун бўлгон элларнинг зор дастига етдингиз,  
Илм йўлин қилиб равон Ломакона элтдингиз,  
Тингланг, қўшилди қўшнаи, авжланди куй — «Сегоҳ», мана.

Ким илмга очди йўл анга таъзим, эҳтиром —  
Икки юлдуз мадҳиниким шарҳ айласин «Ироқ» мақом.

## Ироқ

Тош уриб, учқун олиб, ёққанда одам шамчироқ,  
Ёд олиб «Авесто»ни маъжусийлар даҳшатли чоқ,  
Ибн Мусо илмидан бўлганда шод яқин, йироқ,  
Шарқда равнақ топганида кўҳна Бағдоду, Ироқ,  
Танбуру, дутор билан оҳ-нолалар этган «Ироқ».

Неки даврлар ўтибон созу, мақом топди ривож,  
Хушовоз гўяндаларнинг бўлди у бошига тож,  
Хивада Комил тузиб нотани, ёйдирди қулоч,  
Не бир машҳур олимлар олдилар улгу ноилож,  
Танбуру, дутор билан оҳ-нолалар этган «Ироқ».

Ўн асрлар ўтди, бобо, қўлда доим созингиз,  
Истиқлол офтобидан ошди яна эъзозингиз,  
Топди сайқал «Шашмақом», бўлди баланд парвозингиз,  
Бахтли даврон куйларига жўр эрур овозингиз,  
Танбуру, дутор билан оҳ-нолалар этган «Ироқ».

Юртингизда тўйингиз айни кузак ойидадур,  
Эъзозли турфа гуллар ҳайкалингиз, пойидадур,  
Тўй ўтар жой — сиз туғилган Хоразм жойидадур,  
Барча кўркамлик, гўзаллик Хива чиройидадур,  
Танбуру, дутор билан оҳ-нолалар этган «Ироқ».

Кўҳна Шарқнинг номини юксалтдингиз осмонгача,  
Битдилар сиз ҳақда, бобо, шеър, ғазал, дostonгача,  
Топмагансиз бунча ҳурмат бунда бу давронгача,  
Айтадурлар мадҳингизни анжуманда тонггача,  
Танбуру, дутор билан оҳ-нолалар этган «Ироқ».

Бобожон, минг икки юз йил барҳаётсиз биз билан,  
Қутламоққа келди дўстлар суҳбат айлаб сиз билан,  
Келди ким тоғлар ошиб, кимлар эса денгиз билан,  
Қаршилармиз биз уларни хуш суҳан-хуш сўз билан,  
Танбуру, дутор билан оҳ-нолалар этган «Ироқ».

Ким илмга очди йўл анга таъзим, эҳтиром —  
Икки юдуз мадҳиниким шарҳ айласин «Шашмақом».

## Хотима

Давр ўтиб, даввор ўтиб, айланди дунё неча бор,  
Икки юдуз мадҳини сўйлашни қилдим ихтиёр,  
Бири машҳур «Ал-Жабр»да, бирин илгида дутор —  
Ибн Мусою, Комил Мирзо авлодларга ифтихор,  
Икки илм туғин тутиб, тоабадким барқарор.

«Танбур чизиқ»да мақом-муҳрландилар оҳанглар,  
Кўҳна тарих аҳволидан сўйладилар оҳанглар,  
Ибн Мусо ҳисоб илмин бўйладилар оҳанглар,  
Гаҳи шоду гаҳи ғамдан куйладилар оҳанглар,  
Ва ким, манам Комил Аваз бахшида этдим ашъор.

1982 й.

\* \* \*

Таъзим гулбаҳорларга, зеб бермиш маъволарга,  
Тўндириб садоларга, соз айтгум саболарга.

Бўлди фараҳбахш боғлар, нозланиб гул, япроғлар,  
Қалбларни ишққа чоғлар, чулғаб шўх наволарга.

Ушшоқа қанот елар, айтар юракка нелар,  
Ҳаяжондан бу диллар сиғмас ер, самоларга.

Табаррук остоналар ёғдусидир оналар,  
Марҳабо ғамхоналар, йўл йўқ бегоналарга.

Тилсимий сималаклар ё балки семалаклар,  
Бу асрий сумалаклар, айланмиш даволарга.

Келди Наврўзи олам, келсанг бўлмасми сен ҳам,  
Айтсам бўлмасми мен ҳам авж бериб ҳаволарга.

Каломим ишқли ваъдур, қолган бари абасдур,  
Ёзган Комил Аваздур гўзал гул, баҳорларга.



\* \* \*

Бу не тилсим, жозиб ўйнар қадим мумтоз наволарда,  
«Алиқамбар» билан учмиш хаёлларим ҳаволарда.

Олислардан келар учқур тулпорларнинг дупури,  
Кезар сармаст отлар дами қиру адр, саҳроларда.

Тулпорларнинг туёғига монанд эшилгувси торлар,  
Ажаб мунгли шиддат бордур ҳар бир жабру жафоларда.

Ўйларим парқу қанотларда баландлар беомон,  
Гаҳи сархуш, гаҳи беҳуш мудом лайлу масоларда.

Тингладинг куй, олай деб асли сен ором Комил Аваз,  
Билмадингму ғаму алам баравж кайфу сафоларда.

\* \* \*

Тут бода паймо, тутгил паймона,  
Тутгил паймона, топмай баҳона.

Ишқ жомин ичгум ман ошиқона,  
Ман ошиқона, ҳам қона-қона.

Ёр васфин куйлаб айтгум ғазаллар,  
Айтгум ғазаллар ман ёна-ёна.

Бахшида этгум жонни жонона,  
Жонни, жонона солмиш фиғона.

Табассум айла, дилим нурлансин,  
Дилим нурлансин менгзаб осмона.

Гулни уйғотмиш дилга солиб завқ,  
Дилга солиб завқ фасли найсона.

Комил Авазким ишқни йўлинда,  
Ишқни йўлинда ёзар фасона.

\* \* \*

Кел бунча соғинтирма, кўп нозу фироқ этма,  
Ғам солма оралиққа номавзун, фироқ этма.

Ҳар кимга муҳаббатдан нур тушса саодатдур,  
Хуш ўлғил саодатдан, покликка нифоқ этма.

Наинки мунавварлик, бахтлилик садоқатда,  
Айрилиб андин умринг сўнгувчи чироқ этма.

Хушнамо чиройингга мубтало бўла кўрма,  
Алдамчи ҳусн боис, вақтинча мазоқ этма.

Қоч лаҳза сафолардан, сония фароғ этма,  
Нурафшон самоингни қоронғу офоқ этма.

Тонгдаги шаббодадай бариси ўтгувчидир,  
Шаббода қанотида парвозлар идрок этма.

Пастга туш, замин сори, тегсин қадаминг ерга,  
Комил Авазни ҳаргиз ёнингдан йироқ этма.

\* \* \*

Зебу зар муфрити ғам кўнглингни шайдо этма,  
Дурмиши кибру ҳаво душманлик пайдо этма.

Муқаддас қалб мулкидур муваддат ҳам муҳаббат,  
Берилмиш иноятдур, бу йўлда хато этма.

Гул, раъно чехралардан олам зебли, мунаввар,  
Ҳусн Оллоҳ неъматини, ҳуснинг-ла савдо этма.

Нурафшондир ҳар кунинг қувонғил ой, қуёшдан,  
Беҳуда ёқма умринг, тун янглиғ ялдо этма.

Ифбатдур билсанг агар бебаҳо заррин хижоб,  
Бебаҳо зар хижобдан айрилиб нидо этма.

Хосият кўп тилсиму сирлиликда жовидон,  
Неки қалб мулки они сир тут, ҳувайдо этма.

Содиқ бўлса дўсту ёр, андин йўқ бой хазина,  
Сен ани Комил Аваз йўқотма, адо этма.

\* \* \*

Туфтондан ўзга мулки йўқ, носқовоқ ҳамёнида,  
Кунора бир-икки кўкнори ўзидай ёнида.

Сарғайиб қоқиш тери, устихонга ёпишиб,  
Кўп замондин жўш ўриб оқмас тўлиб ишқ қонида.

Титрашиб кўкнорни эзганин магар бир кўрсангиз,  
Бу не бечоралиғ дейсиз андуҳ биёбонида.

Юмиб кўзни қиймириб кайф чоғи бир лаҳзаким,  
Юрар гўё Холами Той кўкнор ҳиёбонида.

Баҳра бермас унга асло кўркамлиги кўкнор гулин,  
Ваҳки, у дармон кутар хом кўкнор армонида.

Дер эдим Комил Аваз ёниб, бангисифатларга,  
Сиз ҳам яшаб ўтарсиз-ов, ерда одам сонида.

\* \* \*

Қаро кўкда йилдиримдай ўтар дунё шитоб айлаб,  
Умр тунин лаҳзагина ёритмоғин хитоб айлаб.

Оғир-оғир нафас олар тошга айланган фиғонлар,  
Шамолли тунлар бағрини тилар оҳин итноб айлаб.

Наботат олами бўй чўзганича ким фалак узра,  
Замонлар оҳини увлар ҳар баргини китоб айлаб.

Дали сувлар дарилмасдан урар бош ҳар тараф ночор,  
Сўйларми кўксин очиб, безабон тошлар хуноб айлаб.

Мезони сув жами жонзот, жами наботот дунёсин,  
Тараққий вақти камми ё яшар одам азоб айлаб.

Жазосиз қолмагай берган озор икки жаҳон ичра,  
Ўтиб бўлмас бу дунёдин гуноҳга ихтисоб айлаб.

Сир эмас, Комил Аваз ихлослини қўллар, ажаб,  
Ёғдирар нурин мудомо нусратин беҳисоб айлаб.

\* \* \*

Эй дилрабо оромим йўқ, сани ўйлаб, сани ўйлаб,  
Бирон ороми шомим йўқ, сани ўйлаб, сани ўйлаб.

Ки мен кўнгул берибман то, меҳринг жонимга бўлди жо,  
Бўлмай муродим, ман фидо, сани ўйлаб, сани ўйлаб.

Қалбу дилим парвонадур, хаёлларим ҳайронадур,  
Гаҳи шод, гаҳ вайронадур, сани ўйлаб, сани ўйлаб.

Пинҳонадур ишқим зори, нолонадур дилим тори,  
Очилгай ишқ, гул баҳори, сани ўйлаб, сани ўйлаб.

Кулгинг мисли гули гунча, чирой бўлармикан бунча,  
Уйқум келмас тонг отгунча сани ўйлаб, сани ўйлаб.

Қошинг камон — ёя мангзар, юзинг қамар — оя мангзар,  
Дилим жўшар соя мангзар, сани ўйлаб, сани ўйлаб.

Кел, эй маҳбуб садқанг кетай, асов дилим бахшиш этай,  
Ахир, адо бўлдим нетай, сани ўйлаб, сани ўйлаб.

Еткур додим пайки сабо, мужда келтир сан хушнаво,  
Умидим ўчмагай, илло, сани ўйлаб, сани ўйлаб?

Комил Аваз дилда борим, айтгум сенга дилоромим,  
Битмасми не оҳу зорим, сани ўйлаб, сани ўйлаб.

\* \* \*

(«Авесто» спектаклида айтилган кўшиқ)

Бўлдим нечун афканда ҳол, нурга иттисол этиб,  
Тош отурлар кўксима қадримни поймол этиб?

Хуршед жамолингдан ёғилмиш нур-зиё, яхшилик,  
Вале, нечун нодонларни хирадмандга ялов этиб?

Еру сувдан, шамол, ўтдан оламни яратдинг,  
Кимни елу кимни сув, еру кимни олов этиб.

Басдур, аъмолик элдошлар, басдур, жоҳиллик ҳам,  
Яшарсиз билмадим, ахир, неларни хаёл этиб.

Очинг кўзни, боқинг ҳарён, нурафшондир бу олам,  
Ҳеч бўларми қуёшни, нурни завол этиб.

Тушунмаслар жаҳолатдин қутқаргум қандай,  
Кездим неча элатларни сўзни увол этиб?

Бу янглиғ гумроҳлик давом этгай токай,  
Олий ҳакам Ахурага бергум савол этиб.

Муқаддас руҳ дер: «Ҳақиқат олий шарофатдур»,  
Муборак юз очиб ҳар тонг шамси жамол этиб.

Сани яккаш фироқингда оҳ урарман, Ахурам,  
Одамлар қалбини ёрит нурингни ирсол этиб.



\* \* \*

Эй юзи гулгун, жамоли офтоб,  
Ки, сансиз чеккум туну кун изтироб.

Чиққум гулнинг орзусида ҳар фажр,  
Фарсуда ҳол этгай дарди сар ҳажр.

Билмам, ҳажрдин не эрур аъмолинг,  
Йўқса, кўрсат ман хастаға жамолинг.

Илтижоим қабул эт, эй шоҳ ҳусн,  
Билгил, дағи офат эрур гоҳ ҳусн.

Зори ишқингда юрганни хўрлама,  
Санго ошиқмас юракни зўрлама.

Бул ҳақиқатдин тағофул ўлма,  
Борҳоким, тириксан то, гофил ўлма.

Кимки севди, севдигим, жоним дегил,  
Наки жоним, жигарим, қоним дегил.

Дарди ишқ-ла мартабам этдинг рифъат,  
Илоҳо, тарк этмасин сани офият.

Муножотим етгай дер, Комил Аваз,  
Йўқса, оҳни нетгай дер, Комил Аваз?!

\* \* \*

Севмагайман ман сани орзуларим ўзгармасанг,  
Қолганимда дашти ғамда қўлларингни бермасанг.

Дилсиёҳ оқшомларим сармаст оҳангларинг билан  
Барча ташвишу ғамимга, дард-ла ошно бўлмасанг.

Сан билан қурган ишонч қасрлари қуладими,  
Қандайин орзусан, ахир, ғамли чоғим келмасанг?

Айни руҳим оқсаганда хушxabарларни олиб,  
Нега рози бўлайин субҳи сабода елмасанг.

Розимасман барча ағёрлар оёғини босиб,  
Нурли, пок боғи ишонч саҳнидан гуллар термасанг.

Орзуим сансан суянган сарбалаңд тоғим бугун,  
Ким дер, эй Комил Аваз, кўтар бошинг, сан демасанг.

\* \* \*

Юзу кўзимни беркитиб, қора сочинг ёйиб нетдинг,  
Ажиб нурли қоронғулик оғушига олиб кетдинг.

Лаҳзада учди ҳушим бошдин, вужудим бўлди чўғ,  
Тоқи афлок бўлди пастқам, паризод мақсада етдинг.

Этиб бахшида лаззатлар, дилимни бандилаб боғлаб,  
Кириб қалбим тубига ишқ-муҳаббат торларин чертдинг.

Ишққа бўлса банди кимки, икки дунёси хушдурур,  
Шу боисдан менга дилбар керакмас ҳеч раҳм этгинг.

Нечоғли хуш эрур оғуш, хаёлимдан кетма зинҳор,  
Токим, маҳшаргача Комил Авазни чалажон элтгинг.

\* \* \*

Меҳру вафо ҳувайдоси умрнинг,  
Зулму жафо сувайдоси умрнинг.

Ҳаёт файзи фақирлик, чун қаноат,  
Сабру сано ибтидоси умрнинг.

Руҳи баланд ҳам хулқи хуш, дили пок,  
Қилмас нидо, ким шайдоси умрнинг.

Вале, ҳардам беандиша сармастлик,  
Кайфу сафо дард балоси умрнинг.

Кимки порсо азиз икки дунёси,  
Анго якто ҳамд, сипоси умрнинг.

Ҳалол дўстлик, садоқатдан оқибат  
Топғай раво ки адоси умрнинг...

Комил Аваз гар яшасанг ҳалол, пок,  
Бўлғай раво муддаоси умрнинг...

\* \* \*

Ўргилай юртим жамолингдан сани токим абад,  
Айланар гулга туробингда мани хоким абад.

Саждагоҳимдур табаррук бешигим остонаси,  
Кулгим ҳам сен бирладур, сен бирладур оҳим абад.

Тоабадким, кўрмагин ранжу ано маҳшаргача,  
Кимки қазса чоҳ сенга, бўлғай анго чоҳким абад.

Сен дея тепгай юрагим доимо, ҳар сониё,  
Мен учун иймон эрурким мутлақи ҳоқим абад.

Сендайин жаннат макон фарзандлиги туйғусидан,  
Юксалар Комил Авазнинг садри худ тоғким абад.

\* \* \*

Қилса қасд соғлиги руст учмоқни кўзлаб гар баланд,  
Валек, беилму урфонсиз бўлмас парвози сарбаланд.

Оқил эрса ҳам қувватли, анго беҳаддур олқишлар,  
Беилож гов бўлмағай ҳеч, учраса ҳамки беписанд.

Мулки иқбол муштарақдур бўлмоғи бадрў, хушрўйлиғ,  
Фориғ айлар ғамни хушрав ҳам маҳв этар ёвларни банд.

Кўнгли пок эрмас кишини бўлмаса содиқлиғи,  
Не тонг чин бўлғай унинг томған тилидан болу қанд.

Яхшилар бирлан чароғондур юраклар ҳар замон,  
На пўшға кирмасин суд йўқ, дили пок ўлмаса ҳарчанд.

Беназир комиллик истар тоабад Комил Аваз,  
Бир топиддиқ топса сўз маҳзанида ҳал этса панд.

\* \* \*

Фарқи йўқ ёққанда ёмғир Масковдами, Урганчдами,  
Бирдайин этмишки таъсир ҳамма жойда ганж дами.

Неча хил фарзанди миллатни кўриб этдим фикр,  
Яхшиликка яхшилиқ инсониятнинг ҳамдами.

Бошига тушганда қайғу барча дер Оллоҳ-Худо,  
Бахтаи онлар беҳудо ташланар инсон қадами.

Кўпчилик тақдирга боғлар тушса ҳар не бошига,  
Лол этар ақлимни гоҳо одам аҳлин чидами.

Хушфезли хушнудни кўрсам фахр ила этгум ҳавас,  
Бор азоблар барчаси ёки фақат бир мендами?

Толеингда ҳаммадан кўпми ё ғам Комил Аваз,  
Билмадимким бошқалар, ё сендан ўзга бандами?

\* \* \*

Кўз очиб юмганча одам умри мутлоқ сир бари,  
Жуфт бўлиб дунёга келмиш ҳар жоннинг бир дилбари.

Ҳар ғазалда ҳар оҳанг, жарангги бошқа-бошқадир,  
Ўтмиш ошиғлар юраги эзилган жондир бари.

Хўш, бугун уфққа боқиб, олдим совуқ дамни, кўриб  
Ерга ботган ул қуёшдин уфқ юзи қондир бари.

Шом ўтиб, отди яна бошим узра покиза тонг,  
Қайга боқсам нури зардан гул бўлиб ёнди бари.

Нотавонлиғ тарк этиб, қалбимда йилт этди яна,  
Кул босиб ётган умидларимким уйғонди бари.

Нуқта қўй ашъори дилга куймайин Комил Аваз,  
Борлиқ ичра эҳтимол бу умр бир ондир бари.



\* \* \*

Рухсори раъногул пари, оқшомда осмон Ҳулкари,  
Эй бари гуллар сарвари, сансан кўзимнинг жавҳари.

Ёздим «Феруз»ни ман тинглаб, еттил розимни сан англаб,  
Кўйдимми ё душвор талаб, тушгайми нигоҳ ман сари?

Куйингда ман кўп куйларам, куйласам ҳам хўб куйларам,  
Етгайми сенга куйларим, бўлмадими ё таъсири?

Сани ўйлашдир ишларим, тонгга уланди кечларим,  
Ҳолимни кўриб хешларим, кулмакка айланди бари.

Кўриб жамолинг гулузор, кетгай юрагимдан ғубор,  
Қолдирма сан безътибор, хўблиқ тахтимнинг дилбари.

Кўнглим шабистон бул замон, бедодлиғ ҳамким бегарон,  
Этмиш гарангу безабон, андуҳи ҳижрон сарсари.

Йўқдур қалбга андозалар, домиданман гар ёзсалар,  
Солғай жаҳонга ларзалар, туйғум тошибким шаршари.

Умр нечунким кам сийлов, бир кўриб қалбда олов,  
Қолмиш ягона бежилов ҳис-ҳаяжоним асплари.

Ишқдан бўлакни дил демас, токай яшар диққинафас,  
Маъзур тутинг метин эмас, Комил Аваз асаблари.

\* \* \*

Борми ишқ куйида ёнмоқдин бўлак бир мулк, баса,  
Тебранар, ахир, анинг «Алла» билан гаввораси.

Илк она меҳри била жо бўлур сирли оҳанг,  
Мулксиз одам йўқ жаҳонда, бор ўзин таронаси.

Соз юракларга мадад, бўлмас оғир пасту баланд,  
Не саслар афсунда душвор эмас ўт ораси.

Кўп машаққатлар камолга еткизар қалбни мудом,  
Хўп баланддир одамийлик ҳатламоқ остонаси.

Раҳнамосиз ким адашмай бўлмагай тўғри қадам,  
Йўқ илож йиқилмайин ўрганса юрмоқ бандаси.

Ҳар сафар чекканда озор ёки ким бўлганда шод,  
Асли зандими сабаб, боисми ё ғамхонаси.

Соз азал дардмандга руҳ, бедардларга бир садо,  
Бенаво қолган юрак ишқ оламин оввораси.

Чархламиш руҳоният ғазнасини нағмасоз,  
Тенги бўлмас кимки ошно, йўқдур анинг баҳоиси.

Рози бўл, Комил Аваз, кенг давралар этди насиб,  
Кўп улуғлар пандию соҳиби созларнинг саси.

\* \* \*

Меҳру муҳаббатингнинг гадосиман, гадоси,  
Нозик табассумингнинг адосиман, адоси.

Мижжа қоқмам шул кеча сендан ўзга тонг йўқдур,  
Мусаффолик, покликнинг сабосиман, сабоси.

Висол они бир лаҳза оташнафас севгидан  
Яралгувчи қўшиқнинг садосиман, садоси.

Бўса талаб ошиғинг бир тилсимман битилган,  
Ишқ бобининг ояти — дуосиман, дуоси.

Қош чимириб дермиш ёр, танҳоликка даъво йўқ,  
Даъво талаб одамнинг иддосиман, иддоси.

Комил Аваз меҳр не бир умрга етмаса,  
То тирикман ишқингнинг нидосиман, нидоси.

\* \* \*

Сани ишқинг мани олам аро девонавор қилди,  
Дамодам фикри ёдинг бу ғаму озора ёр қилди.

Берай десамки хуш ишқнинг чигал сиртмоғида жонни,  
Бу не ғамза бўйим етмас, олис юксақда дор қилди.

Ҳажр васлида эй дилбар, риёзат ҳикматин туйдим,  
Нигоҳингга гадо кўнглум сабрни ихтиёр қилди.

Сабрда эътиқод илми жам эрса ҳамки, эй ошиғ,  
Ки бардошим назар бирлан отиб ўқ тору мор қилди.

Кима ким бермади дардни, юпанча муттако бўлмас,  
Муҳаббат завқидан они суво, лаззатга зор қилди.

Анинг меҳри била кўзим очилғай олама ҳар тонг,  
Дилим ишқ зикрини такрор, нетайки, бешумор қилди.

Дегум, Комил Аваз, кетмас бесамар нолаи арзинг,  
Фақат ёлғиз сани ёдинг кўйингда барқарор қилди.

\* \* \*

Кўтар қадингни сан жоним, мани қаддим баланд бўлғай  
Сани қадринг баланд бўлса, мани қадрим баланд бўлғай.

Кабутардек уриб чарх ман само узра карам бози,  
Шоду ҳуррам сани кўрсам, сафо садрим баланд бўлғай.

Гаҳи сиғмам замин ичра, гаҳи бағримдадур олам,  
Тавалло гул юзинг бурма, йўқса дардим баланд бўлғай.

Муҳаббатдан туғилгай ишқ — вафодур истаги мангу,  
Садоқат бобида ҳардам қўймиш шартим баланд бўлғай.

Зарра тойсам вафоимдан, нафратингдан ёниб буткул,  
Шамолли кун фалак бўйлаб хокистарим баланд бўлғай.

Дерман, Комил Аваз қалбдан ҳаққи иймон гулираёно,  
Қариб-қартайганим сайин муҳаббатим баланд бўлғай.

\* \* \*

Лутфи чоғинг ўйнади лабинг четида нуқта хол,  
Не кечар шундан кейин гар сўрсанг мендан не ҳол?

Мен-ку, ишқдан бошладим ушбу ғазалнинг матласин,  
Кўпчилик аввалда сўрар қандайин деб жону мол.

Кўп ажаб чалкаш замон бўлди, ёрабким, бу замон,  
Дарди йўқ одам топилмас сўрсангиз ҳол-аҳвол.

Дуд чиқарким оғзидан сўзингни айтмасдан бурун,  
Ноилож турмоқ керакдур дардманд олдида лол.

Тўғри, бу тезкор аср сермуаммодир, ажаб,  
Қайгадир шошиб турарлар вақти йўқ ҳам ёшу чол.

Ҳамма ўз ҳолини билмай, орзуси аршдан баланд,  
Шукур, Комил Авазни эл ишқи банд этмиш хаёл.

\* \* \*

Нур тегиб олгувси ранг оқ, симу зар — алвоний гул,  
Тонгда шабнамдан кейин тараттай бўй анойи гул.

Бу жаҳон саҳни поёнсиз боғу тоғ, дашту ажаб,  
Ҳар тараф ҳуснин этар кўз-кўз хил-хил анвойи гул.

Сен завқ-ла беғубор ишқ қўйнида урганда чарх,  
Не ажиб ҳидларга кўмди бу замин, самони гул.

Бу ҳаётни ким азаддан гулга этмишлар қиёс,  
Қай замонда этмаган маст қайси авлиёни гул?

Кўкрагинг туттил баланд доимо сен Комил Аваз,  
Эс-ҳушинг этмиш нишонким бир қоши камони гул.

## Жон укам

*Афғонистонда ҳалок бўлган байналминалчи жангчилар хотирасига бағишлайман. Шу урушда хоразмликлардан етмиш етти йигит ҳалок бўлган.*

Йиғларам, афғон ерида жони қолган жон укам,  
Тонгдайин тоза, муқаддас қони қолган жон укам.

Эр йигитлик номуси-ю, юрт олдида бурч учун,  
Элда мангу шуҳрати ҳам шони қолган жон укам.

Қайданам тушди сани пешонангга афғон номи,  
Сурғали мардлик отин майдони қолган жон укам.

Тўрт бўлиб кўзи онангнинг кутгани бўлди сароб,  
Йўлларингга интизор ёбони қолган жон укам.

Бир нафас тўлқинланиб, севдим дебон қўл ушламай,  
Бўғзида ғам, андуҳи-афғони қолган жон укам.

Билмадим айтдингми бир кўзи шаҳлога розингни,  
Ишққа йўғрилган ширин забони қолган жон укам.

Илк баҳорда қошига ўсма қўйиб ҳар субҳи тонг,  
Йўлингга илҳақ моҳитобони қолган жон укам.

Ҳар биринг жонларга пайваста эрурсан тоабад,  
Қай суюкли дилларда достони қолган жон укам.

Бесамарлик жангида ноҳақ тўкилди қонлар,  
Сенда не бўлғай гуноҳ, ошёни қолган жон укам.

Эл унутмас ҳар бирингиз номингизни ҳеч қачон,  
Орқангизда йиғлаб хонумони қолган жон укам.

Сиз яшарсиз қалбида Комил Авазнинг боқиё,  
Битмайин орзулари, армони қолган жон укам.



\* \* \*

Не қилай нур ичра мен нур истасам, нур истасам,  
Қалбида — уммонда мен дур истасам, дур истасам?

Кулгичи кулган сари қоши қанотлар қоқибон,  
Хурлиқолар ичра ҳур — ҳур истасам ҳур истасам.

Чеҳраси гулгун ёниб, бергай камалақдек жило,  
Ранг ёнур сур ичра мен сур истасам, сур истасам.

Кўп кезиб шайдолиғ этдим шу ниҳон оламда мен,  
Вожаб, сир ичра мен сир истасам, сир истасам.

Ҳажрида қон бўлди дил, чиққум ишқ майдонига,  
Борми монанди жунбуша — қур истасам, қур истасам.

Ишқи тигин яросин тиккали мўр сўрди табиб,  
Фасли хазонму экан, мўр истасам, мўр истасам.

Эҳтиёж недур тирикликка висолингдин йироқ,  
Ураин бош қай тараф, тийр истасам, тийр истасам?

Бир муқим жойда мақом топмас, ажаб, гоҳ ложарам,  
Кўнглум Озари мақом — шур истасам, шур истасам.

Ўқми ул мужгонлариким, қарочиғларда ёй  
Ичра мен Комил Аваз умр истасам, умр истасам.

\* \* \*

Йўлда ҳар тонг кўрсатиб ҳусни жамолини санам,  
Не учун этди ниҳон энди камолини санам?

Шай этиб чиққанмиди олиб кўксимни нишона,  
Отмоқа мужгонларин қоши камонини санам.

Наки дил, борлиқ кўча-кўйга таратиб фарахлик,  
Сўнг қора кўрсатмади пари аъмолини санам.

Навбаҳор гулга кириб, боқсам деганда шодумон,  
Бошима солди, ажаб, ҳижрон шамолини санам.

Майли, нўшханд этмайин айлаб йўлига бир салом,  
Не бўлар Комил Авазнинг сўрса ҳолини санам?

\* \* \*

Ҳуснини кўз-кўз этиб, сотмоқми молини санам,  
Бенаволар аҳлига айтмоқми ҳолини санам?

Устамонлиғ бирла даллолар олурлар сув текин,  
Кўз очиб кўргай ёқа очиқ ҳаммолини санам.

Беқадр этгувси ким тиллони жезча бу қадар,  
Чирмовуққа қад тутиб сарви камолини санам.

Йиғлаюрлар кўксида айлаб фиғон орзулари,  
Айланиб армонлара кўриб аҳволини санам.

Танни бозорга солиб, хор эрсалар Комил Аваз,  
Ҳайратинг кўп бўлмасин топса поймолини санам.

\* \* \*

*(Хоразм оҳанглирида)*

Ёр сани гўрмоқа галдим, айтилган чорвоқа галдим,  
Суҳбатлар қурмоқа галдим, меҳринга тўймоқа галдим.

Икки гўзим сўқмоқ йўлда, гулим сўлди чарчаб қўлда,  
Ўйлайсанки шу алфозда бир умр турмоқа галдим.

Ой ҳам чиқди булут тарқаб, боғни ичи гетди чақнаб,  
Мен эса Ҳулкарни алқаб, гўё ўй сурмоқа галдим.

Хаёлларим тарқоқ эмас, ёрим дим ҳам қўрқоқ эмас,  
Ҳам эринчоқ, чарчоқ эмас, у била учмоқа галдим.

Комил Авазнинг ҳолина, ҳавас қилинг муродина,  
Қуёшни истиқболина салома чиқмоқа галдим.

\* \* \*

Хушлуғ, ё ғам, аросатдаким, соғиндим мен, сизни соғиндим,  
Хуш чоғларим, энди соғиндим, соғиндим мен, сизни соғиндим.

Шунчалар тарк этмак мумкинми, ўзингга эрк бермак мумкинми,  
Нурафшонга етмак мумкинми, соғиндим мен, сизни соғиндим?

Кезласа ғам сели мабода, фикр этдим май тўла бода,  
Нетай, ахир, ҳаддан зиёда, соғиндим мен, сизни соғиндим.

Термилганда япроқлар ҳам жим, ваҳм босар, жаҳон тордир, дим,  
Хушxabардан йўқ бирор насим, соғиндим мен, сизни соғиндим.

Айрилиқда чиндир айрилиқ, ёлғизликда дурур ҳалоллиғ,  
Вале, энди, ҳамроҳ бўлолиғ, соғиндим мен, сизни соғиндим.

Ғам бўлса вақт ўтади аста, ҳаловатсиз кўнгул шикаста,  
Даволар вақт наки дил хаста, соғиндим мен, сизни соғиндим.

Келинг учқур хаёлларим, бас, сизсиз қандай оларман нафас,  
Яшолмасман дер Комил Аваз, соғиндим мен, сизни соғиндим.

\* \* \*

Аё маҳваш, ҳижронларинг айтгил адо бўлармикан,  
Асов кўнглим йўлларингга қилсам ато бўлармикан?

Умр ўзи дақиқаи, дақиқада ёки ҳаёт,  
Шу бир зумга шунча озор десам хато бўлармикан?

Нигоҳ ташлаб жилмайсанг гар ярақлайдиким бу замин,  
Кулгинг тўла куйлайдиган танбур, сато бўлармикан?

Сочларингни тараб ташла кўксинг узра бир лаҳзаким,  
Мушкка тўлсин еру осмон десам иддо бўлармикан?

Комил Аваз кўнглингдагин куйлаб-куйлаб борини айт,  
Ахир, бир кун гўзал тоғдин акс-садо бўлармикан?

\* \* \*

Хурлиқо шайдо этар, қайрилма қош — оҳу экан,  
Лек мен учун ишқ бобида э воҳ, ажаб оғу экан.

Ким яхши кўзлар ҳақида Кубро қадим тўғри демуш,  
Кулгич кўзи титроқ солур, жон офати, жоду экан.

«Ушшоқ элин бахтин қаро ёзмиш азал котиблари» —  
Шоир замонлар оҳидан ишқ дурмуши ғулу экан.

Бироқ, бежиз эмас ишқий розлар мумтоз наволарда,  
Бу не қувватми ё дилга, таъсир соний чолғу экан?

Беишқи вақт Комил Аваз олам қоронғудир сенга,  
Билҳақ, муҳаббат нуридан борлиқ гўзал, ёғду экан.

\* \* \*

Кўзёшлар бўлиб дарё, кетдими Ҳожихон билан,  
Гирёнга тўлиб дарё, кетдими Ҳожихон билан?

Соҳиби сирли созлар кўзин юмди бу оламдин,  
Мулки Сувора, аё, кетдими Ҳожихон билан?

Сўл усул, «Талқини рост», ҳам баётлар беқиёс,  
Тушдай бетакрор гўё, кетдими Ҳожихон билан?

Ҳайқириқди бежилов Суворалардин айрилиқ,  
Қанийди бўлса рўё, кетдими Ҳожихон билан?

«Нигоро поймолинг»ни эшитмоқ боисиди  
Чақирурмиз кимни ё кетдими Ҳожихон билан?

Кенг давраларни тўлдириб, гумбурловчи оҳанглар —  
Дурмуши тилсим дунё, кетдими Ҳожихон билан?

Ҳа, дегин Комил Аваз, токим авлодлар учун,  
Десалар, ўчмас зиё кетдими Ҳожихон билан?



\* \* \*

Нега сан орзум шу кунлар дарбадар, бечорасан,  
Руҳиятингда синиқлик, бесамар оворасан?

Рангу рўйингга қарабким, ўртаниб бўлдим зада,  
Шиддатингдан бор заминга солгай эдинг ларза сан.

Йилдиримдай тез асрга хуш эрурким тезоблиғ,  
Йўқ сира қолмоққа ортда ҳаққимиз на ман, на сан.

Билмасанг билгил азизим, беомон қаҳрим ёмон,  
Аямасман бўлмасанг гоҳ қалқону гоҳ найза сан.

Сенга ҳам осон эмас, зиммангда мен Комил Аваз,  
Нурли тонг сари ишонгум мағрур илдам борасан.

\* \* \*

Не бўлди айт, эй тани сийм, эшитмаяпсан,  
Бир-бировга бўлдик сир, тилсим, эшитмаяпсан?

Гўё сен у соҳилда, мен эсам бу соҳилда,  
Юрагим дук-дук уриб, хоҳишим, эшитмаяпсан.

Айт-чи, қайси дунёдасан, гўё мен бошқадаман,  
Ахир, борлиқ жим, бўлсанг сан жим, эшитмаяпсан.

Кетдинг нечоғ олислаб, бўлмиш менга офир, саъб,  
Билмам, недурки сабаб, орзум эшитмаяпсан?

Аслидаку бир дунё, у бир тоғу мен дарё,  
Бариси бир, бир жонмиз маъсум, эшитмаяпсан.

Бекор қилдимми тоқат, Комил Аваз дер фақат  
Келдими номуносиб юдузим, эшитмаяпсан?

\* \* \*

Кими овози носоз, бадгӯ навосоз ўлмасин,  
Бўлса соз бўлсин вале, манзумга оғоз ўлмасин.

Созу сўздин баҳра олмоқ озиғи руҳ то азал,  
Бошласа «Якпарда» гар, авжи «Чапандоз» ўлмасин.

Гаҳи шўхчан учқур кўнгул, гаҳи сақил оҳанг истар,  
Назми сўз йиғлардаям йўрғали соз боз ўлмасин.

Кел, эй мутриб, куйла ёниб, чўғни кезлаб мисли Қақнус,  
Тинглагувчи бирми ё минг, енгил-елпи соз ўлмасин.

Создурур тубсиз тўлқинли баҳри уммон бетиним,  
Анго тушган ҳар кимки бор беюрак ғаввос ўлмасин.

Дутор, танбур, қўшнайн, ғижжак, рубоб, қонун, чилдирма,  
Мақом этса созандалар сози саёз ўлмасин.

Давра ё анжум фалак не фарқи бор соз аҳлига,  
Мутрибга Комил Аваз асло имтиёз ўлмасин.

\* \* \*

Ҳақ учун ҳар ким жадал бормоқни мендан ўргансин,  
Севгига содиқ абад қолмоқни мендан ўргансин.

Онг ичиб андин бироқ тонмоқни сендан ўрганиб,  
Ишқ учун ҳар кимки жон бермоқни мендан ўргансин.

Урма ўтга ишқ жафо, десалар кулдим ажаб,  
Негаки Мажнун ишқда ёнмоқни мендан ўргансин.

Тонг саҳар сочмиш ажаб, сочинг муаттар бўйини,  
Андалиб сархуш учиб, қонмоқни мендан ўргансин.

Зарра янглиғ қувнасанг етгай бошим то кўк қадар,  
Чарх уриб лочин қанот қоқмоқни мендан ўргансин.

Сен менинг покиза гулгун тонгим дер Комил Аваз,  
Тонггаким хуш орзу-ла боқмоқни мендан ўргансин.

\* \* \*

Шод, ғамни билмас ғалат бирам доно, бирам нодон,  
Борлиқ ҳаётдин баҳраманд бирам доно, бирам нодон.

Қўл-оёғига кишан солса магар ранжу ано,  
Ғам селини этмас писанд бирам доно, бирам нодон.

Заҳри кўп озори дил, бепарда худбин сўзидан,  
Бўлмас сира ҳам мустаманд бирам доно, бирам нодон.

Қайсики бурса юзин дўсти, ёру мусоҳиблар,  
Вақтинча ер озори панд бирам доно, бирам нодон.

Равзаи фирдавс эмас оламда хор ҳам фузун,  
Шукрким, беминнат ҳарчанд бирам доно, бирам нодон.

Кўп қулоқ қўйдим ҳакамлар сўзига, дер ровийлар:  
Яшар бошин тутиб баланд бирам доно, бирам нодон.

Қолмағайсанким, аросатда ўзинг Комил Аваз,  
Демас ёлғону шайтанат бирам доно, бирам нодон.

\* \* \*

Ажиб мушк эсди туфроғдин покиза субҳи азон,  
Гўзаллик касб этди тонгдан пайки сабодин осмон.

Нечоғ хушлуғ замон ўлди, ёғилди эрк нурлари,  
Бу нурдан бўлди равшан жамики зиндаи жон.

Аждодлар руҳи шод бўлди авлодларнинг бахтидан,  
Муяссар бўлдиғидин биз орзиқиб кутган замон.

Муслимо мўминнинг бир қибласи — иймони бор,  
Эътиқод гар бўлса бут, дерлар шу олий нишон.

Ўзлигидин Мосуво қилмоққа ҳам жаҳд этдилар,  
Ўтди юртим кўп бўрон, кўп давонлардан омон.

Неча юк зил бўлса ҳам зорланмас халқим, аслида,  
Чун Ватан меҳри анинг арконидур қудсий иймон.

Заминим тафтидан диллар олар қувват, муҳаббат,  
Муҳаббатни дилга солган азал мозий, турк забон.

Чайқалиб тургувчи дунё мисли уммон мавжлидур,  
Беҳудуд уммон эса, билмас тиним, тинмас тўфон.

Бу беором уммон аро сузар эркли кемамиз,  
Поқдамон сарбон билан етгай манзилга равон.

Ҳар қисм туфроғ юракда, ундадур жисму жаҳон,  
Бу жаҳон ичра маним Ўзбекистоним бир жаҳон.

Дер, Ватан ишқида ёнгум бир умр, Комил Аваз,  
Бу табаррук ишқ ила васфини этгумдур баён.

\* \* \*

Раббил эй мулки ҳусн, боққил талабгоринг томон,  
Мулки борлар боққуси ё рабким бор мулки жаҳон.

Менда меҳру ҳам вафодин бошқа мулк йўқдур, нетай,  
Озми шу бир қул учун хизматга тайёр ҳар замон?

Бир хиромонинг учун бермоққа йўқ менда шаҳар,  
Бари зийнатдан баланд бор менда лек покиза қон.

Гар кураш бўлса вужудим найзаи ўқдир маним,  
Бир табассумингга зор интиқ яшарман ман ҳамон.

Нола ожизликми сенга, дилин тўқди Комил Аваз,  
Балки қулман дегандан безътибор қоши камон.

\* \* \*

Мисли чарх иссиқ меҳр ошиқ учун,  
Ҳар қарашким бир сеҳр ошиқ учун.

Илтифотдан бахт учар то ломакон,  
Қўнмоғи даркор, ахир, ошиқ учун.

Сувки қайноқ ўтмас этгай олмосни,  
Кўп меҳр гаҳи макр ошиқ учун.

Ҳақни сўзлаб боғла дилни ўзинга,  
Бетайин лоф бад заҳр ошиқ учун.

Қисқа қил Комил Аваз насиҳатинг,  
Томчи сўз мисли баҳр ошиқ учун.



\* \* \*

Кўнглима ботмас ёронлар, бунча турфа ёлгонлар,  
Домига бирдай ани тушар яхшию ёмонлар.

Жилвали ёлгонлар ичра яширин ҳақ мисли дур,  
Сақланадур кўп машаққат, ранж ила иймонлар.

Ёлғону алдовлар хуш келар аввал бошида,  
Сўнг аламлар ўтида афсус чекмишлар нодонлар.

Неча-неча ўтсам<sup>1</sup> даврон етмай комилликка одам,  
Бўлди найранглар қурбони, тўлмаган-чун паймонлар.

Кўп ҳақиқат изладинг ёлгончида Комил Аваз,  
Келдинг охир айтимиға сен ҳам эски замонлар.

---

<sup>1</sup> Ўтсам(шева) — ўтса ҳам.

\* \* \*

Файзли оқшом дил кушоддир, олам ойдин бунчалар,  
Ялтирар шабнамга бошин ювиб муттик, ғунчалар.

Тонг юзи ёришди сал, уйғонди шовқин юз очиб,  
Қайси авлоқдан учиб, чиқмишдир ошиғ қушчалар.

Чарх уриб, йиртиб ёқосин андалиб айлар фиғон,  
Эркалаб шаббода гул юзидан олмиш бўсалар.

Менга бу шовқину уйғоқлик этар тилсимий шавқ,  
Қалбим андармон бўлиб юксак навода куй чалар.

Жой тополмасман ҳароратдан бугун Комил Аваз,  
Бор вужудим қайнагандай мисли ўтда тунчалар.

\* \* \*

Очилар дил лоладай, кулса бахт шодон ёралар,  
Баъзида билмас кўтариб бахтни қалби яралар.

Бахт ўзи не, кимни шодмон этса, кимни яралар,  
Балки шундан ажралар доною нодон ёралар?

Не ажаб, кимдир қувар бахт ортидан бир умр,  
Билмас сабаби руҳ эрур, борлиқни қарғаб, қоралар.

Кимки бахтсиз бўлмаса, шу эмасми бахтиёрлик,  
Яна қандай бахт учун бўлғайлара оворалар?

Бошни урмиш ҳар тараф сиғмай жаҳон саҳни аро,  
Бахтининг қадрини билмай юрган бахти қоралар.

Келмаса қўлдан яхшилик, ёмонликдан тий ўзинг,  
Гар ёмонлик келса дуч, бош тутмай йўқ чоралар.

Ёришар олам кулиб боқса иқболинг, бўлғуси  
Қўл узатсанг етгудай Зухра юлдуз, сайёралар.

Лек карамдин салгина бошим айланмишким, мудом,  
Не кечар ҳолим карами бўлса гар бисёралар.

Майлига боссин муҳаббат зил юки Комил Аваз,  
Ўтар даври мушкилотнинг, бенаср йўқ дилдоралар.

\* \* \*

Жуфт ниятим бор юракда аста мендан сўрсалар,  
Қиз-жувонлар сочини қирқ ўрим этиб ўрсалар.

Шоҳи кўйлақлар кийиб, гулгун ироқи тахяда,  
Кўчаларни тўлдириб, саллониб хандон юрсалар.

Куйлагин ҳилпиратиб, учиб арғумчоқ баҳсма-баҳс,  
Қийқириб дил тафтини беқарор елга берсалар.

Сумалак оқшоми шодлиқдан юраклар ҳапқириб,  
Кўнгил армонларин тўкиб, завқли терма терсалар.

Нағмасоз мафтунда бир гуруҳ қавузчилар,  
Тебратиб лабларини тилсим наво изласалар.

Ва, ниҳоят, ниятим иккинчиси Комил Аваз,  
Восил бўлгондин муродим мени шодон кўрсалар.

\* \* \*

Кел, айтайлик қасида Наврўзга эҳтиромлар,  
Илк баҳор борасида Наврўзга эҳтиромлар.

Ахир, қаранг чор тарафга ранг-баранг бўй таратмиш,  
Гуллар карашмасида Наврўзга эҳтиромлар.

Сарвиқад сарвларнинг розин тоғдан туширмиш,  
Шалолалар сасида Наврўзга эҳтиромлар.

Боғларга файз бахшида гуллар бўйидан сармаст,  
Булбуллар навосида Наврўзга эҳтиромлар.

Ҳулласи шодумонлиғ кийган гўзал оламнинг  
Мунаввар нафасида Наврўзга эҳтиромлар.

Сархуш бўлиб сабонинг субҳи нашидасидан,  
Комил Аваз иншосида Наврўзга эҳтиромлар.

\* \* \*

Қизил гул ғунчасидай очилиб қийғос табассумлар,  
Бошим осмонга етгайким ҳады қилғоч табассумлар.

Бу борлиқ борки одамзод меҳр-шафқат гадосидур,  
Зебу зийнатдан ҳам устун гаҳи кулгич, табассумлар.

Сани жоним, жиндай қаҳринг юрагим тилкалар этгай,  
Сани ҳам гул юзинг тунддир, ахир, сўлғач табассумлар.

Ки кетгай сочдайин инжа чизиқ кўзингни ёнидан,  
Юзингда нури офтоб мисли кулгач табассумлар.

Шу кунлар бир кичик дилбар табассумга яшарман зор,  
Ҳавас этгум кими тарк этмаса тонг-кеч табассумлар.

Ожизмасдур Комил Аваз, собит қолур бўлиб дилкаш,  
Кесса ҳам бағрин тилиб кескир қилич табассумлар.

\* \* \*

Эл аро чин қалбидан севса ким иззатлидур,  
Ишқи борлар тонгдайин беғубор хислатлидур.

Майли, хўб урмас ўзин ишқ ўтиға беписанд,  
Билгайми ё ёр дейиб ёнмоқ кўп лаззатлидур.

Бу қадар хуш тилақдан этмагайлар мосуво,  
Етмасам ҳам розиман, бу йўл азиятлидур.

Дерлар ҳазрати Румий: «Пирсизнинг пири шайтон»,  
Йироқ бўлган гумондан асл муҳаббатлидур.

Вале, ман, Комил Аваз лаззатлиман тоабад,  
Арш қадар ардоқламиш севдигим иззатлидур.

\* \* \*

Вафода жуфтга бандлик сизда йўқ, менда бордур,  
Ишқ аҳлига дардмандлик, сизда йўқ, менда бордур.

Висолдан бадгумонлик сизда йўқ, менда ҳам йўқ,  
Ва лекин, орзумандлик, сизда йўқ, менда бордур.

Нетай, восил ўлмоқлик армонлими вожаб,  
Восилликдан нўшхандлик, сизда йўқ, менда бордур.

Ҳаёт ўта чигил биз ўйлагандан зиёда,  
Гумонларни паркандлик, сизда йўқ, менда бордур.

Баъзан етмас тафаккур, ожиздир мушоҳадам,  
Дийдорданким хурсандлик, сизда йўқ, менда бордур.

Хайронликдан, ажабо, мажруҳ ўлди ҳисларим,  
Нечун пок камарбандлик, сизда йўқ, менда бордур.

Тағофил ўлғонингдин бағрим бўлмиш тўла қон,  
Ишқ торига камандлик, сизда йўқ, менда бордур.

Қайтмагайман босса ҳам, бошимни ғам тошлари,  
Деса ҳам хирадмандлик, сизда йўқ, менда бордур.

Ёнма кўп Комил Аваз, наҳот, демас бир кун ёр,  
Ширин калом дилбандлик, сизда йўқ, менда бордур.



\* \* \*

Бунча зулминг беададдур, ишқинг ё бори ёлғондур,  
Гаҳи кечгай ҳам ўйимдан ростлиқнинг бари ёлғондир.

На рақибу, на қарибу на рафиқ, ростким қай бири,  
Нечалар беранг эрур гоҳ кими рост зори ёлғондур?

Чалғидим буткул ниҳоят сен аздаганда дилбарим,  
Ўгирдим юз қаю ростдин ақлим зинҳори ёлғондур.

Қачон бўлғусидир бошим узра ўйинларинг адо,  
Наҳот илинжу истиғнолар интизори ёлғондур?

Муаттар мушкидин бошим айланмоғин кутдим абас,  
Белинга тушган жамадак сочларинг тори ёлғондур.

Субҳи содиқда юзин чаяр дурға гули равза,  
Ки шабнам-ла учиб кетса, андалиб ёри ёлғондур.

Нечоғ адданган бўлса ҳам қайтмас Комил Аваз ростдин,  
Майли, дунё яралмишким, ибтидо кори ёлғондур.

\* \* \*

Қара ҳарён очиб гул ғунчаи айёми хандондур,  
Аё, дилбар, кулиб боқсанг, дил олами чароғондур.

Кел, эй гулчеҳраи пайкар, айла ўзингни ҳувайдо,  
Ахир, Тангри инояти покиза ишқи эҳсондур.

Ёр агар қошу қабоғинг гар тугулса мен учун,  
Табассум айла ағёра, майлига жоними ёндир.

Чун сани кўргум фақат юзу кўзингда равшанлиғ,  
Йўқса, сигмасман жаҳона, дилим тийраи хуфтондур.

Ажабким, аҳли ошиқа ёзидмиш ёзғити азал,  
Вале, ёра етишмакни йўли нолаю афгондур.

Неча тундлуғлар қурбони бўлса ҳамки Комил Аваз,  
Қайтганидан ёрдин онинг, биррав ўлмоғи осондур.

\* \* \*

Кечалар бўлса қоронғу шунчалар шам нурлидур,  
Беадад бўлса севинч, кўзлардаги нам нурлидур.

Яхшилигу эзгулик, адлу ҳақиқат барчаси,  
Тоабатким, бу кўнгулда бўлсалар жам нурлидур.

Ҳар жабрдин минг жафо тортғувси ошиқким, вале,  
Қилса ҳам нечоғ жабр ёр ишқида ғам нурлидур.

Беқадр тутсанг магар сан ишқни қадринг паст бўлар,  
Ишқиворлар-чун ҳаёт ҳам шуурли, ғам нурлидур.

Бемуҳаббат ким эрур лаззоти дунёдин суво,  
Билгил, эй ошиқ, фироқинг ичра ҳар дам нурлидур.

Дарди дил берган кўнгулга бер давосин сен ўзинг,  
Чун шароби васлингни қултуми малҳам нурлидур.

Йўқ дурур ишқдин бўлак маснади мулк Комил Аваз,  
Васфида ёрнинг битилган ҳар бир рақами нурлидур.

\* \* \*

Ишқ гоҳида қабул ўлиб, гоҳида қабул ўлмас,  
Нигоҳда қабул ўлиб, никоҳда қабул ўлмас.

Кўп офир ҳикмати ишқ, баъзида булбул саси,  
Тонг чоғда қабул ўлиб, шом чоғда қабул ўлмас.

Ногоҳон дилга гумон солса соя тавбанг ҳам,  
Боргоҳда қабул ўлиб, даргоҳда қабул ўлмас.

Гир атрофдан гоҳида кони фойда, илтижонг,  
Хуфтонда қабул ўлиб, чошгоҳда қабул ўлмас.

Не ажаб, Комил Аваз руҳига мос битигинг,  
«Сегоҳ»да қабул ўлиб, «Чоргоҳ»да қабул ўлмас.

\* \* \*

Касб этма жаҳолатни, боргоҳда қабул ўлмас,  
Кибру ҳаво, худоро даргоҳда қабул ўлмас.

Алдову ёлгон, фириб нокас этар одамни,  
Пушаймонлиғ сўнггида — рамақда қабул ўлмас.

Икки юзли инсон нечун билмас ғайр, куфрлик  
На заминким, чодир афлоқда қабул ўлмас.

Зоҳиран тоат-ибодат ҳам эрур миннатли,  
Гар ибодат пок эмас дилхоҳда қабул ўлмас.

Шундайин тилсим эрур дунё ажаб сўровинг,  
Бир «оҳ»да қабул ўлиб, бир «оҳ»да қабул ўлмас.

Гарчи сен Комил Авазким тазарру илмини  
Ваҳм ичра қабул этсанг, изоҳда қабул ўлмас.

\* \* \*

Куйга тўдди қўшиқ боғи ё сен боис, ё мен боис,  
Бейик бўлди севги тоғи ё сен боис, ё мен боис.

Табассумнинг дариғ тутма, сўзларимдан кулма дилдор,  
Муҳаббатнинг яралмоғи ё сен боис, ё мен боис.

Ўтлуғ севги юракларни куйдиргувчи қўшиқ бўлиб,  
Олам аро таралмоғи ё сен боис, ё мен боис.

Ишқимизни пинҳон тутай, пинҳон тутғил, эй дилрабо,  
Ҳеч гап эмас тарқалмоғи ё сен боис, ё мен боис.

Комил Аваз, ҳаяжондан тилим келмас калимага,  
Ишқ ояти айтилмоғи ё сен боис, ё мен боис.

\* \* \*

Беҳад қувончу ғамли, ёлғончи бу, ёлғончи бу,  
Ва бир зиёду камли ёлғончи бу, ёлғончи бу.

Дониш, олимлар яратган беҳисоб минг-минг аср,  
Нега ёлғончи номли, ёлғончи бу, ёлғончи бу?

Тўй, жаноза ёнма-ён тенг кетганин ким кўрмаган,  
Заҳру, асали жомли, ёлғончи бу, ёлғончи бу.

Ранг-баранг ёлғондан яралган қасрлар ичраким,  
Ростлиқ яшар чидамли, ёлғончи бу, ёлғончи бу.

Ишқли диллар бегуноҳми, дод-зорига тарих гувоҳ,  
Нега бундай аламли, ёлғончи бу, ёлғончи бу?

Лайли, Мажнун, Ширину Фарҳод яшарлар боқиё,  
Ошиқ Ғарибу Санамли, ёлғончи бу, ёлғончи бу.

Комил Аваз, онам Чаман, бузругим Самандарни  
Дийдасин қилган намли, ёлғончи бу, ёлғончи бу.

\* \* \*

Оразин гулгунлигидин бормикан армони ҳеч,  
Толеи юксаклигидин кетмагай дармони ҳеч.

Кўз қамашгуси нигоҳидин, ажаб, тилсим эрур,  
Кўрмадим умрим биноким, бул қадар иншони ҳеч.

Қиймириб боққанида нурланар мардумлари,  
Тоабад, шўх кўзлари кўрмагай гирёни ҳеч.

Нурли ҳам олам мунаввар сарвиқадлар бор учун,  
Аё, тангрим этмасун тарк гулчирой дунёни ҳеч.

Бир париким дилрабо, ўхшамас маҳвашлара,  
Ўзи якто, сўзи якто, йўқдурур шоёни ҳеч.

Беададурким тахайюр, бир назар этса малак,  
Бўлмагай Комил Авазинг шодлигин поёни ҳеч.





## Мухаммас

Одамизод кони дардинг, сани дардинг, мани дардим,  
Ҳақиқатдир жони дардинг, сани дардинг, мани дардим,  
Бўлса ҳам бесони дардинг, сани дардинг, мани дардим,  
Армондур дармони дардинг, сани дардинг, мани дардим,  
Топилсайди қани дардинг, сани дардинг, мани дардим.

Бу дунё бир кам дунёдур, ёмон-яхши, яқин-ёндуру,  
Ҳақиқат жуфти ёлғондур ва шодликка алам ёрдур,  
Фақатким, бу умр ондур, қизил гулдай нафис жондур,  
Саволдин пок дилим қондур, ахирким, нега бесондур,  
Армондур дармони дардинг, сани дардинг, мани дардим.

Бировлар сўз-ла ялтоқлаб, турарлар ҳар замон йўқлаб,  
Ва лекин, «эх»-у. «ох», «ух»лаб, жафо, ғам ўқини ўқлаб,  
Отарлар, сўнг, яна тузлаб, кўнгул сўрган бўлар алдаб,  
Ки нафратдин дилим музлаб, сўрарман ҳеч тутарми даб,  
Одамизод кони дардинг, сани дардинг, мани дардим?

Вужудан ишққа қим банддур, анга раҳмате беҳаддур,  
Кими пок ботиний тандур, дурмуши ноёб хислатдур.  
Хаёлида кими панддур, вужуди занжирибанддур,  
Нечун иши адоватдур, ғамга нечун мустаманддур,  
Одамизод кони дардинг, сани дардинг, мани дардим.

Азизсан хушкалом бўлсанг, улуғ бу эҳтиром билсанг,  
Кўп озори, бўл огоҳ сан ҳаётни айшу ком билсанг,  
Тутма Ҳақдин ўзга йўл сан — этар умрингни шом билсанг,  
Ҳаромдин истасанг мўл сан — йироқ сандин ором билсанг,  
Ҳақиқатдир жони дардинг, сани дардинг, мани дардим.

Ҳаёдир энг буюк неъмат, вафодур ошиқа суннат,  
Эрур бир олами ҳикмат, умр мезони муҳаббат,  
Киром ким ҳусни маснад, мажозий бўлса гар ҳиммат,  
Мукаррам эй азиз хилқат, илаштирама бирор иллат,  
Деяр Ҳақ иймони дардинг, сани дардинг, мани дардим.

Недур билмам гуноҳ, гардинг, чекка тушди, бўлдинг банди,  
Бардошни ўргансин сандин, эгилма ҳеч, тик тут қаддинг,  
Бекор кетмас сайъ-ҳаттинг, мезондасан танла ҳаддинг,  
Сани Комил Аваз мардинг, бўлар мудомо ҳамдардинг,  
Топилсайди қани дардинг, сани дардинг, мани дардим.

## Навоий ғазалига мухаммас

Музтаринликдин бошим бўлди яна хамнокрок,  
Чун шафақланди юзи тонгнинг муроддин чок-чок,  
Эрса ҳамки борлигим анинг-ла муштарақрок,  
Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин чокрок,  
Кирпигим шабнам тўкулган сабзадин намнокрок.

Покравлиғ ичра покравнишон кўрдим сени,  
Ўйнаяр ёлқин юзингда нурфишон кўрдим сени,  
Ҳажр интиқлиғимдин лутфи хандон кўрдим сени,  
Бу кўнгул ғамнокидин то шодмон кўрдим сени,  
Истарам, ҳар дамки, бўлғай хотирим ғамнокрок.

Кимки бор кўрмиш меҳр-оқибат бахти ғамин,  
Гоҳ биров кайфу сафода излагай тахти ғамин,  
Бир вафоға юз жафода кўрди ким ёқти ғамин,  
Лайли андин қўйди Мажнун кўнгида рахти ғамин,  
Ким, йўқ эрди манзил ул водийда ондин покрок.

Беадад зору нолондин тутар охир сабри ашк,  
Вале, водийсиға ишқнинг тўкилмишдур абри ашк,  
Бошини ҳарён уриб, жунбушга келгай баҳри ашк,  
Ўйла мужгон ханжарига ёпишибдур дурри ашк,  
Ким, магар ондин ятиме йўқтурур бебокрок.

Не қилар бўлсанг равонким барча йўл, йўлдур санга,  
Бермагинг имконлара бисёр, мўла-мўлдур санга,  
Бир нигоҳингга этиб юрганча зор ўлдурсанга,  
Жон олурда лабларингдин барча эл қулдур санга,  
Жон берурда бир қулинг йўқ бандадин чолокрок.

Ибтидодинким жафо айлар ушшоқ элига чарх,  
Ҷам ботиргай дам-бадам ҳижрон ғами селига чарх,  
Ишқ йўлида бахш бошим берса тўфон хайлига чарх,  
Одамийлик тўфроғин берса фано елига чарх,  
Оҳким, йўқтур киши аҳли вафодин хокрок.

Бермагинг малҳамдин дил ёраси азминроқ бўлур,  
Не наволар ноласидин қалблар ғамгинроқ бўлур,  
Тубсиз ўй азмидин Комил Аваз вазминроқ бўлур,  
Неча ўқласанг Навоий кўнгли захминроқ бўлур,  
Кўрмадук захмеки, теккан сойи бўлғай чокрок.

## Навоий ғазалига мухаммас

Анинг номин тутиб ётгум тонгу шомда хитоб айлаб,  
Битиб нақшу наво, соқил, тузиб неча китоб айлаб,  
Неча айтмиш етиб оҳим, вал охир мустажоб айлаб,  
Тун оқшом келди кулбам сари ул гулруҳ шитоб айлаб,  
Хироми суроатидин гул уза хайдин гулоб айлаб.

Мусаввир сувратин чизса, ўзига ўхшатсаким гар,  
Керакмасдур гўзал этмакка маржон, зебу зийнат-зар,  
Чиқибди шахд жадал бирлан писанд эрмасму хавф-хатар,  
Қилиб мужгонни шабравлар киби жон қасдиға ханжар,  
Белиға зулфи анбарборидин мушки таноб айлаб.

Кириб келдию нур сочди, париваш толеъи рахшан,  
Қаро кўзида ялт этди недир меҳрға менгзаган,  
Нигоҳин ташлади доғи табассум айлабон шўхшан,  
Қуёшдек чеҳра бирла тийра кулбам айлагач равшан,  
Менга титратма тушти зарра янглиғ изтироб айлаб.

Онинг рухсори олида фақр кулбам ғариб эрди,  
Юзим қизардими, билмам, қабосин чиқариб эрди,  
Манго ҳайрат ила боқди ва мушкин қошларин керди,  
Кулуб ўлтирдию илгим чекиб ёнидан ер берди,  
Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб айлаб.

«Қани, таъна қилурмисан — хабарсиз на елибдурсан,  
Ўзим бормай не ҳол кечди, қоронғуда келибдурсан,  
Деб эрдинг, сочи сунбул қолмайин доғда, келибдур сан,  
Ки эй зори балокаш ошиғим мансиз нечукдурсан?»  
Ман ўлдим лолу айта олмайин майли жавоб айлаб.

Келиб оқшом чоғи дилбар гумонимни тамом қувди,  
Ки кўзга илғамас тезлик ила нозик қўлин ювди,  
Ўзи бирлан олиб келган тугунчакни очиб қўйди,  
Чиқарди шишаи май доғи бир соғар тўла қўйди,  
Ичиб, тутти манга юз наво нозосо итоб айлаб.

Шароб тутган алин ўпдим, дедим, висолға ҳам етдинг,  
Вале, дилбар, ақлдин оздириб бехушу лол этдинг,  
Деди: Қўрқма, дадил бўлғил, мурод-мақсадғаким еттинг,  
Ки эй мажнун, пари кўрдинг, магарким, тарки хуш эттинг,  
Такаллум қил, бу соғарни ичиб, рафъи ҳижоб айлаб.

Аё, дўстлар, ким ул қўрқса хато қилғай ёмон кўздин,  
Омон қолмоқ гумон ёниқ, олов-ўтға макон кўздин,  
Тараб чоғи кетиб иймон, кўтарилғай ҳаё юздин,  
Ичиб, фарёд этиб тушдум оёғиға бориб ўздин,  
Мани йўқ бодаким, лутфи онинг масти хароб айлаб.

Хаёлотми десам ҳақдир, мана ёнимда у шундоқ,  
Ки бехуш тўлғанур жонлар ақл хушдин суво мутлоқ,  
Иковдин бахтли йўқ оламдаким Комил Аваз шу чоқ,  
Ониким элтғай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,  
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

## Навоий ғазалига мухаммас

Тиниқ чашминг само янглиғ ажиб нурли жаҳондур бу,  
Қачон боқсам қамашғай кўз, қараб бўлмас альондур бу,  
Рўйи хуршид шуъласидин альамон дostonдур бу,  
Юзунгда май гули ё гул очилғон бўстондур бу,  
Гулунгда қатра хай бўстондаги сувдин нишондур бу.

Кеча-кундуз хаёлимда висол этмак таманноким,  
Юзим партавлиғ ўлғуси қараб, ваҳ, сен томоноким,  
Басе, мушриф, тўхта бир дам мани кўрган замоноким,  
Кўзумда қатра қонлар боғлағон эрмас ҳамоноким,  
Назар боғида шавқингдин очилғон арғувондур бу.

Эмас бедор очиқ ҳар ён кўзум атрофида кирпик,  
Ва ё ҳайрат ила ҳайрон кўзум атрофида кирпик,  
Дема, сенга гўзал автон кўзум атрофида кирпик,  
Эмас васлинг тилаб учқон кўзум атрофида кирпик,  
Ким ул дарёйи қушларға қамишдин ошёндуру бу.

Бирам манму гирифтор ғавфо қули савқ савдосин,  
Ки маҳрумми ишқнинг айтмас абад дил шавқ савдосин,  
Нетиб нолон этай ушшоқ элиға бор ҳақ савдосин,  
Кўнгуддин чиққан оҳим айлар афзун халқ савдосин,  
Ки шайдолиғ диёридин етишган карвондур бу.

Жабр чекса менчамас Қайс, фироқ ўтида Лайлинким,  
Сабрда не эрур Фарҳод, мани васфимни айлангким,  
Аё, дўстлар, тилим лолу ўзим вазмин эсам, лекин,  
Қизил рағлар кўзумда кўрган англр ашк сайлинким,  
Оқарға келган ул йўллар била ҳар сори қондур бу.

Зулфиға бастадур кўнглум, дам очма, эй Масиҳ, ўтким,  
Андин норастандур кўнглум, дам очма, эй Масиҳ, ўтким,  
Вале, ашкастадур кўнглум, дам очма, эй Масиҳ, ўтким,  
Лабиндин хастадур кўнглум, дам очма, эй Масиҳ, ўтким,  
Иложин юз санингдекнинг беганмас нотавондур бу.

Туганмас бахт, хазина, эрса ёринг оқилу ҳамдам,  
Нафас олмоқ равон ўлмас ёнимда бўлмасанг бардам,  
Нечук кунлар кечар билмам, олис кетсанг узоқ, қайдам,  
Қуюндек дашт аро кўрсанг мени, кўп қочмаким, ҳар дам,  
Бошингга эврулур саргаштаи бехонумондур бу.

Манга билсам, бас, агар ул малак ҳолин хатидинким,  
Даме, ҳижрони беҳаддур париваш гурбатидинким,  
Нетай, ул баҳраманд этмас висоли лаззатидинким,  
Кўнгул майхона роми, хотирим хуш май батидинким,  
Мунга руҳул-аминдур, ул анга дорул-амондур бу.

Кима арз айлайин маҳваш сенга ҳеч етмаса додим,  
Сўраш қил бўлмасам гар мен, қолар дoston, куллиётим,  
Куйимда куйлаган ким ул десанг, Комил Аваз отим,  
Дема, ҳижрон туни ҳар дам етар ул ойға фарёдим,  
Ул ой фарёдингга етмас, Навоий, не фигондур бу.



## Огаҳий ғазалига мухаммас

Ишқни деб тинч тонг каби онинг керакмасму сенга,  
Ғам чекарсан кулги, хандонинг керакмасму сенга,  
Телба ҳолига тушиб, шонинг керакмасму сенга,  
Ошиғ ўлдинг, э кўнгул, жонинг керакмасму сенга,  
Ўтга кирдинг жисми уренинг керакмасму сенга?

Тонгда булбул чарх уриб, уйғотди гулни уйқудан,  
Ноласида неча афғон, неча андуҳ, неча ғам,  
Қайси маҳваш юзларини беркитиб қилди ситам,  
Истабон ул юз тамошосин кўздин дам-бадам,  
Қон тўқарсан, чашми гиренинг керакмасму сенга?

Ул париваш ёди бирлан ҳар нафас овворасен,  
Бир кулиб боқса агар, то қиёмат борасен,  
Ким яшарсан оди бирлан сарвиқад бўй, оразин,  
Ҳар дам эткунг орзу кофир кўзи наззорасин,  
Қил ҳазарким, нақд иймонинг керакмасму сенга?

Даста-даста шеър битиб, куй басталарман сен учун,  
Сайри боғ этмай ҳанузким, хасталарман сен учун,  
Лафзи ширин суҳбатингдин баҳраманд этмай нечун,  
Лутфинг этдинг хаста кўнглумда дариғ, э шоҳи ҳусн,  
Бу гадои зору ҳайронинг керакмасму сенга?

Не сабабдин дилбарим, кўнглумни обод этмадинг,  
Шум рақибларни рақиб, ётларни ҳам ёт этмадинг,  
Кўп ситамлар кўргузиб сен бир нафас шод этмадинг,  
Сели ғамдин хонавайрон ўлдимۇ ёд этмадинг,  
Айтгил, бу хонавайронинг керакмасму сенга?

Нозу истиғнонгни, эй гул, бунча хил-хил қилғосен,  
Гоҳи рашким келтириб, кимни муҳофил қилғосен,  
Не учун Комил Авазни бунча ғамдил қилғосен,  
Огаҳий ҳолин кўриб дойим тағофил қилғосен,  
Шоири донойи давронинг керакмасму сенга?

## Отаҳий ғазалига мухаммас

Гулни севдим қалб тикона нишон ўлди, нишон ўлди,  
Маҳзунлиқдин жон гирёна лисон ўлди, лисон ўлди,  
На айтмоққа изҳори дил имкон ўлди, имкон ўлди,  
Қачонким, ул пари кўздин ниҳон ўлди, ниҳон ўлди,  
Ишим Мажнун киби оҳу фиғон ўлди, фиғон ўлди.

Бу дунё зеру забар маълумдурур кўп қадим вақтдин,  
Баланд этса ўзи ҳам, паст этса ҳам муддао Ҳақдин,  
Қуёш янглиғ бейик қадрим этиб келар матлаъ ёқдин,  
Чиқ истиқболига, э дил, нисори айла жон нақдин,  
Ки дерлар бу тараф ул шаҳ равон ўлди, равон ўлди.

Важду ҳол бўлсамда сир бегумон асрай дедим, э шўх,  
Этмай ошкор ёмон кўздин инон асрай дедим, э шўх,  
Маломат ҳар сўздин, ҳаққи иймон асрай дедим, э шўх,  
Кўнгулда оташи ишқинг ниҳон асрай дедим, э шўх,  
Нетай, оҳим шароридин аён ўлди, аён ўлди?

Кўзимга пурзиё ийнмиш номаи хуш аъмолингдин,  
Бу кўксум маснади маъво шаҳду шакар мақолингдин,  
Видод улким, олгум имдод шамшод қадду камолингдин,  
Ўшул кунким ёрутдинг ҳусн айвонин жамолингдин,  
Дили вайроним ишқингга макон ўлди, макон ўлди.

Вафо бобида куйларман ,баравж оҳанг кутгум санам,  
Нетай, охир рухсоринга шайдойи ишқ ўлдум манам,  
Орзум қариблиғдур, вале, тортқайман беадад надам,  
Ҳазин жонимга дарду ғам ўқин ёғдурғоли ҳар дам,  
Юзинг узра ики қошинг камон ўлди, камон ўлди.

Гумон этманг десаларки, саболарда сафо бордур,  
Нозу карашма, истиғно иболарда жафо бордур,  
Зеро, риёзату ранжу аноларда адо бордур,  
Инонманг эйки дерсан, дилраболарда вафо бордур,  
Яқиндурким бу сўз менга гумон ўлди, гумон ўлди.

Муждаи жон харобот аҳлиға ҳар не ғайбким онда,  
Ҳақдин ўзга не таманно, чун бари бежайбким онда,  
Мусалло муттакосидур ул макруҳ не райбким онда,  
Туну кун чиқмасам майхонадин не айбким, онда,  
Кишиким кирди кулфатдин омон ўлди, омон ўлди.

Тириксан бандаи ғофил, фойда деб ҳар сў чопқайсан,  
Тоқату бесабрлик қулфини таҳаввур очқайсан,  
Кетиб ўздин чопқасен таъжил ғаҳи тўқу оч қайсан,  
Жаҳон савдосидин эйким тиларсан суд топқойсан,  
Бу савдо суди билгилким, зиён ўлди, зиён ўлди.

Етар Комил Аваз, хуноб ила назм этмагинг ҳар тун,  
Етмаса не хундур азоб ила азм этмагинг ҳар тун,  
Вожиб ўлмасми ўй итоб ила разм этмагинг ҳар тун,  
Агарчи яхшидур аҳбоб ила базм этмагинг ҳар тун,  
Вале, Оғаҳийни қовдинг, ёмон ўлди, ёмон ўлди.

## Огаҳий ғазалига мухаммас

Рўзи байрам, шоддур эл, э ёр, қурбонинг бўлай,  
Э насимий, мен томон ел, э ёр, қурбонинг бўлай,  
Кўзларимдин оқма сел, э ёр, қурбонинг бўлай,  
Ийд эрур, кулбамға кел, э ёр, қурбонинг бўлай,  
Ийд субҳи янглиғ оч рухсор, қурбонинг бўлай.

Шу кун келмай келгинг, қачон қўнмиш баҳор олингга,  
Камалак ранг гул очиб, чорлаюрсан болингга,  
Кел, эй Исо нафас ман-чун, раҳм қил қадди долингга,  
Кел, баҳона ийд расмин айлабонким йўлингга,  
Нақд жонимни қилиб исор, қурбонинг бўлай.

Музтарингманким яқин ўлмоққа йўқ имкон санга,  
Баҳраманд эт суҳбатингдин, садқа кетсин жон санга,  
Сўрмасанг ҳолим нечун берган Худо лисон санга,  
Восили дийдоринг ўлғой бўлғон эл қурбон санга,  
Қил мени ҳам восили дийдор, қурбонинг бўлай.

Таърифинг ушшоқ ичинда беқиёс машҳур эрур,  
Ноз билан қиймириб қош, айтган каломинг дур эрур,  
Отган ҳар пойинг ажаб, очилғон лола гул эрур,  
Мақдамингга йўқу боримни нисор эттумдурур,  
Кулбама келмақдин этма ор, қурбонинг бўлай.

Кел, азизим сочларингни белга ташлаб, қирқ ўриб,  
Шод ўлай гулранг ики олма мисол садринг кўриб,  
Розиман амри музофотинг аро кетсам ўлиб,  
Истарам, қурбонинг ўлмоқ жилваи қаддинг кўриб,  
Қил ҳиром, э сарви хушрафтор, қурбонинг бўлай.

Сен эрурсан гулбадан илк урганим оҳ кўз очиб,  
Аҳли дил бўлдим суханвар, меҳри ишқдин сўз очиб,  
Банд хаёлим сен билан кетмагай шому рўз очиб,  
Шодлиғ бирла келиб, хуршид янглиғ юз очиб,  
Тийра шомим айла пур анвор, қурбонинг бўлай.

Нега олмайсан хабар, шодмонлиғ элда бўлса ҳам,  
Ёки қасдинг борми менда ростини айттил санам,  
Жон агар берсам қўлингда, бўлғай ул дардга малҳам,  
Бисмил ўлмоқ ҳар нафас тиғинг дамидин истарам,  
Тиғ ур, э қотили хунхор, қурбонинг бўлай.

Тоқатим-тоқ ўлғонидин бода талабман, соқиё,  
Тонларим отди неча аксинг қараб ман, соқиё,  
Коса тутдим устма-уст, қуй деб, ёраб ман, соқиё,  
Неча муддатдурки, махмури тарабман, соқиё,  
Тут манго бир соғари саршор, қурбонинг бўлай.

Ишқ учун Комил Аваз, жон бермагинглик ҳақ эрур,  
Токи маҳшар қайтмагайсан, аҳдларинг мутлоқ эрур,  
Майлига тиғ бўлса, кўксим нурга иштиёқ эрур,  
Оғаҳий қурбонинг ўлмоққа, баса, муштоқ эрур,  
Келгил, они айла миннатдор, қурбонинг бўлай.

## Огаҳий ғазалига мухаммас

Сабр зандида бўлса гар мудом ёри қаноатдур,  
Уқмоқ мўмин таваллосин азал кори қаноатдур,  
Токи, маҳшар чин ошиғнинг ўчмас нори қаноатдур,  
Кишиким фақр кўйида талабкори қаноатдур,  
Замириға онинг макшуф асрори қаноатдур.

Киши ўз ҳолини билса, анго бевақт завол бўлмас,  
Ёри оқил бўлса ўзни хавф-хатарға юзин бурмас,  
Эҳтиёж мезонини бузмаса ким ғам уйин қурмас,  
Қудуроти таъмадин нуқта янглиғ тийралик кўрмас,  
Бировким дилнишини хатти паргори қаноатдур.

Беқаноат ким халосмасдур балолар ўқидин,  
Дам-бадам дучор бўлур кўп имтиҳона бу жабин,  
Лаззоти дунё истар ҳар кимса жанг майдонидин,  
Мазаллат ўқларидин ул диловар бўлғуси эмин,  
Ки олам размгоҳида сардори қаноатдур.

Наки кору корсиз эҳтиёжманда дил дафтарин кўрсан,  
Тубанликда бесабрлар, юксақдадур сабри фан,  
Фақир аҳли покравдур, Ҳақ йўлида, қалби аҳсан,  
Қуёшдек авжи иззатда қилур ул пок дил маскан,  
Ки онинг тийнати миръоти анвори қаноатдур.

Дил қоронғусин ёритгай этди ким илтижо қоим,  
Бежиҳот ўлди қаноатда бўлиб даҳри соим,  
Беқиёс эҳсон ато этмиш Яратган Илоҳим,  
Бу маҳфил ичра роҳат нашъасидин ком олур доим,  
Кишиким, журъа нўши жоми саршори қаноатдур.

Ҳаёт ажаб паст-баланддур, бисёр яхши-ёмонлик,  
Умр гаҳи оғир кечар бўлса ҳам бир замонлик,  
Покдомонлар тилар яхши, ёмонга ҳам омонлик,  
Етушкai тезроқ мақсуд сар ҳаддиға ул солик,  
Ки манзилгоҳи онинг авжи кўҳсори қаноатдур.

Беқадр, ботили нокас, сифлани магар кўрсанг,  
Ёхуд эҳсон таъмасида хорлигининг асар кўрсанг,  
Одамийлик сийратин поймолин сарбасар кўрсанг,  
Кўнгул ҳар кимсаниким хоксору дарбадар кўрсанг,  
Яқин билгилким, ул, албатта, безори қаноатдур.

Яшарсан муддатин билмай, омонат лаҳза жон ичра,  
Чексанг озор инжилмағил, бемалҳаммас нолон ичра,  
Топарсан эм заҳмини сан урфондадур ниҳон ичра,  
Азиз ўлмоқ агар истар эсанг аҳли жаҳон ичра,  
Қаноат айлаким ул рутба осори қаноатдур.

Минг шукур Комил Аваз ихлосинг ифтихор ўлмиш,  
Холисилло дединг дилдан нусратинг бисёр ўлмиш,  
Бу размгоҳда Ўзи бир ҳамдаму ҳамкор ўлмиш,  
Биҳамдилаҳ азизу комёбу комкор ўлмиш,  
Ҳам оғуш Оғаҳийга токи дилдори қаноатдур.

## Машраб ғазалига мухаммас

Ким ишқдин беҳабар дилбасталиғ изҳор этиб бўлмас,  
Вале, ёзғитда бўлса гар, они четлаб ўтиб бўлмас,  
Бу олам сирлари бисёрдурур барин билиб бўлмас,  
Манинг рози дилу зорим фаравондур битиб бўлмас,  
Ки ишқ афсонасини дафтар узра шарҳ этиб бўлмас.

Саҳосиз зар, тутунсиз нор, сабабсиз навҳагар бўлмас,  
Саҳобсиз қатра нам тушмас, сумансо тоза тар бўлмас,  
Ким ҳам асло вафо топмас, вафодорлиғ магар бўлмас,  
Тикансиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас,  
Риёзат чекмагунча ёр васлига етиб бўлмас.

Расо қаддин кўриб, ёраб, хутурға бир умр солдим,  
Нафасдин тўхталиб жон ҳолатида сўнг яна олдим,  
Таважжуҳ истадим субҳи масо ўйларга кўп толдим,  
Кўзим тушти юзиға термулиб ҳайрон бўлиб қолдим,  
Фалакка қўл узотиб шамси анварни тутиб бўлмас.

Қарори ихтиёрсиз дил мужиби мубтало бўлди,  
Хаёлдин кечмака етмас ақл, хуш, қад дуто бўлди,  
Аё, кетдим ўзимдин дашти ишқ сайри то бўлди,  
Ҳаданги тири мужгонинг, мани сийнамга жо бўлди,  
Кўнгул захмин очиб бедардларга кўрсатиб бўлмас.

Не офат хуш таманно бунчалар ранжу ано этти,  
Инжимай сарбасар кўнглум анго ҳамду сано этти,  
Ҳажр водийсида риҳлат, дедим энди санго етти,  
Ўшандоғ Мустафони ушбу оламдин фано этти,  
Худоға эй биродар, бу сабабдин баҳс этиб бўлмас.

Гаҳи олди ёлинг Комил Авазнинг насри, эй Машраб,  
Фақатким мулки маъво ўлди кўнгул қасри, эй Машраб,  
Қачон осон, енгил бўлғондур ушшоқ асри, эй Машраб,  
Узоғ эрмиш ўшал зебо санамни қасри, эй Машраб,  
Агар юз йил жадал қилсанг бу манзилга етиб бўлмас.



## Аваз ғазалига мухаммас

Ваҳ-ваҳ бу замон тил билгана ганжифишондур,  
Саводи басар илми зиёсиз паришондур,  
Ҳар неки илм аввали ихлосу инондур,  
Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,  
Тил воситаи робитаи оламиёндур.

Кўргайки неча ранжу хушолиғни бу бошлар,  
Фарзандки оқил ўзини юртига бағишлар,  
Боққай сиза ҳам зайли замон, эй қалам қошлар,  
Ғайри тилини сайъ қилинг билгали ёшлар,  
Ким илму ҳунарлар паланги ондин аёндур.

Йўқ малҳами дил тенгсиз сулув она тилидек,  
Бўлмаски сира дилроз қилув она тилидек,  
Олам аро йўқдур киши ўз тили якто, лек,  
Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,  
Билмакни они ғайрат этинг фоида кондур.

Қилғай имтиҳон турфа замон ҳар бирингизни,  
Этай десангиз баҳри кушойиш дилингизни,  
Дастур этингиз Руму фаранг, ё англизни,  
Илму фан уйига юборинглар болангизни,  
Онда ўқуғонлар бари яктойи замондур.

Комил Авазам кўп оҳли тил билмай Аваздек,  
Тор ўлди илм сабоқи тил билмай Аваздек,  
Беҳаддурур иштибоҳи тил билмай Аваздек,  
Зор ўлмасун онлар доғи тил билмай Аваздек,  
Тил билмаганидин они бағри тўла қондур.

## Аваз ғазалига мухаммас

Адолатли юрт иқболи омондур,  
Одоб-ла толеи барқи тобондур,  
Вале, бир иштибоҳ у кун аёндур —  
Ажойиброқ замон ушбу замондур,  
Халойиқ феъли бир-бирдин ёмондур.

Белаб унга сотганлар бор асалин,  
Яширмайин кимлар фириб касалин,  
Осон ечганлар пул билан масалин,  
Ҳам эҳё ичар жоми ажалин,  
Они ичмак ҳамон, ўлмак ҳамондур.

Бунга ақл бовармас олам ичра,  
Ким изласа шодмонлиқни ғам ичра.  
Ҳам омонлиқ бордайн қасам ичра,  
Малул ўлмай, не айлай, одам ичра,  
Вафоу меҳрким, дерлар ниҳондур?

Уялмайин фаҳш шумрафтлигидин,  
Ўлмоғонлар огоҳ офатлигидин,  
Яна шумлиқ, ғийбат беҳадлигидин,  
Ҳама эл феълу таврин бадлигидин,  
Мунингдек бўйла расвои жаҳондур.

Бенишон қолса ҳам не олий аҳком,  
Сўрмаганлар сарнигун айлаб бадном,  
У не ажаб замон нодон сер дашном,  
Бўлуб сайидлари мардуду ноком,  
Ҳама қул ағниёу комрондур.

Не савдолар кўрмаган куҳан чархи —  
Бисёрдурур фараҳбахш тааб тархи,  
Шундан битмас Комил Авазнинг шарҳи,  
Бўлуб қиймат ҳама ашёни нархи,  
Аваз ушбу сабабдин хаста жондур.

## Муқимий ғазалига мухаммас

Ёнмаса ишқ ўтида нозу адо ҳам қилмасун,  
Изтирорий ҳам хушо, саҳву хато ҳам қилмасун,  
Гар давосин этмаса кўнглум яро ҳам қилмасун,  
Ёр агар лутф айламас, жавру жафо ҳам қилмасун,  
Қилмас эрса манго ғайрига вафо ҳам қилмасун.

Бежавоб хонишларим акси садосиздур, абас,  
Этмангиз ман куйламиш ўтлуғ ҳаволарға ҳавас,  
Гар қулоқ қўймас эса банд этмасун ўйимни, бас,  
Сунбули зулфи каби ошуфта айлаб ҳар нафас,  
Кокулидек рўзгоримни қаро ҳам қилмасун.

Кўрмаса жаннат раво бунда дуо ҳам қилмасун,  
Этмаса буткул ато, мани адо ҳам қилмасун,  
Торларимға тегмасун, танбур, сато ҳам қилмасун,  
Гар эшитмас бўлса боғларда фиғону ноласин,  
Гул юзун кўрсатмасун, булбул наво ҳам қилмасун.

Не азобда куйласам, маҳваш назарга илмаса,  
Кўргузуб ойдаи юзун, лутфу карамлар қилмаса,  
Меҳрини манго бериб, ағёр юрагин тилмаса,  
Дардим ишқида куни кундин фузунроқ билмаса,  
Бир мусулмонни ўзига мубтало ҳам қилмасун.

Нотавонлиғ акси деса, янглишур фарёдни ким,  
Нолаи фарёд вужуд титратмаси, исёниким,  
Етмаса исён эмас, дод ҳам эмас, ҳайҳотким,  
Йиғламоқдин хира бўлди кўз демуш фарёдким,  
Кўзга босган изларимни тўтиё ҳам қилмасун.

Асли бир кам чархи дунёда ёлғузлик катта ғам,  
Тийра кулбам нурға тўлғай дилбарим қўйса қадам,  
Нетгум, ахир, бўлмасам хуш майлига бир лаҳза, дам,  
Қучмасам нозук белидин бир йўл, ахир, бунча ҳам,  
Қоматимни ғам юки бирла дуто ҳам қилмасун.

Ваҳ, не офатдур ёронлар ёр кўрибким, кўрмаса,  
Даҳри дунёни юзинда борму деб бир сўрмаса,  
Не ажабким, дард бериб, дардингга дардманд бўлмаса,  
Гар кафи пойига қўймоқға муносиб кўрмаса,  
Йиғлатиб кўзёшимни рангин хино ҳам қилмасун.

Қолмади наки ҳузур ўйлаб они субҳу масо,  
Барқдайин бир ярқ этиб кетди қаён қадди расо,  
Не кечар ҳолим гўзал гарчи тараҳҳум этмаса,  
Якка бир оқшом келиб васлини гар кўрсатмаса,  
Ранги рўйимни бу янглиғ қаҳрабо ҳам қилмасун.

Минг таҳайюрдир баланд тоғ бўлсаким гар қорсиз,  
Шундайин Комил Авазға ишқ, ажаб, озорсиз,  
Ким яна дилбар суйинмас бўлса, деб сиз борсиз,  
Келмаса кўнгул сўраб, гоҳи Муқим, ағёрсиз,  
Бўйла, аввал, ишқ ўтин дилларга жо ҳам қилмасун.

## Феруз ғазалига мухаммас

Таманнонгми солмиш армон ичра ўт,  
Чақнадиким чашми фаттон ичра ўт,  
Сигмам оламга ёниб қон ичра ўт,  
Фурқатинг солди дилу жон ичра ўт.  
Куфри зулфинг дину иймон ичра ўт.

Маҳваш юзунг нури ишқ ёғдусидур,  
Неки ёғду, кўз қамаштирғусидур,  
Нозу истиғнонгким жон олғусидур,  
Наргиси шахло кўзунг солғусидур,  
Бир нигоҳдин боғу ризвон ичра ўт.

Ёқдинг ўт аввал ўзингга ўргатиб,  
Ўйнатиб жоду кўзунг, афсун этиб,  
Тобакай қочғунг дилим маҳзун этиб,  
Оҳ чексам фурқатингдин ўртаниб,  
Тушгусидур байтул аҳзон ичра ўт.

Ҳайратим бисёр эрур, сирли қолур,  
Ўт узоқлашганда жисминг ўт олур,  
Қанчалиғ бўлса олис баттар ёнур,  
Журмум, эй маҳваш, недур ҳар дам солур,  
Барқи ишқинг жисми вайрон ичра ўт.

Яралмишдур ишқдин олам хилқати,  
Зор меҳрга кўкнинг етти қабати,  
Бугун хижрондин ол ранг шом қаноти,  
Ой киби фаррух юзунгнинг фурқати,  
Солди кўкда меҳри рахшон ичра ўт.

Бўлар не Комил Аваз сеҳри сўзнинг,  
Шу бўлса ғамзаси, камони кўзнинг,  
Сирини не дилга ўт солғувчи юзнинг,  
Не ажаб, кўргач юзунг Ферузнинг,  
Оҳидин тушса гулистон ичра ўт.

## Комил Хоразмий ғазалига мухаммас

Жами хислат ичида жоҳ танбур,  
Даводур бамисли гиёҳ танбур,  
Илми сон илмидан огоҳ танбур,  
Гар олса илгига ул моҳ танбур,  
Чекар ўтлуғ кўнгулдек оҳ танбур.

Бемаҳалмас неки азал хатида,  
Демишлар вақт даво билсанг ваҳийда,  
Соз эрур озиқи руҳ қат-қатида,  
Қилур мутрибвашимнинг фурқатида,  
Дамодам нолаи жонкоҳ танбур.

Бу дунё ғалваси фузундан-фузун,  
Дилозорлик гаҳи этмишким маҳзун,  
Бечораҳол чоғимда эрсам дилхун,  
Фамингдин нола айларда туну кун,  
Мангодур ҳамдаму ҳамроҳ танбур.

Бари армон, орзуларга нажаткор,  
Забт этса ғам дилни айлар беғубор,  
Ишқда ажаб тилсимий бир ҳикмат бор,  
Бўлурман ғам сақилидин сабукбор,  
Аён қилса гар ишқиллоҳ танбур.

Нечоғ чигал дунё, армони кўпдур,  
Қувончидин ғаму ҳайрони кўпдур,  
Шукрким, соз бордур дармони кўпдур,  
Жаҳонда сознинг анвойи кўпдур,  
Вале, истар гадову шоҳ танбур.

Гадосиман бұлса санда на сиринг,  
Ажаб җама элга аён бир тилинг,  
Вале, киши танлар җар хил таъсиринг,  
Бўлур ушшоқ, эй мутриб, асиринг,  
Олиб соз айласанг «Дугоҳ» танбур.

Куйласанг гар ёр ишқи, муҳаббатдин,  
Наки «Дугоҳ», олиб мақом лаззатдин,  
Таҳсин айтсин Комил Аваз җайратдин,  
Қилур сайри мақомот, ул жиҳатдин,  
Эрур Комилға хотирхоҳ танбур.

## Фузулий ғазалига мухаммас

Кўр ўзинг, ушшоқи зор бир-биридан ўзалар,  
Аввали мен деб билар ошиқи дарйўзалар,  
Жилва айлар ҳарки ҳарф сандин олиб андозалар,  
Ҳар китобаким лаби лаълинг ҳадисин ёзалар,  
Риштаи жон бирла ишқ аҳли ани шерозалар.

Ҳар киминг ишқи ўзига, бедахдир кимсая,  
Неки ҳожат бор эрур билмаклик, ахир, кимсая,  
Кўзлар ошкор айламишми демасанг сир кимсая,  
Бу на сирдир сирри ишқинг демадин бир кимсая,  
Шаҳра душмиш бан сани севдим деян овозалар.

Бўлмаса чин севдиги, жез зарҳалланган, аслида,  
Ҳавойидур ваъзлари катхудолиғнинг қасдида,  
Кўзлар манзил бермайин қўа комилларга наздида,  
Шайхлар майхонадан юз дундирарлар масжида,  
Бетариқатларни кўрким, дўғри йўдан озалар.

Вожаб, дилни тугёнига вожиддир тиғи ишқ,  
Ҳам ул дилни яро этмакка вожибдир тиғи ишқ,  
Кўр, қизил рағлар, кўзимга қон сочибдир тиғи ишқ,  
Чоклар кўксимда сонмаким очибдир тиғи ишқ,  
Кўнглиминг шаҳрина меҳринг кирмага дарвозалар.

Ағёринг Комил Аваз, ғайр этса, андин инжима,  
Ҳамки ул дилдор зулм, ҳавр этса, андин инжима,  
Чун ғараз кўзлаб сенга ғавр этса, андин инжима,  
Эй Фузулий, ёр агар жавр этса андин инжима,  
Ёр жаври ошиқа ҳардам муҳаббат тозалар.



## Фузулий ғазалига мухаммас

Сурмадин кирпикларинг қаҳрини заранг тутмишлар,  
Ўқлардурким, сани сақлаб, шайланиб жанг тутмишлар,  
Олғали қасд ғазабни ҳар дамда таранг тутмишлар,  
Муқаввас қошларингким, вўсма бирла ранг тутмишлар,  
Қиличлардурки, қонлар тўкмак ила занг тутмишлар.

Салосил сочларинг сунбул муаттар мушк-анбардин,  
Ва лекин, Мосуво этмиш юзинг ғоза суманбардин,  
Сурмадин боз устига кирпикларинг айлаб жаҳл,  
Қилиб тағйири сурат вўсмадин яғмо қилурлар дил,  
Ҳароми қошларинг расму раҳи найранг тутмишлар.

Сифотингга ожиздур хонишу нолон таълифи,  
Куйи сақил кўнгулнинг кўргач ул хуштур ҳафифи,  
Жамолингда ўзга жаннат, бошқа ҳеч йўқдур таърифи,  
Кўнгул миръотини айлар мукаддар ақл таклифи,  
Хуш ул бебокларким, тарки ному нанг тутмишлар.

Анларму ҳеч ошиқларин кутар дунё ўт ёқиб,  
Ва ким, умр сувдай оқиб, келар пайғом зулф қоқиб,  
Ўшалмасму деб ҳавл ила чиққай юрак отлиқиб,  
Фазойи умрдан гўё дағиллар гунчатак воқиф,  
Уларким, ўзларин дунё учун дилтанг тутмишлар.

Не ғамлар ўтмагай, гирдоби озори ишқ ичра,  
Не ашъор битмагай шоирлар осори ишқ ичра,  
Нетай, аввораи сарсонман, эй гузори ишқ ичра,  
Маниким, сангсори меҳнатам бозори ишқ ичра,  
Бало доғин чекан Фарҳод ила ҳамсанг тутмишлар.

Бу не офати жондур, жилвагустар, инсми ё жин,  
Айлагай оламни маст ташлабон ул қаро зулфин,  
Унутгай аҳли тақво ранжу анони сан учун,  
Лаъбинг давринда зоҳидлар тутуб майхоналар кунжин,  
Қилиб тасбеҳ торин тарк, зулфи чанг тутмишлар.

Фалак ғавғолари йўлим чоширғай, лек, кўнгул санда,  
Дегай Комил Аваз кўнглидамас, бариси танда,  
Топмади куймақдин ўзга чора бу фақир банда,  
Саҳар булбуллари афғони дағил беҳуда гулшанда,  
Фузулий, нолаи дилсўзина оҳанг тутмишлар.

## Насимий ғазалига мухаммас

Санингсиз бу ёруғ олам қаро зулмат, қафас, қондир,  
Санингсиз ўтган ул кун кўп ғалатдир, ҳар нафас қондир,  
Вале, дил тубидан чиққан неки дамлар дурас қондир,  
Кўзимдан дам-бадам оққан ғамингдин сув эмас қондир,  
Лабинг қандидан, эй жон, кел сувсамиш жоними қондир.

Мани бедору бемор этмиш ҳар саҳар лоязол ишқинг,  
Берувчи жонима малҳам жонпарвар лоязол ишқинг,  
Хаёлим қамрамиш буткул сарбасар лоязол ишқинг,  
Вужудим шаҳрина қилди мусаххар лоязол ишқинг,  
Бу шаҳристонға ишқ ўлсин малак доимки ҳоқондир.

Ҳажр шоида ким зеру забар оҳимни елдирди,  
Жамолинг муждасиким беадад қувватни индирди,  
Аё, сафҳанг мужаллоси ўлик жоним тирилтирди,  
Қошинг-ла кипригинг важҳи манго келди ва билдирди,  
Ки сансан арш ила курси, юзинг ёзуви Қуръондир.

Санинг ишқинг билан вайрон дилим ҳолини сўрсангчи,  
Хаёлинг бирла банд тунлар ложарам рангимни кўрсангчи,  
Ки англар ботиним аксин магар эрмас эса синчи,  
Кел, эй ҳури сифат дилбар ки, ғамдан бағримин ичи,  
Дуруст ул гунчага ўшарки оғзи тўп-тўла қондир.

Неча оқшом киби бу тонгда ҳам кўз уйқусиз эрди,  
Бўлибми ё мустажоб арзи ҳолим руҳи жон берди,  
Юрагимга ҳавл ийнди, матлаи уфқ шафақланди,  
Аналлоҳнинг ўтиданким, ёноғинг шамъи ёндирди,  
Лаби лаълингдан офоқни ҳаётинг обиная қондир.

Сан, эй дилбар, тараҳҳуминг дариг этма ўзинг ёвар,  
Табассумингдан бу олам уза нури эҳсон ёғар,  
Вале, етмас ақлим нечук, аталганми менга ё нор,  
Руҳинг шамъи фироқидан кўнгил парвонадек ёнар,  
Бадал қил васла ҳижронни, ҳасуднинг юрагин ёндир.

Аён эрмас то бунёдким дунёи арзда кўп нарса,  
Ажаб кенгдур чархи даввор, муҳаббат сойири арса,  
Бироқ мушкулдурур сенга етмак ул рифъати арша,  
Санго ҳури агар бир кун қилолса ҳуснини арза,  
Руҳинг нурин аён айла, юзингдан они ўтондир.

Вужудим ҳажри арзидин беҳабардур сойири сабо,  
Қулоқ қўйдим наволар ҳам эрмас эрканлар ғамзудо,  
Магар билсанг чиройингдин олмиш нурин ул мусалло,  
Хаёлинг гарчи шод айлар мани ҳар гоҳ-гоҳ аммо,  
Фироқинг ғуссаси кўпдир, ғаминг беҳадду поёндир

Кўйингда йиғлабон тушдим охир бу нотавон кўя,  
Сани ҳусни жамолингни бир кўргум бор эдику-я,  
Вале, неткум, фироқингда адо бўлғум куя-куя,  
Оқан ёшим фироқингдан мани ғарқ айлади суя,  
Кўзимдан ёшини кўрким, на сел оқар, на тўфондир.

Ошиқа ал баран аҳли вафо ёри Худо бўлсин,  
Борки дунё то абадким мададкори Худо бўлсин,  
Деяр, Комил Аваз, ёра ширк этан зор Худо бўлсин,  
Насимийдан қилан ёрин жудо, Ҳақдан жудо бўлсин,  
Ки ёридан жудо ёрни қилан бедину иймондир.

## Завқий ғазалига мухаммас

Ҳирси дунё учун, ваҳ, дилинг тилғонингга арзирму,  
Демай рост, ўзни алдаб, тилинг тийғонингга арзирму,  
Тубанлар пойига вафо деб йиқилғонингга арзирму,  
Гуноҳ қилмоққа этган бўйла қилғонингга арзирму,  
Бу янглиғ минг йил умринг бир кун ўлғонингга арзирму?

Муродинг не эрур, эй бандаи гофил раво истаб,  
Шуни англа жабинингга муносиб ким наво истаб,  
Илм даргоҳина урмай ўзингни чун сафо истаб,  
Юрарсан айш бирла лаззати нафси ҳаво истаб,  
Жаҳон ширинлиги боталхаи жонингга арзирму?

Берурлар эрк аҳли ошиқ ишрат истаб хоҳишларга,  
Юрак дардини куйларлар солиб турфа хонишларга,  
Қулоқ қўймай, дилин хушлаб ўтир умринг дейишларга,  
Йигитлик қувватин сарф этиб беҳуда ишларга,  
Қариган вақтида афсусу армонингга арзирму?

Келарму ёдига кимнинг охири кайфи хуш вақти,  
Не дерсиз, балки бу ҳам тирикликнинг ажаб бахти,  
Не тонг кўзни қамаштиргай тушиб кўпда ёруғ ёҳти,  
Жаҳонни кирдори салтанатда шоҳлик тахти,  
Қаро ер остида бир кеча ётқонингга арзирму?

Безар дерсан, вале, ёлғончини ёлғонли ақволинг,  
Ўзингга кеч аён бўлғуси бу шармандаи ҳолинг,  
Ки менгзар аждаҳога, зарга ўч-чун феъл-атворинг,  
Таҳадду зулм ила бу жам қилғон мулку амволинг,  
Кетар фурсатдаги ҳоли паришонингга арзирму?

Кечар лаззоти мангулик эсанг тулпори от узра,  
Хаёлинг бўлмағанда ё ҳаёт узра, мамот узра,  
Сезарсан ҳокими мутлоқ ўзингни коинот узра,  
Минар бўлсанг соатликда агар тожи нажот узра,  
Ёғоч от фикрини қилғонда, жавлонингга арзирму?

Омонатсан ёруғ олам аро, ахир, муқиммассан,  
Тазарру қил тирикликда кетар чоғингни билмассан,  
Гумонлиғ касридин ишқ тилсимни кўзга илмассан,  
Эрур машриқда хуршиди ҳаёте тавба қилмассан,  
Чиқар бўлғонда мағрибдин, пушаймонингга арзирму?

Магар оқил эсанг, битмасдурур гулшанни ҳеч завқи,  
Дили покдин олисдур доимо озори лаън тавқи,  
Сочар Комил Аваз чин ишқ уруғин умри бор токи,  
Тириклик чоғида иста ҳақиқий ёрни Завқий,  
Мажозийларни васли сўзи ҳижронингга арзирму?

## Партав ғазалига мухаммас

Манга, найлай, сочар ўт бошима офтоби ишқ,  
Танимни лаҳча чўғ янглиғ ёқар чун қаҳри тоби ишқ,  
Қани осуда ўтган беғубор, беизтироби ишқ,  
Не офатлиғ кун эрди юзима очилди боби ишқ,  
Илинди гарданимга ёр зулфидин таноби ишқ.

Бу не ёғду бўлар ондин кўзинг олди қоронғу,  
Нечун олам мунаввар бўлмагай эрса магар ишқ бу,  
Дилимда лаҳза лаззат йўқ, шакар, қанд оғу,  
Кўнгулда йўқ эди бир зарра янглиғ дард ила қайғу,  
Азалда қисматимким, оқибат бўлдим хароби ишқ.

Азал олам иши ишқ, устивор то охири замон,  
Харидори адо бўлмас онинг то бор эрур инсон,  
Бу ишқ уммонида сузгум манам сарсонун саргардон,  
Кўзумга беҳабарлиғдин кўринур эрди ишқ осон,  
Бошимга тушди билдим мушкулоти беҳисоби ишқ.

Бошимдин учди хушим, дилбаримнинг илк саломидин,  
На тилсим бўлди, келдим ўзима сўнгра каломидин,  
Ўзга малҳам йўқ манга шул парининг хушхиромидин,  
Қилиб саршор гаҳи дилраболар васли жомидин,  
Мани гоҳи отар ғам соҳилиға инқилоби ишқ.

Ҳажр озори ошиққа иноятдурму илоҳий,  
Ўйингда сархушу мастман, сани умринг тилаб боқий,  
На армон бир қадаҳ тутса, ёр, майи ноби райҳоний,  
Тараб чоғида пайдар-пай тут манга жом, эй соқий,  
Хуморим ҳаддин ошди токи, нўш этдим шароби ишқ.

Кўргузиб биррав жамолини қаён кетди у ҳайҳот,  
Мани ташлаб сели ғамга қиларму имтиҳон бот-бот,  
Бир ғарибга бунчалар етқуриб зулму истибдод,  
Тағофил пеша бир зебо санам ҳижронидин войдод,  
Кўринг аҳбобларким бағрим ўлмишдур каботи ишқ.

Ҳаёлимдан кечар доим жабрда бирмикан ёрим,  
Кўйингда менчалик озор чеканлар бормикан ёрим,  
Висол ониға муштоқман, мендайин зормикан ёрим,  
Қачон қилғинг вафо аҳдинга эй поймоли шикан ёрим,  
Қачон олгум юзингдин ўз қўлим бирлан ҳижоби ишқ?

Ёронлар бўлмаса бунча пари андишаи шабрав,  
Неча битдим номалар йиғлаб ишонмайди биров,  
Сенга, Комил Аваз, ёт ноумидлик бежилов,  
Фироқи ёр аро лаззоти дунёдин суво Партав,  
Кўтармиш боқ нигоринг ой жамолидин ниқоби ишқ.



## Партав ғазалига мухаммас

Келди замона кўзлар, дурбинни басар ўлди,  
Изҳори ҳур тафаккур сарбасар афсар ўлди,  
Адлу фахр, ишқ қасри минг назму асар ўлди,  
Ихтиро, ижод асри бизга муяссар ўлди,  
Истиқлол сочиб ёғду, олам мунаввар ўлди.

Нур сочди Холиқ халқнинг таманно азҳариға,  
Гуллар очди жамолин кўмиб муаттариға,  
Қўндирди хушнаволиғ мутриблар даф,ториға,  
Буюк номи ёзилгач, дилларинг дафтариға,  
Ўчмас бу лавҳалардин дафтар тўла зар ўлди.

Бир замон орасида хобланди ақлу идрок,  
Фарсуда лойқасидан чабланди ақлу идрок,  
Ва туйғу борасида тўпланди ақлу идрок,  
Бир ғоя кўрасида тобланди ақлу идрок,  
Ишлаб бу дастгоҳда эл кимёгар ўлди.

Жаҳон узра маъниға макон диёр улуғ халқ,  
Муддаоси тинчлигу дўстликка ёр улуғ халқ,  
Адолатни барқарор этмиш қарор улуғ халқ,  
Мақсад сари тутиб йўл, мардонавор улуғ халқ,  
Изчил қурашда жангта доим музаффар ўлди.

Зулона мосуводур илк истиқлол кунидан,  
Зулоли мавживордур диллар ишқли тунидан,  
Шодмон ўлди бутун эл мардлар ўтлуғ хунидан,  
Суръат алангалади ғайратнинг учқунидан,  
Мазмуни ҳар нафаснинг йилга баробар ўлди.

Кимнинг имдоди илм эда азиз, мукаррам,  
Қучоғин очди анго борлиқ осмону ер ҳам,  
Чўлу саҳро гуллади мисоли боғи Эрам,  
Колхозчи, ишчи, олим, врачу инженер ҳам,  
Гоҳи қурувчи, гоҳи шавкатли аскар ўлди.

Дарё-умр, ўткунча оқар нечаким сувлар,  
Дунё, амр ўткунчи оқар нечаким сувлар,  
Муттакодур дилларга, вале, илкки орзулар,  
Юз кўрсатиб Ватанда минг йилги орзулар,  
Қомусимиз ҳар ишда илҳому раҳбар ўлди.

Ақли дуруст азаддан, халқим билар қуришни,  
Гирёна кўзлар билар қадрин хандон кулишни,  
Фархундалиққа Комил Аваз қўшар улушни,  
Халқларнинг ҳукми қатий, тинчлик енгар урушни,  
Ҳар тоза дила Партав бу соҳа минбар ўлди.

## Девоний ғазалига мухаммас

Гул бўлиб гулзор аро ўсдим, муаттар бўлмадим,  
Оҳ уриб айтдим ғазал, рифъати афсар бўлмадим,  
Неки корни хуш кўриб, устозга менгзар бўлмадим,  
Чок этиб чиқдим садаф кўксини, гавҳар бўлмадим.  
Ташналаб дарё аро кирдим лаби тар бўлмадим.

Ўтмайин деб шунчаки бечораи жон сониди,  
Оқил ул ҳар кимки бўлдим эртаю кеч ёнида,  
Бу умр мезони йўқми шарҳу Шарқ баёнида,  
Жаҳд этиб ғоятдин ортиқким талаб майдонида,  
Лашкари фикримга сар бердимү сафдар бўлмадим.

Навжувонлиғда писандму айламаклик навҳасоз,  
Дил таманноси висол айшини сурмоқ сарфароз,  
Кўп навозиш кўрсатиб ёқди париваш сарвиноз,  
Нақди жоним шуълаи оташ аро қилди гудоз,  
Нуқраи жонима заргар бўлдимү зар бўлмадим.

Аҳли ишқ айтинг, вафолиғму сабаб бўлмоққа шод,  
Унда не мен телбани қилмас севарим асло ёд,  
Ахтариб асрорини толмас кўнгил истаб нажот,  
Эл ҳама комига топди васлида айшу нишод,  
Манки, ғам захрин ичиб, сармасти соғар бўлмадим.

Ишқида ёнди дилим, бўлдим фалак фасонаси,  
Не фалак фасонасиким, балки чарх афсонаси,  
Не дурур ор эл аро кулги, мазаҳ нишонаси,  
Неча йил бўлдим жунун дашти аро девонаси,  
Ҳамдами бир лаҳза ул шўхи ситамгар бўлмадим.

Дейдилар: Дийдор меҳр собитлиғига рустким,  
Мосуво бўлмай десанг, дўстандун ўтирма юзким,  
Тарки атвор қусридин йўқдир омонлиғ, баским,  
Орази оинасидин айрилиб афсуским,  
Тўғии лол бўлдимү лекин суҳанвар бўлмадим.

Кони ғафлатда аёнмас хасталиғ, ё соғлиғим,  
Толей йўлимни банд этмиш надур суволиғим,  
Камчилимми ботинан сир, зоҳиран ясоғлиғим,  
Аҳли дониш мажлиси ичра кўрунг расволиғим,  
Беҳунар бўлдим, вале, ҳаргиз ҳунарвар бўлмадим.

Толейм дун эрмаса, бўлғайми мавжи ишқ сароб,  
Неча қилдимким савол топмам бирига, ваҳ, жавоб,  
Сели ғамдин кўзларимда оқди қонлар беҳисоб,  
Кишвари жонимниким Доро нафас этди хароб,  
Ман ани фатҳ айламакликда Скандар бўлмадим.

Ишқ орзусин этар дунё юзинда ҳар киши,  
Авжланар шайдолиғи кетса магар ақлу ҳуши,  
Гоҳ лавандлиғ, гоҳ фириб этса кетар қўлдан иши,  
Ўйла саркашлик аён этди манга толе қуши,  
Бахт ила давлатга мансуру музаффар бўлмадим.

Субҳи содиқ кўнглима солганда хуш кайфу сафо,  
Дўст тутунганга илиндим, тутмайин ўзим ҳаво,  
Зарра янглиғ эътибор кўргизмади, ё раб, раво,  
Кимга-ким қилдим вафо, бас, кўрдим андин минг жафо,  
Йўқ далилким чархи кажрудин муқаддар бўлмадим.

Англадим, Комил Аваз, бисёр экан дунёнда сир,  
Бўлма ҳайрон не ажаб олам ғаройиб кенг масир,  
Бари бўлди, ишқ аро дилда армон қолди бир,  
Бўлмайин дилдора улфат эмди умр ўлди охир,  
Суд йўқ, Девониё, гар бўлдимугар гар бўлмадим.



\* \* \*

Мен туғилдим, кекса дунё яшарди,  
Умри абадлиги бешак башарнинг.  
Не ҳикматким, шу эканми ё шарты —  
Мен қаридим, дунё эса ёшарди.

\* \* \*

Чархдунлиғдин поя<sup>1</sup> тушса завона,<sup>2</sup>  
Кажрафтлиғдин гар боқмаса замона.  
Дерлар бунча сабрсиздир, ё тавба,  
Забунлиғдин забон олса забона?<sup>3</sup>

\* \* \*

Зеру забарман кўрмасам гар хиёл,  
Хаёлларим қанотидадур висол.  
Нечоғ ёришгайдур қалбим самоси,  
Ҳижрон тирқишидан кўринса ҳилол.

\* \* \*

Офтоб шуъласидан уялди абр,  
Соғинч ёшларига айланди сабр.  
Биррав ёғдуларга чўмилди ҳар ёқ,  
Сархуш этди оламни мушки атр.

\* \* \*

Каромат аҳлига тўрт нарса даркор:  
Бири сол, бири мол, бири ҳолу қол.  
Бири бор бўлса-да, жаҳон бўлмас тор,  
Ўғлим бу сўзимни мағзин чақиб ол.

---

<sup>1</sup> Поя — оёққа.

<sup>2</sup> Завона — тушов.

<sup>3</sup> Забона — аланга.

\* \* \*

Не истарсан азиятли дунёда,  
Асаблар танг вазиятли дунёда.  
Жунунлардан жунунлигим зиёда,  
Истагум ишқ хосиятли дунёда.

\* \* \*

Юрагимни эшитмоққа вақтим йўқ,  
Қай бировга ёқмадим, ё ёқдим, йўқ.  
Фақат нолишларим бордур Оллоға,  
Юрагимда рўшнолик йўқ — ёқтим йўқ.

\* \* \*

Қулоқларим жаранггидан чарчадим,  
Музтарлигим гаранггидан чарчадим.  
Не ажабким, нечоғ сабр, бардошли  
Асабларим таранггидан чарчадим.

\* \* \*

Панд еб, лаззатлана билган буюқдир,  
Азал кимки кечиримли, суюқдир.  
Ким панд берди, панд емасдан қолмагай,  
Икки дунё юзи қора, куюқдир.

\* \* \*

Ҳаёт сирли, англаб кўзинг оч одам,  
Аввал тинглаб, сўнгра сўзинг оч одам.  
Чор тарафга аланглама нотавон,  
Ҳаққа сажда айлаб юзинг оч одам.

\* \* \*

Жуда ғалат инсон мушоҳадаси,  
Адо бўлмас кутиб мужда ноласи.  
Минг азобли охир нафасида ҳам  
Ўлмасам деб яшар одам боласи.

\* \* \*

Нодон оёғини суяр, дейдилар,  
Бошин ишлатмайин юрар, дейдилар.  
Шу боисми, шавла есанг нодон-ла,  
Оёғингни таги куяр, дейдилар.

\* \* \*

Ёшинг ўтса, тургинг келмас, ер тортар,  
Суяклар ҳам сувсабми ё тер тортар.  
Сал бўш қўйсанг кетар умр жилови,  
Бари аъзонг мавт сиртмоғин сер тортар.

\* \* \*

Доимо ненидир кутиб яшайман  
Ва, адаб расмини тутиб яшайман.  
Кутганим қани деб, қилмагум нола,  
Дардимни ичимга ютиб яшайман.

\* \* \*

Ўн ибодатнинг тўққизи ҳалоллик,  
Садоқатнинг ўғил-қизи ҳалоллик.  
Ҳақ васфини билган билар дил васфин,  
Поқдомоннинг ризқи-рўзи ҳалоллик.

\* \* \*

Ҳаёт суви ёда аччиқ, ё ширин,  
Вале, унутдириб борар бир-бирин.  
Чун қудуқ таъмини турар ўзгартиб,  
Ёндан сизиб кирар сувлар яширин.

\* \* \*

Катта олам ичра, ўзинг олам бўл,  
Унинг учун аввалбоши одам бўл,  
Йўқса, бу дунёда яшашдан не наф,  
Қийналма ҳам, қийнама ҳам, адам бўл.

\* \* \*

Бу дунё бир ҳикмат олти тарафли,  
Вале, ҳар йўлидан юрмоқ шарафли.  
Иймонинг бут бўлса, пойинг бўлса пок,  
Қай тараф бош урсанг бўлмагай хавфли

\* \* \*

Дерлар: Омоч минг боргани,  
Молани бир босгани.  
Гар йўқ омоч, молани,  
Бекор минг бор босгани.

\* \* \*

Мендан не сўрасанг сўра,  
тоқат сўрама.  
Ўт ташладингми, энди сира  
роҳат сўрама.

\* \* \*

Ёз ҳам ўтди, қиш ҳам ўтди, сезмадик,  
Қарийвердик, айтишдан ҳеч безмадик.  
Шукур, Оллоҳ буюргандан зиёда  
Бирор кимдан эзилмадик, эзмадик.

\* \* \*

Дунёдан кетармиз бугунми, эрта,  
Ўтганлар излари, пойи ёқтилик.  
Ўчмагай, то башар яшарким ерда,  
Не қилдинг ёмонлик ёхуд яхшилиқ.

\* \* \*

Гоҳи тўй, гоҳ аза, қишми, ёздами,  
Кунлар танобингни тортиб боради.  
Вожаб, фарқи йўқ тўйми, азами,  
Умр ташвишлари ортиб боради.



\* \* \*

Нечоғли чароғон тонг чоғи ҳарён,  
Илк заррин нурларга кўз-кўзлаб чирой.  
Ғақатким, қуёшга боқади ҳайрон,  
Тевада ботмайин қолган тўлин ой...

\* \* \*

Беҳудуд осмонда парвози баланд  
Қушларга сиз ҳавас қилманг кўпда ҳам.  
Сизнинг-ку, ердадир этгувчилар банд,  
Уларнинг сайёди еру, кўкда ҳам.

\* \* \*

Аҳли авом мақтаса дер: билак<sup>1</sup>-да,  
Чун билгичнинг фикри зоҳир кўзида.  
Топмасалар маъни кимнинг сўзида,  
Дерлар анинг ақли жамдур билақда.

\* \* \*

Гоҳ ташна бўлдим, гоҳ ҳаётдан тўйдим,  
Вале, бу хилқатда бир ҳақни туйдим,  
Суяндим ишққаю дардмандга уйдим,  
Қўлинг бер покдамон, покраво, эй дўст!

\* \* \*

Менда ҳам дил бор, эй дилбар,  
Менда ҳам тил бор — забон бор.  
Вале, олмам сўраб: дил бар,  
Гувоҳим замин — замон бор.

\* \* \*

Тахта бағрин тешар занглаган бир мих,  
Ғахр, ғурурининг чегараси йўқ.  
Бировнинг кучи-ла кириб бораркан,  
Ўйлар: «Болғанинг ҳеч керагиси йўқ».

---

<sup>1</sup> билак(шева) — белгувчи

\* \* \*

Ишқинг билан бахтиёрман, дединг,  
Азизим, бахтингга ёрман, дедим.  
Қайга де, бош эгиб боргайман, дединг,  
Бошинг кўтар, шунда мен борман, дедим.

\* \* \*

Қувват берай десангиз гар юракка,  
Одат айланг пиёда кўп юрмакка.  
Машқ қилинг кўзни равшан этмакка,  
Кўк осмону, яшилликни кўрмакка.

\* \* \*

Бунчалар мураккаб табиат, одам  
Гул ҳидидай тутқич бермайди хаёл.  
Ажабо, кўзидан икковининг ҳам  
Ёш тўхтар чехраси очилса хиёл.



\* \* \*

Яралганмиз Ҳақнинг зироатидин,  
Ҳеч ким суво эмас зироатидин.  
Оҳанглар илоҳий, шундан дил сархуш —  
Ҳуффознинг тилсимли қироатидин.

\* \* \*

Кимлардир ўйламас не бўлур минбаъд,  
Алдар олса ҳам ном, алҳазар, минг бад.  
Аларнинг қалбида эътиқод йўқдир,  
Йўқдир саждагоҳи, муқаддас маъбад.

\* \* \*

Бировнинг чўққиси бировга пастдур,  
Барибир, чўққига интилмоқ дастдур.  
Баланд учма — бўлмаса гар қанотинг,  
Қулоққа илмасанг, бу панд абасдур.

\* \* \*

Янчилик эзилса, уруғ ёғ бўлар  
Ва ўтда беаёв куйиб, доғ бўлар.  
Оёқ остидаги майда тошлар-чи —  
Жаъм бўлиб юксалса, баланд тоғ бўлар.

\* \* \*

Азал туғилса-да ҳар ким наво-ла,  
Яшаб ўтар топмай жавоб савола:  
Нега ҳар кимга Ҳақ ҳатто наводин  
Наволиғни этмас инъом-навола?

\* \* \*

Бейймон этгувчи ҳамиша райбдур,  
Ҳар неки ғийбатга қўшилмоқ айбдур.  
Қадаминг ўйлаб бос, бу қайтар дунё,  
Ҳисоби-китоби бариси ғайбдур.

\* \* \*

Бир олам мазмун бор ҳар дақиқада,  
Умр мужассамдир ҳар ақидада.  
Ҳар они ўлчамли ким топғувси лаъл,  
Лаванднинг лаъли ўтар солиқада.

\* \* \*

Кимлар нолир ҳарифлар ёвузлигидан,  
Кимлар эса қадр арзон-оғузлигидан,  
Негаки одамлар доим ўзига —  
Маъқулни суярлар ожизлигидан.

\* \* \*

Биз бормиз ё йўқмиз, қисқа ё фузун,  
Келар тун кетидан оқариб тонг, кун.  
Ким учун бу тунлар, бу кунлар қисқа,  
Ким учун лаҳзаси — асрдек узун.

\* \* \*

Ожизлар гоҳ шиддат солур сўзи билан,  
Гоҳо улар ваҳм солур кўзи билан.  
Дерларки, ажали етса қарғанинг  
Ўйнашади нақ Бургутнинг ўзи билан.

\* \* \*

Қай давр устунлик қилса сафоҳат,  
Болалаб кетади офатдан офат.  
Қурт тушган дарахтлар кесилмаса гар,  
Сермева боғларни ейди қабоҳат.

\* \* \*

Дунёнинг дурмуши ажиб тилсим, сир,  
Донишлар лафзига эрурмиз асир.  
Ким бундай сўз деган: «Олтин асрдир,  
Сийму зар ҳукмрон бўлмаган аср!»

\* \* \*

Муаззин юксакда хитоби ила,  
Ҳаё юксакликда ҳижоби ила.  
Бундан-да юксакроқ, аъзамроқ эрур  
Жўмардлик нафсининг ижтиноби-ла.

\* \* \*

Дунё бир кулгили масирким, ажаб,  
Тўғри сўз деганни, деймиз беадаб.  
Бироқ бу ҳаётда бари ўлчамли,  
Обод бўлмас ҳеч ким бировни алдаб.

\* \* \*

Гоҳо бездим тухмат, сиоятлардан,  
Лол қолдим гоҳ нечоғ синоатлардан.  
Аммо кўп ўргандим, олдим кўп сабоқ —  
Ҳайратомуз сабру қаноатлардан.

\* \* \*

Олам ҳам шукуҳли, улкан бир қаср,  
Кулги, фожеоларга ажаб мўл, масир.  
Фақат театрдан фарқли ўлароқ,  
Унда ўзин ўйнар сағиру кабир.

\* \* \*

Ёмондан ҳазар қил, яхшига назар,  
Авлоддан-авлодга бу ибрат кезар.  
Тақдир бешигини тебратар одам  
Ва лекин, ёзғитни Яратган ёзар.

\* \* \*

Дунё борки, ҳаёт пасту баланд сал,  
Ҳаётнинг оқими шу ўшал-ўшал.  
Эккан уруғингни бергувси тупроқ,  
Яхшидан яхшию ўсалдан ўсал.

\* \* \*

Уч нарса бор, эшит, эй оқил фарзанд,  
Бу пандга амал қил, емагайсан панд —  
Тил, қулоқ, кўзингни тиябилсанг гар,  
Толеинг бўлғуси ҳамиша баланд.

\* \* \*

Дўстларнинг қай бири хуштаб, зарифдур  
Қай бири сиз ила азиз, шарифдур.  
Ҳариф ҳам Оллоҳнинг улуғ неъматини,  
Йўқса сиринг душман, умр харифдур.

\* \* \*

Бугунги шиддатинг кечагидан суст,  
Эртанги кунингдан ва лекин дуруст.  
Йилларнинг юкидан эгилмай десанг,  
Ҳаёт ақидасин ушла, маҳкам, руст.

\* \* \*

Нурли кун — ҳамма ёр ўлди, ёр ўлди,  
Уйим ўзимга зор ўлди, зор ўлди.  
Булут келганда қочдилар — уйим кенг,  
Жаҳон кўзимга тор ўлди, тор ўлди.

\* \* \*

Тонгни ювиб ўтди зилоли найсон,  
Кечаги бўрондан қолмади нишон.  
Бу ҳам бир тилсимдир, кўзёшидан сўнг  
Ғубордан тозалар ичону дишон.

\* \* \*

Муаттар гул бўйин таратади ел,  
Одамлар обрўйин таратади эл.  
Элга эътиқодинг, меҳрингни берсанг,  
Дунё юзин сенга қаратади эл.

\* \* \*

Ҳеч ким айтмас баъзан ўйлаганини,  
Ўзи билар аксин сўйлаганини.  
Қизиги, инониб, бўйнига олмас,  
Ёлғоннинг рақсига ўйнаганини.

\* \* \*

Бир мулк бор, умрга бергувчи зиё,  
Бу илмдир, ондин ким бўлса суво —  
Гўё яшаб ўтар бахтдан бебаҳра,  
Тўйнуқ, деразасиз уй ичра сиё.

\* \* \*

Бошим гоҳ айланар рофатларингдан,  
Раббим, ғам келмасму роҳатларингдан?!  
Ҳаяжоним гулларингнинг бўйидан  
Мастман, ўзинг сақла офатларингдан!

\* \* \*

Ўткинчи дунёда кўп ҳам ғам ема,  
Бахту саодатлик фақат ганж, дема.  
Майлига, ул юки тиллодан бўлсин,  
Ахир, оғир бўлса, чўқади кема.

\* \* \*

Одамнинг юраги сиқилса музлаб,  
Кўкка тикилади, кенгликлар излаб.  
Баъзан тоддиради ердаги аддов,  
Умр ҳам ўтади тенгликлар излаб.

\* \* \*

Қай замон ёлғонлар авжланса жуда,  
Онт ичарлар барча ҳуда-беҳуда.  
Билмасларки, ҳар қасам-онт сабабдан,  
Бош эгишин, ҳар ожизлик олдида.

\* \* \*

Қанча мавжуд бу табаррук туробо,  
Бетаъма яшайди аҳли зурафо.  
Ким ҳазар этмаса киши ҳаққидан,  
У дунё-бу дунё тортғувси жафо.

\* \* \*

Ҳайратланманг шайдойи вола ашқдин,  
Дил тубидан чиққувчи нола ашқдин.  
Балки ошсин ҳайрат, таажжубингиз,  
Ажрашиб ҳам — тўкмаган жола ашқдин.

\* \* \*

Ҳар не акс этмоғи хислати қалбнинг,  
Ҳасадан, ортғуси иллати қалбнинг?  
Аҳволи не кечгай ўзи муштдай-а,  
Лат еяберса ҳар қабати қалбнинг.

\* \* \*

Кўпдан воқиф одам ул ғайбдан бўлак,  
Бир дунёйи олам ул ғайбдан бўлак.  
Лек қайда чиқарар сўнгги нафасин,  
Билмас ҳеч ким, олим ул ғайбдан бўлак.

\* \* \*

Кими кўнгли қаро, идбори чоҳдир,  
Охирати афсус, надомат, оҳдир.  
Дили пок одамнинг умри зийнатли,  
Мукримат тахтида мукаррам шоҳдир.



\* \* \*

Ҳеч вaж йўқ зурёддан азиз, дунёда,  
Қартайган сайинким келар чун ёда —  
Ожизликми бу ё, эй оқил фарзанд,  
Кулиб боқ, гул умринг бўлсин зиёда.

\* \* \*

Ташвишлар юкининг мезони — ақл,  
Енгил, оғирлигин авзони — ақл.  
Ақлни эъозланг, ҳар сониёда  
Бошқарувчи бари авзони — ақл.

\* \* \*

Инсоннинг энг файзли мулки муаддаб,  
Соҳиб улни хор этмагай муаббад.  
Муаддабнинг — бир қаноти содиқлик,  
Бир қаноти — илоҳий ишқ-муҳаббат.

\* \* \*

Ҳар иш талаб этар мувозанатни,  
Шул аён этади муносабатни.  
Биров шайтонлигин бисёрлигинин,  
Фойда деб орттирар кўп касофатни.

\* \* \*

Санарлар ҳар дамнинг гуноҳ, савобин,  
Ташланмиш одимнинг гуноҳ, савобин.  
Вожаб, ўзинмас, санагусидир  
Ким бошқа одамнинг гуноҳ, савобин.

\* \* \*

Билмам, кўнглинг кимга ато бўлибдур,  
Балки, ишқим тушиб, хато бўлибдур.  
Не бўлса ҳам суҳбатдошим, сирдошим —  
Ғаҳи дутор, ғаҳи сато бўлибдур.

\* \* \*

Ташвишларим қай бирини гапирай,  
Улгурмаган орзулар ҳам бир талай.  
Кун ботса отишин, отса ботишин,  
Бетоқат кутамиз нени, ёпирай?!

\* \* \*

Ер билан муштарақ ҳавоси дардинг,  
Вужудда мужассам навоси дардинг.  
Абад муқаддаским туғилган тупроқ,  
Чун унда гиёси — давоси дардинг.

\* \* \*

Ҳаёт бир уммонки, мавжли, тўфонли,  
Осмони гоҳ бегара, гоҳ туманли.  
Адашмоғинг осон, ўғлим, огоҳ бўл,  
Елканингга ямоқ тушар кўп сонли.

\* \* \*

Ҳам оғир, ҳам енгил бир юк бор, дўстлар,  
Ҳам қувонч бағишлар, ҳам озор, дўстлар.  
Муҳаббат юки бу қўш қанотга пар,  
Бир елкага тушса, дунё тор, дўстлар.

\* \* \*

Бу дунёдан олиб кетар бир мулк бор,  
Наки дўст дахлдор, наинки ағёр.  
Бу мулк қалб мулкидир, вужуд таянчи,  
Ҳар не хотиротдан тилсимий тумор.

\* \* \*

Биров бор маънили мулкатлигинин,  
Бор вужуд сокиндур мукнатлигинин.  
Ким ожиз бўлса гар кўпроқ чираниб,  
Кўкрак урар — фикри мунҳатлигинин.

\* \* \*

Тилни сақлаб бўлмас дандон ичинда,  
Баъзан заҳар ўйнар хандон ичинда.  
Минг хил рангда бир тил товланар, ажаб,  
Ахир, минг хил дон бор ҳар дон ичинда.

\* \* \*

Алдар чоғинг бол томса ҳам сўзингдан,  
Нохолислик яширинмас кўзингдан.  
Юз ўгирса, айб ахтарма дўстингдан,  
Ўзингдан кўр, ўзингдан кўр, ўзингдан.

\* \* \*

Яхшилик гўзалдир бесийму безар,  
Ёмонлик тугунин яхшилик кесар.  
Яхшилик эк, кўпаймасин бад уруғ,  
Неча минг йил элда бу ҳикмат кезар!

\* \* \*

Номарднинг қалбида мардларнинг қабри,  
Кўмолмай хунобдир бардоши, сабри.  
Бироқ икки дунё тортмиши оғир,  
Юраги қабристон одамнинг жабри.

\* \* \*

Бул заминда турли-турлидир салаф,  
Гулу гулзор аро бир сассиқ алаф.  
Бадбўй ўтдай ташланмаса суғуриб,  
Худбинлик ҳам илдиз отар ҳар тараф.

\* \* \*

Сабру тоқат дононинг деворидур,  
Эътиқоди — гумбази давворидур.  
Девор ичра бойлик мавжудлигини,  
Бесабрлар англолмай овварадур.

\* \* \*

Қадрингни баланд тут, токим тириксан,  
Ожизлигинг унут, токим тириксан.  
Бир сенмас риёзат чекиб яшовчи,  
Мард бўлиб «оҳ»ни ют, токим тириксан.

\* \* \*

Орзиқиб кутаман ҳар тонг отишин,  
Илҳақ қаршилайман ҳар кун ботишин.  
То вужуд хотиржам, бу ҳол сўнмағай  
Ва қалбда ишқ мавжуд ўтлуғ, оташин.

\* \* \*

Ҳеч қувват — ишқ бермиш дармонча бўлмас,  
Ҳар не ўқ — ёр отган камонча бўлмас.  
Юз йил умр кўрсанг ҳамки, эй мардум,  
Севгига йўғрилган бир онча бўлмас!

\* \* \*

Умр — оқар дарё, гоҳ ерда мавжли,  
Гоҳ ерда сокин у, гоҳда аянчли.  
Гоҳ ерда тошлардан тилинар дили,  
Суярлар бўлганда шиддатли, авжли.

\* \* \*

Муҳаббат оғриқсиз бўлмайди ҳеч вақт,  
Васлдан дил туби тўлмайди ҳеч вақт.  
Жисму жон озиғи бўлса маъшуқлик,  
Гул сўлар, муҳаббат сўлмайди ҳеч вақт.

\* \* \*

Майли, не хусусда урмасинлар лоф,  
Ишонар бўлса ким содда, дили соф.  
Соддалик ҳам бир бахт, ҳеч бўлмаганда,  
Лағвага эрк бериб, этмиш эътироф.

\* \* \*

Бу тубсиз уммонда нечоғ сафина,  
Чайқалиб излайди битмас дафина.  
Чун тенгсиз курашда тўлқинлар аро —  
Зор бўлиб чўкади яккаш кафина.

\* \* \*

Лабинг устида хол бежо омода,  
Кўриб они бўлдим беҳол ман сода.  
Бу ҳолдин бор эси оғмас мабода,  
Кими қалби бўлса беҳис, амода.

\* \* \*

Ишқ уч ҳарфдан иборатдир-«айн», «шин», «қоф»  
«Айн»-кўз, «шин»-тишлар, «қоф»-тоғу, йўқ лоф.  
Юксак, маҳкам ҳам пок бўлсин деб ишқни,  
«Кун»<sup>1</sup> дейилмиш «нун» олдига қўйиб «коф».

\* \* \*

Кел, эй мушқир, яхшиликдан хабар бер,  
Бунча оғир, яхшиликдан хабар бер.  
Жонга тегди, наҳот адо бўлмас-ей,  
Бадлик, ахир, яхшиликдан хабар бер?

\* \* \*

Беишқ узоқ умр суви бир сатл,  
Айш-фароғат, дерлар кўпмас, бир ратл.  
Бир қултум, бас, ишқ аталмиш оташдан,  
Ул майдонда майли, қилинг сўнг қатл.

\* \* \*

Шаклланиб борар тинмай чархи дун,  
Кимлар келиб-кетар шод-у, бағри хун.  
Кимлар давр равнақининг покрави,  
Кимлар уни кемиради куну тун.

<sup>1</sup> Оллоҳ таоло мавжудотни пайдо қилишда «Кун»-яъни «бўл, пайдо бўл», дея буйруқ берган, дейишади.

\* \* \*

Кими бўлса юракда сувайдоси,  
Этмоқ эрур ёмонлик муддаоси.  
Покдоманнинг йўли равон ҳамиша,  
Юзидадир яхшилик ҳувайдоси.

\* \* \*

Машойихлар демишларким, гоҳ ҳусн  
Бахтдан кўра келтирмишдир ғам-ҳузн.  
Беташвиш бахт булбулсиз боғ, мушксиз гул  
Чирой нур сочғуси мисли рахшон кун.

\* \* \*

Саодатманд улким, солиҳ сойибдур,  
Собит сийрат йил баробар сойимдур.  
Бу янглиғ иймони бутун содиқ-ла  
Ҳариф бўлсанг ўйингга ўй, қойимдур.

\* \* \*

Бойлик ғурбат, қўлинг очиқ бўлмаса,  
Сойирлик пуч, йўлинг очиқ бўлмаса.  
Ровийлар дер: Ризқинг бутун бўлмағай,  
Юрагинг кенг, кўнглинг очиқ бўлмаса.

\* \* \*

Кўнгул истар мудомо шойисталиғ,  
Ҳар соние гулгадир вобасталиғ.  
Бехаридор бир гулу гиёҳ йўқдур,  
Чун соғлом кўп ва оз эмас хасталиғ.

\* \* \*

Сен киймаган узун-қисқа қабо йўқ,  
Тийратингда баъзан-баъзан ибо йўқ.  
Асабларим нечоғ қақшат, дилим эз,  
Барибир, сендаин бир дилрабо йўқ.

\* \* \*

Жоним севдигим, жононим эурсан,  
Онгим-биддигим, ҳар оним эурсан.  
Сени танидим, нурланди куну тун,  
Қувват келдиким, дармоним эурсан.

\* \* \*

Бу дунё иши — сен бирла тарабдур,  
Боқишинг-дил ўйноғига сабабдур.  
Нурланмиш мени кўрганда нигоҳинг,  
Билмам нечун ағёрлара қарабдур.

\* \* \*

Тобакай, тобон ўпарман ёлбориб,  
Тобакай, қайрар тишин ағёр бориб.  
Бериёзат не ошиғлик, дер кўнгул,  
Таваккалдур аъмолинг, жанг сол, бориб.

\* \* \*

Сен юрарсан боғда, сайрона-сайрона,  
Ман эрсам, бу ёғда ҳайрона-ҳайрона.  
Нечун билиб-билмасликка олурсан,  
Фигонимдан дилим вайрона-вайрона?!

\* \* \*

Не оташ ўйнар кўзинг қароғинда,  
Учқуни сачрар ҳар ён қироғинда.  
Бир боқиб этмиш наҳот, мажруҳ, дедим,  
Малҳами гар бўлмаса яроғинда.

\* \* \*

Бунча солиқ қошу қабоғинг, эй ёр?!  
Маҳзун боқар кўзу қароғинг, эй ёр?!  
Зулматда қолдим ман, зору асиринг,  
Табассум эт, чароғинг ёққил, эй ёр.

\* \* \*

Ишонма, гул муддаоси, десалар,  
Ҳам эркалик иддаоси, десалар.  
Ишонма ҳуснинг гадоси, десалар,  
Ишон лутфингни шайдоси, десалар.

\* \* \*

Жаҳон саҳни нечоғ кенгдир, нечоғ тор,  
Нечоғ шодлик, нечоғ кўп унда озор.  
Бари озор манга хушдур, гўзал ёр,  
Ошиғликми?! — Эмаскан диллар афгор.

\* \* \*

Жонсўз жоним, жоннисорингман ҳануз,  
Ёқди ҳажринг, хокисорингман ҳануз.  
Жонфизо лутфинг дариғ этма дилим,  
Безабонинг, сирли торингман ҳануз.

\* \* \*

Ваъдада турмай вафонгни этдинг салб,  
Нечун ўтда ёниб, ўртанмасин қалб?  
Сани ҳам кўргутинг бордир олдинда,  
Ушшоқ майдонида яшар аҳли ҳарб.

\* \* \*

Замон ўтиб на айш-даврон қолади,  
Яшамоққа на куч-дармон қолади.  
Недир битмас юз йил умр кўрсанг ҳам,  
Бир кун етмай, дилда армон қолади.

\* \* \*

Ё раб, борми дарди дилим давоси,  
Вожиб бўларми қалбим муддаоси?  
Жунун даштида ишқ тўполониман,  
Ҳамдамимдир ушшоқларнинг дуоси.



\* \* \*

Майли, кўргум беҳад алам, ранж-ано,  
Сажда этгум фақат сенга, Раббано.  
Бу жаҳондан ўтган не алломалар,  
Дебон ғамдан бўлди бошим хам мано.

\* \* \*

Раббим, инжу маъвизанг ҳар донаси,  
Лекин нечун, айтай, келди хонаси —  
Айшда мудом нодонларнинг нодони,  
Пойин пойдуру доноларнинг доноси?!

\* \* \*

Оташин ишқ, севгида мен яккамен,  
Яккалим ғам-азобин чекамен.  
Барибир, кенг ошиқлик бўстонига  
Мард, матонатлик уруғин экамен.

\* \* \*

Не битиклар бор умр авроғида,  
Товланар бахт яхшилик байроғида.  
Токи борсиз тирик, тутинг сарбаланд,  
Чун ёритгай йўлингиз адоғида.

\* \* \*

Иккимас жоним менинг, у танда бир,  
Барчага бир хил меҳр кўфванда бир.  
Не тонг, шу боисдан этсам тантилик,  
Бир Ватаннинг ўғлиман — Ватанда бир.

\* \* \*

Куйларлар юрт васфин назму дostonда!  
Кўпдир шайдойи булбул гул-бўстонда.  
Мани мақомотим азал навосоз  
Хоразмдир улкан Ўзбекистонда.

\* \* \*

Самарли бир дарахт, бири бесамар,  
Зарҳалли бир қадам, биридуру зарар.  
Кўрмоғинг душвор оёғинг остини,  
Оллоҳ қўлламаса, бермаса басар.

\* \* \*

Вафоли бўл бошингга қўнган бахтга,  
Учса гар душвордир қайта ражъатга.  
Сўнг билурсан қадриниким, кеч бўлур,  
Булбул қўнмас қуриган ҳеч дарахтга.

\* \* \*

Чумчуққа довулдир тебранса терак,  
Вужуди япроқдай тебранса керак.  
Жон ҳолат потирлар қўрқоқлигидан,  
Чун шовқин солар ким, бўлмаса юрак.

\* \* \*

Бахт шарҳидан сўз адо бўлмас ҳеч вақт,  
Ким дер у соғлиқда, ким дер тожу тахт.  
Балки мухтасардир бахт бир қарашда,  
Бахтсизлик йўқлиги ўзи улкан бахт.

\* \* \*

Сал нарса ғаммас, бўлсанг саодатманд,  
Қаддинг тик, хаммас, бўлсанг саодатманд.  
Нозу неъматлар худ наими равза,  
На шўру каммас, бўлсанг саодатманд.

\* \* \*

Эҳтиёжга кўп эрк берма, умр қисқа,  
Ҳашамингга кўп кўрк берма, умр қисқа.  
Ақрабодан муҳаббатинг аяма,  
Ақлу зеҳнинг усрук этма, умр қисқа.

\* \* \*

Қалбу жонингни тутиб, алдайди сўз,  
Борлигинг мафтун этиб, алдайди сўз.  
Алдамас бир ҳиссиёт — шодлик, гаминг  
Алдамасдан ҳар қачон куйлайди соз.

\* \* \*

Дўст тутингил асли зиёдан бўлса,  
Оллоҳга сол рўйи сиёдан бўлса.  
Ожиз билма рақибингни, айниқса,  
Калтафаҳм, қавми риёдан бўлса.

\* \* \*

Тушлар таобирини ечмоқ бўлурлар,  
Сир-синоат қулфин очмоқ бўлурлар.  
Кўнгил хижил бўлмасин, деб яхшига  
Йўриб, ёмонликдан қочмоқ бўлурлар.

\* \* \*

Дилинг уйғоқ, кўзингда бўлсин хобинг,  
Сабру чидам бўлсин мудом ҳижобинг.  
Ухлатма дил, жиловларлар ўзингни,  
Бўшаб кетса жиловидан инсофинг.

\* \* \*

Инсофинг борми, дер олувчи одам,  
Инсоф қилинг-да, дер сотувчи одам.  
Бошқа бир инсофсиз қилар даллолик,  
Гўёки инсофли — кузатувчи одам.

\* \* \*

Не бахтки яшасанг баҳоли аҳсан,  
Ҳалоллик ўйнаса кўзингда равшан.  
Не фойда тиллодан, инжу-дурлардан,  
Устингдан тушмаса зил-замбил жавшан.

\* \* \*

Этди даштни сабзо матари найсон,  
Ёғди қум узра ҳамоно дурафшон.  
Ажиб ёвшон ҳидидан маст қуёнлар —  
Кўкси шодмонлиғда сайёда нишон.

\* \* \*

Пастдаги қушларнинг бошини ғажиб,  
Гўштин ер парвози сарбаланд ғожир.  
Ваҳмкан юксаклик қанотлиға ҳам,  
Буни, эй кас, кўрмаслигинг кўп ажиб.

\* \* \*

Қулоқ қўйинг қушлар жамоасига,  
Ўшар тарафларнинг жангомасига.  
«Гурр» этиб учдилар, ҳар ён сочилиб,  
Менгзар беқанотлар ҳангомасига.

\* \* \*

Гул сабаб булбул фиғонига, дуруст,  
Макиёнин завққа солмиш ё хурус?  
Вожабким, бир шу ишқ изҳоридан,  
На анодил, балки олам дилфуруз.

\* \* \*

Ким доно, ким нодон эл яхши билар,  
Илло, айтмас, зеро оқиллик қилар.  
Аммо, эда ақл берар қоҳиллар,  
Ўзин оқил сезар бари телбалар.

\* \* \*

Кими келмас қўлидан қилмоқ карам,  
Қилмасин бир зарраи ёмонлик ҳам.  
Чун анго, токим, азал мансуб эмас,  
Ложарамнинг иши доим ложарам.

\* \* \*

Сўзон сўзандадай бўлса сўзлуғ сўз,  
Баробар маънили, бўлса тузлуғ сўз.  
Ҳар не ўқдан, ҳар қиличдан ўткир, чун —  
Ҳам қулоқли, ҳам оғизли, кўзлуғ сўз.

\* \* \*

Қайсин айтай, кўп адашдим, во-дариғ,  
Қасам ичиб, хўп алдашди, во-дариғ.  
Ёмонликка яхшиликлар қайтарсам,  
Гўллар, қўрқоқ деб аташди, во-дариғ.

\* \* \*

Сен, эй муслим, илм муқтадоси бўл,  
Тоабад тўғрилиқ муттакоси бўл.  
Қил тазарру саҳву хатоға мудом,  
Гумон бўлса, қўй нуқта, адоси бўл.

\* \* \*

Эй париваш, жонфидойингман ҳануз,  
Куйиб ишқингда, адойингман ҳануз.  
Сарвиқадлар сарвари султонисан,  
Қил тараҳҳум, бир гадойингман ҳануз.

\* \* \*

Тоғдан гўзал тушиб кела бошлади,  
Ёнида ел ҳайрон ела бошлади.  
Айролиқ мақдамин суроатидан тоғ  
Кўксиким, намланиб қола бошлади.

\* \* \*

Юз вафонгга минг жафо келгусидир,  
Кимки қилди ани нечун кўргусидир?  
Нечун фалак бу қадар кажрафтордир,  
Жафо гулин яхшилар тергусидир.

\* \* \*

Гўзаллардан вафо ишташлик — хато,  
Ўсаллардан сафо ишташлик — хато.  
Билсанг, умр иши кўп хатолиғким,  
Ўзгалардан хато ишташлик — хато.

\* \* \*

Бу дунёга кимлар келиб, кетмади,  
Ким етди орзуга, кимлар етмади.  
Вафолиғдин кўрмасам-да вафолиғ,  
Эътиқодим бевафолиғ этмади.

\* \* \*

Кунларни беомон тунлар тортади,  
Ташвишлар улғайган сайин, ортади.  
Бугун бахтиёрсан шукр эт, ўғлим,  
Эрта тонг ким билсин, қандай отади.



\* \* \*

Ризқи фарзанд баракаси кўп дуруст,  
Хотам эрса, янада бўлғай ду руст.  
Дастурхонли ота ўғлин сийларлар,  
Кўринг, ахир, садаф устида дур уст.

\* \* \*

Рад этса ким нурни ўттиз поралиқ,  
Бўлар ниятлари юз минг поралиқ.  
Қалбини тарк этмас ҳеч қашшоқлик,  
Бўлса-да, ҳамёни зардан пора лиқ.

\* \* \*

Бу дунёнинг ғам-ташвиши роҳи-ла,  
Бирдай яшаб кетса ким рост роҳ ила,  
Поклик поёндози бўлғай ҳамиша,  
Нурафшондир ҳам охирги роҳила.

\* \* \*

Яраларлар гоҳида дил жуфтлабким,  
Бир сўз демай қотиб қолар жуфт лабким.  
Қайтар дунё, ўзин алдар фирибгар,  
Пандин егай алдадим деб жуфтлаб ким.

\* \* \*

Қуй, эй соқий, қадаҳ ўлсин лим-лим роҳ,  
Майинг мастлиғидандур олабий роҳ.  
Бу дунё сиррини хўб англабон етдим,  
Ки гумроҳлик эрур қолган жами роҳ.

\* \* \*

Ҳар кишики бир китобдур, аслида,  
Маъно бўлса бул китобнинг аслида —  
Бахтли улким, асли-насли пурзиё,  
Вой, ангаким, маъни йўқдир, аслида.

\* \* \*

Наҳрдай гоҳ ерда кенг, гоҳ ерда торман,  
Ғамда занжир, шодликда ипак торман.  
Ажаб дунё, гоҳ шўх, гоҳ мунгли чалгум,  
Гоҳ танбур, гоҳ дутор, гоҳида тор ман.

\* \* \*

Дунё иши кўп ғаройибдур, ажаб,  
Тингламай дерлар бировлар хўб, ажаб.  
Лек мозийдан лутфу лабзга содиқлик,  
Айнул-камоллиги эрмаским, ажаб.

\* \* \*

Одамийки даҳр аро топди судур,  
Қилди оламдин талаб маснад, судур.  
Аммо, билмаским, ўзи туфроғ ва ўт,  
Ким, алардин қолғани бод ҳам судур.

\* \* \*

Ёшлик ҳусну қувват одам илкида,  
Ишқ сози ҳам янграр аввал илкида.  
Сархуш сайрар булбул бедор туну кун,  
Бўй таратиб гуллаганда илк ийда.

\* \* \*

Ато маслак, ато иймон, ато дин,  
Йўқ улуроқ мулк жаҳонда атодин.  
Ҳеч ким излаб бир умрга топмагай,  
Ўзга лаззат атоға дил атодин.



\* \* \*

Башар мулкида шамс эргай ано дил,  
Чекар фарзанд дея ранжу ано дил.  
Одам хилқатта бўлди гултож дард боис,  
Дилу дард эш бўлиб — бўлди анодил.

\* \* \*

Ёмон хулқдан одам сан бўл мосуво,  
Умр ҳикматиданким бўлма суво.  
Суянсанг тоғ каби дўстингга суюн,  
Умид ёзиб овора бўлма сува.

\* \* \*

Бебаҳо мулқдурким бадр афт, ор,  
Нур сўнар ошёнда, кирса бадрафтор.  
Ким тойса йўлидан бемулк қолғувси,  
Ани тарк этарким юрса бадрафт, ор.

\* \* \*

Жаҳонда сир юки энг оғир ҳамил,  
Иймондан айирар шаккоклик, ҳамил.  
Бир сир бор дунёда, аёл-ла кетар,  
Гуноҳдан бўлса гар қайсики ҳамил.

\* \* \*

Нопокларнинг мулки риё-рўйандуд,  
Ишва, табассумдан кияр рўй андуд.  
Балки нўшханд бўлмаганда ниқоби,  
Қаро этар эди макр рўйин дуд.

\* \* \*

Ўйлаб умрин оёғини порсолар,  
Бежо босмас оёғини порсолар.  
Ҳақ йўлига бахшиш этиб ҳаётин,  
Ичар ваҳдат оёғини порсолар.

\* \* \*

Табиат тилсимдур, қувват бор анда,  
Бир кунда тўрт фасл неча бор анда,  
Кўз очолмай бирда қолсанг бўронда,  
Бирда қувонтирар абри боранда.

\* \* \*

Ҳаёт ҳикматини ўйла, хаёл сур,  
Фитна, иғво кори кимки бети сур.  
Ул гумроҳким, деди сўз, қилди шиор:  
Не бўлса-да наф кўр, даври даврон сур.

\* \* \*

Рост йўлида ваъдага қилмай амал,  
Чалар ким турфа нағма, турли амал.  
Ўзин эмас, айблар Ҳақни нокаслар,  
Мосуво бўлса магар, кетса амал.

\* \* \*

Соз чалингиз дединг, дедим чаламан,  
Ҳарна, чала бўлса ҳамки, чаламан.  
Аммо ишқ созининг сирли пардаси,  
Фигон этиб дерки, бетиғ чаламан.

\* \* \*

Мен ёмон бўлсам ҳам, сен ёмон бўлма,  
Гар шубҳанг бўлса, ол, юрагим бўл, ма.  
Ғайрсиз бўлмас бу алдамчи дунё,  
Лек, менинг ишқим бут, кўнглингни бўлма.

\* \* \*

Бир нигоҳ бирлан мени этдинг бедор,  
Туну кун ўйингдаман бўлиб бедор.  
Кўп эшитдим, золим эрса маъшуқинг,  
Ўлдираркан айролиқда у бе дор.

\* \* \*

Ишқ самари пишиб етилса ҳал-ҳал,  
Қолмас дилда гумон этмак учун ҳал.  
Ахир, васлу ҳажру меҳр қоришиб,  
Қалб ўтида эриб бўларким зар ҳал.

\* \* \*

Уйғоқми ёр, уйи ёруғ шом, саҳар,  
Наҳот порлаб турар йитти шам саҳар?  
Лекин хонасига зулумот чўкиб,  
Нурланади чиқса дишон шамса ҳар.

\* \* \*

Дийданг тиғи дилимга тақалгунча,  
Чидайман сўнгги дамим то қолгунча.  
Эл ичра десанг бўлди, жонимизни,  
Ҳақ, олсанг қўшиб олгин тоқ олгунча.

\* \* \*

Мафтун этар лабу қош ё дийдадур,  
Тоабад Комил Аваз ёдидадур —  
Ва тилсимдур санамларнинг савдоси,  
Ўзлари дуру яна ёдида дур.

\* \* \*

Ҳар сафар бисёр биродар ёрдами,  
Билмам, шифо ҳақимдами ё ёрдами.  
Хаста дил равшан ўлур, Комил Аваз,  
Васл они тегса лабингга ёр дами.

\* \* \*

Чидар ҳар жабрига ошиқ аламнинг,  
Нозу адосига қоши қаламнинг.  
Ёзар ишқдан куйиб бағри тош ўлса,  
Ҳам кесилса мудом боши қаламнинг.

\* \* \*

Сарф этсанг ҳам дилингдагин борин-да,  
Ўзингга мафтун эт, дерлар бор, инда.  
Бежавоб қолғонидин ўтлуғ ҳисларим,  
Дегум келур: Бас қил эсинг боринда.

\* \* \*

Дилда рашк — гулзорда худ ёввойи ўт,  
Заъфар этди юз-кўзимни заҳри ўт.  
Бул балоға мубтало бўлдим надин,  
Жисму жонимга омонсиз тушди ўт?

\* \* \*

Ҳижрон онларида соғинчинг туйдим,  
Сабрим келисида ғамларим туйдим.  
Фироқ ҳам, васл ҳам ошиққа мулк,  
Азал муҳаббатинг кўнглимга туйдим.

\* \* \*

Борлигинг нур, дил латиф ҳам хуш ҳаво,  
Сен назар этдингки, мен қилдим ҳаво.  
Кўрмасам бир дам сани, эй дилрабо,  
Тордурур дунё кўзимга, йўқ ҳаво.

\* \* \*

Карам қилмадинг, ёр, ҳолим сўроқлаб,  
Қачон кўрсам қошинг читиқ, сўроқ лаб.  
Дилда висол дарди, ўзга ғараз йўқ,  
Армонда кетмайин, қоним сўр оқлаб.

\* \* \*

Ҳуснини лаъли лаби, қоши безар,  
Ҳол сўраб келганда гоҳ кўнглим безар.  
Кўксиди тўлғонса дейман зулфлари,  
Беинжию бемарвариду безар.

\* \* \*

Қолмаган тунги довулдан бир асар,  
Чор тарафга қилмаганким ҳеч асар.  
Шунча тўфон ўтди, табиат ажаб,  
Ёзилмаган очиқ саҳфа ул асар.

\* \* \*

Мутрибо, андуҳда ман ошиқи рост,  
Илтижо этгум сангоким рўйи рост,  
Қолмасун пайки сабодин, чал баланд,  
Ёрга етсун йиғлабон «сақили Рост».

\* \* \*

Ё ажабким, ул санам йўқотиб дур,  
Ҳушини бошдин тамом йўқотибдур.  
Ёпирай, ахир, ўзи дурри ятим,  
Они ўтга, ҳе йўқ, бе йўқ, отибдур.

\* \* \*

Жоним ипин бир учин тортар, ман —  
Дард оғриғин, азобини тортарман.  
Шунданми ё бор вужудим, водариғ,  
Тарам-тарам, қилча қиёқ, тор-торман?

\* \* \*

Ўтдинг кўча кесиб, эй сарвиқад бўй,  
Оламни тутдиким, хушанбарин бўй.  
Наки ошиқ Ойдин, ман Комил Аваз,  
Дедим, ушлаб ёқа ҳайратда вой-бўй.

\* \* \*

Бошим осмон сен агар юрсанг раво,  
Қил амр, дилбар, ишим ҳожат раво.  
Не учун қисмат азал жабру жафо,  
Менга сендай ёрни Ҳақ кўрмас раво?

\* \* \*

Йўқса дарди, ишқ савдо ҳам қилмасун,  
Юрак бағрим қон-савдо ҳам қилмасун.  
Суймаса ўйнатмасун қошу кўзин,  
Кўйида телба-савдо ҳам қилмасун.

\* \* \*

Кимки ҳар бир ишда қилди суқун,  
Қилди олий умрини фазлу суқун.  
Кимки содиқ қолди эътиқодига,  
Охири ёр васлида топди суқун.

\* \* \*

Бебаҳор чиқдим ул қишдин ёза ман,  
Бежиҳот дашти ушшоқман-ёзаман.<sup>1</sup>  
Қулоқ бергувчи йўқдир, ё бир ҳариф,  
Нетай, оҳим шамоллара ёзаман?

\* \* \*

Бировлар бор кўзига чанг галганча,  
Берса юмуқ, олса чанггал лаганча.  
Бу тилсимли дунё азал ҳисобли,  
Қолар бир кун бошин чанггаллаганча.

\* \* \*

Ажаб, чарчамаган, ў, толмаганим,  
Хаёлдан ҳаётга ўтолмаганим.  
Ундан-да ҳайратли, тушунуксиз ҳол,  
Ўтлиф нигоҳидин ўт олмаганим.

\* \* \*

Номада олдинг ҳусни хат тоза ранг,  
Вале, қайрилмадинг, бўлди хат то заранг.  
Ва сўнг, очгач, қўлларингдан тушмади,  
Бўлди ҳамки юзларинг ҳатто зард ранг.

---

<sup>1</sup> Ёзаман -чўлдаман.

\* \* \*

Ростланди мижжангиз гўё ўқ-хаданг,  
Отмоққа шаймилар? Бир бора, ҳа, данг.  
Лаъли лабларингиз буриб эркаланг,  
Сайидгарга сайргоҳ бу беҳад данг.

\* \* \*

Дилу кўзинг акси анор, олмада,  
Чин сўзимни ҳазилга сен, олма-да —  
Сўровим кўп эмас, ним табасумда  
Керагинг бўлса гар ўпич ол, ма, да.

\* \* \*

Билмадим рашқданми сўраб, тергайман,  
Умидим ҳосилин шундан тергайман.  
Сўнглаб ёрим содиқлигин билганда,  
Ерга кирай дейман ботиб терга ман.

\* \* \*

Йўл четдаги санг, юзга кир, санг-да,  
Ўзгариш кўрмайсан, юзги кир, сангда.  
Ёшлиқда санг бўлсанг, эй осий банда,  
Қалби санг қолурсан юзга кирсанг-да.

\* \* \*

Аё, кетди ороми дил қалъамнинг,  
Ноз, иддаосидин қоши қаламнинг.  
Ҳар туннинг ёғдуси бордир ўзгача,  
Сабри етгаймикан ёзар қаламнинг.

\* \* \*

Оламнинг ер, сув, шамол, нор — асоси,  
Буни билмас одамнинг норасоси.  
Эрур, ахир, умр пасту баланди —  
Ҳар кимнинг гоҳ ер, сув, шамол, нор асоси.<sup>2</sup>

---

Асоси — ҳассаси.

\* \* \*

Чўзиб айтар эди бобом: «У қарздо-ор,  
Оллоҳдан ўзга ҳар неки қарз — дор!  
Наки до-ор сиртмоқдур, эй ўғлим,  
Зандиға исноддур бўлса қарзда ор».

\* \* \*

Билингки, ҳар кимса дастида роз ўлмас —  
Узатса қай тараф дасти дароз ўлмас.  
Бисёр мукошиф машғул ўлсанг, илмнинг,  
Эшиклар тутқичи-дастидар оз ўлмас

\* \* \*

Сўрашганда кулиб, аста ал қисса,  
Яхши сўзин аямаса, алқиса.  
«Не бўлди, ё касалмисан?» деб жўртга,  
Юрагингни туширмаса, алқисса.

\* \* \*

Шодланганда бир хил ўйнайди кўз, лаб,  
Холисанилло яхшилиқни кўзлаб.  
Водариғо, кўз ёрутиб, кўз тутсанг,  
Баланд келар ким, юкланадир — кўз, лаб.

\* \* \*

Яшасанг саксон тўрт йил — минг бир ой,  
Мудом бўлса ёнингда дўст, юзи ой.  
Ҳақ дея туздимки мен назмимни то,  
Ҳамдам бўлди кундуз қуёш, тунда ой.





\* \* \*

Қирқда мужассамдур умр мезони,  
Қирқ фард битдим, сарҳад билмас авзони.

\* \* \*

Яккаликда кўрдим гўзал иншони,  
Яккаликдур мукаммалик нишони.

\* \* \*

Ватандан гўзал ёр йўқдур жаҳонда,  
Зиёдроқ ифтихор йўқдур жаҳонда.

\* \* \*

Севдигим сендур мани, жон Ватаним,  
Сенга бўлсин бахшида жон ва таним.

\* \* \*

Тириклик бор — жами жонзот ерники,  
Ёр, севдигим, муҳаббатим дерники.

\* \* \*

Меҳрин берди кимки ерга бир умр,  
Топди эъзоз, азиз, элга бир умр.

\* \* \*

Дунё борки, бани одам бахт излар,  
Бахтиёрки, тавба, у ҳам бахт излар.

\* \* \*

Бахт, бебахтлик бирга ташлар қадамлар,  
Тушунгиси келмас буни одамлар.

\* \* \*

Тун зимистон бўлса ҳам ўз нури бор,  
Ҳар ошоқнинг қибласи — ўз тўри бор.

\* \* \*

Тавба дерлар, озмас кумуш, олтини,  
Қўша билмаса ҳам бешга олтини.

\* \* \*

Дунё тўлуғ насиҳатга, нақлга,  
Оқиллар ҳам муҳтождурлар ақлга.

\* \* \*

Ғойибдан келса гар кимнинг куняти,  
Дахлдордур мангуликка суннати.

\* \* \*

Пинҳон бўлса, қалбга туйғу тошади,  
Воқиф бўлса, иштибоҳлар ошади.

\* \* \*

Таворихим минг-минг битик, минг хатдур  
Ва лек, гаҳи шодон, гаҳи мунг хатдур.

\* \* \*

Қалбим уммонида туғён юзарки,  
Илдиз ташламасдан ўтмас юзаки.

\* \* \*

Гар ишда йўлдошим, улфатим доно,  
Гоҳ топдим нодон сўздан ҳам маъно.

\* \* \*

Тил учида эл-юртни у безади,  
Иши тушган одам ундан безади.

\* \* \*

Суянмасанг мисли таянч, у ўра,<sup>1</sup>  
Суянсанг ўрнида бир чуқур-ўра.

\* \* \*

Дилкаш чоғинг очиб чиқар қучоғин,  
Дардинг айтсанг, маҳкам тиқар қулоғин.

\* \* \*

Азал дўстлик оятлари муаззам,  
Ҳеч оятсиз ўтганларга йўқ малҳам.

\* \* \*

Ғийбат неча тубан, асфал бўлса ҳам,  
Харидори ҳеч замонда бўлмас кам.

\* \* \*

Ҳамма дер, тиладим тинчлик, омонлик,  
Бир кимса йўқ қилдим деган ёмонлик.

\* \* \*

Беҳимматнинг яхшилиги беомон,  
Таъна этар ўтмасданоқ бир замон.

\* \* \*

Дунёда кўп яхшилик ҳам ганж кўрдим,  
Гаҳи ҳиммат, гаҳи алам-ранж кўрдим.

\* \* \*

Тинч қўйганин яхшилик деб ўйларлар,  
Яхшилигим билмади деб сўйларлар.

\* \* \*

Бу олам ишига қилма тағофил,  
Муродга етмади — ким бўлди ғофил.

---

<sup>1</sup> Ўра (шева) — устун.

\* \* \*

Амалдасан-насиҳатинг истарлар,  
Беамалсан-сўйлама деб, қистарлар.

\* \* \*

Кўзинг юмиб, бош етгунча ёстиққа,  
Тушунмассан ёлғончида ростлиққа.

\* \* \*

Ҳажрдин дил ноласига бор сабаб,  
Ғам-изтироб ҳушёрликка босабаб.

\* \* \*

Нечоғ нигоҳ нурли, хушрўй, рофатдур,  
Шунча қасдгўй, жонга битган офатдур?!

\* \* \*

Ёр меҳри, бил, қалбга хуш, дилга нур,  
Жуфтинг билан умр бўйи даврон сур.

\* \* \*

Кел, эй дилбар, етайлик биз муродга,  
Олиб Вомиқ ила Узрони ёдга.

\* \* \*

Майхонада сархуш этсун мани май,  
Арш аълога олиб кетсин мани май.

\* \* \*

Ишқни қалб тўрига отиб қўярлар,  
Бу мулкни гоҳ кўзлар сотиб қўярлар.

\* \* \*

Кимни куйдирмаса ишқ ўти-ёлинг,  
Териси ё чармдандур, ё қалинг.<sup>2</sup>

---

<sup>2</sup> Қалинг (шева) — қалин.

\* \* \*

Ким қўрқмади ишқнинг ғам-аламидан,  
Маҳкам тутди ишқнинг парчамидан.

\* \* \*

Эътимодим бўлди назми муборак,  
Насибамдур, шукур, нурли таборак.

\* \* \*

Ишққа камдур қанча бўлди тааззум,  
Илоҳий ул, тушса зиёси бир зум.

\* \* \*

Субҳда севги дилга этди ҳавола,  
Чиқди сўнг бахт, ўрин қўймай савола.

\* \* \*

Гоҳ булбулдай сайрагум ҳар навода,  
Тарк этса ўй учгум ҳайрон ҳавода.



Петраркадан

Сонет

Ташнамасман тинчликка, урушга ҳам йўқ майлим,  
Қўрқаман ва кутаман, ёнаман ва музлайман.  
Ҳамма менга азизу мен ҳаммадан қочаман,  
Қанот қоқаман тоққа ва кул бўлиб қотаман.  
Турмадаман — ойнасининг панжараси темирмас,  
Эшиклари ланг очиқ, қочишга йўқ имконим.  
Мен севгига қулмасман, севги ҳам менга ётмас,  
Занжир ила тутмаса-да, кетишга йўқ иложим.  
Кўзларимсиз кўраман, тилларимсиз қичқириб,  
Ҳалокатга интиламан ҳам ёрдамга чорлайман.  
Ўз-ўзимга душманман, ўзга менга мукаррам.  
Емоғим бўлди заҳар, шодликларим қайғудир,  
Ҳаётниям, ўлимниям бир тақовул четлайман,  
Мана, солдингиз мени не аҳволга севгилим?

## ПУШКИНДАН

\* \* \*

Мен сизни севардим: муҳаббат сеҳри  
Қалбимдан ҳалиям мутлоқ ўчмаган.  
Бу сизни ташвишга солмасин, майли  
Қилгим йўқ ҳолингиз сира-сира танг.  
Мен сизни бежавоб севдим, бор жондан,  
Гоҳо рашк ўти-ла, гоҳо мулойим.  
Мен сизни чин севдим, ўзгаларга ҳам  
Шундайин суюкли бўлинг, Илойим!

\* \* \*

Агар сени алдаса ҳаёт,  
Қайғурмагил, бағринг қилма қон.  
Хафа кунинг кеткизма иймон.  
Қувончли кун бўлажак, инон.  
Юрак келажақда яшайди,  
Ҳозир булут ортида кун, ой.  
Бари бир он, бари ўтади,  
Неки ўтса, бўлар ёқимтой.



## Истак

Аста судралади менинг кунларим,  
Кўпаяр ҳар дамда беҳол увишган.  
Юракда мустаманд ишқим дардлари  
Ва оғир жунунлик солар ташвишга.  
Лекин, эшитилмас норизолигим,  
Жимгина оромли кўзёш тўкаман.  
Соғинч-ла чулғанган менинг юрагим.  
Унда аччиқликлар топади лаззат,  
Ишқим азоблари мен учун зийнат,  
Майли, ўлай, аммо севиб ўлай, майли!

## ЛЕРМОНТОВДАН

### Ёлғизлик

Умр кишанларин судрамоқ бизга  
Ёлғизликда қандай даҳшатли, зилким?  
Ҳамма тайёр қувончни баҳам кўришга,  
Ғамга шерикликни истамас ҳеч ким.  
Ҳавойи ҳокимдай бунда бир ўзим,  
Дилда изтироблар потирлар қушдай.  
Кўраяпман, йиллар ўтмоқда тушдай  
Ва яна келарлар зарга безаниб,  
Бироқ, ўша кўҳна орзулар ила.  
Кўраяпман, тобут кутар четланиб,  
Не ҳожат имиллаш бу замин ичра?  
Ҳеч кимса бу ҳақда ўйламас сира  
Ва улар (бунга қалбим ишонади.)  
Мени туғилганимдан ҳам кўра,  
Ўлганимдан кўпроқ қувонишади...

1830

## Умр пиёласи

Биз борлиқнинг пиёласидан  
Нўш этамиз юмуқ кўз билан.  
Ўзимизнинг кўзёшимиз-ла  
Унинг олтин гардишин намлаб.

Ва, қачонким, ўлим олдидан  
Тушганида боғлагич кўздан,  
Не бор бари, бизни алқаган  
Йўқолар кўз боғлагич билан.

Қуруқ экан олтин пиёла,  
Кўзни очиб кўрсак бир нафас.  
Ичимлик ҳам экан хаёл-а,  
У ҳам бўлса, бизники эмас.

1831

## ХОРХЕ МАНРИКЕДАН

\* \* \*

Йиллар ўтади, йиллар кетади,  
Чўққилар ўзгаради, тебранар сахтлар.  
Атрофга боқ,  
Ҳаёт нечук ўтиб борар,  
Қандай ўлим келар  
Зимдан?!  
Бироқ,  
Нечоғли биз оз биламиз қувонч на,  
Тез келади тўлов муҳлати қандай?  
Қара,  
Бизга жаннат бўлиб кўринган  
Ҳамма нарса қачонлардир бўлгандай  
Қолди орқада?!

## БЛОКДАН

### Мен сени

Мен сени ҳис этаман, йиллар ўтади бефарқ,  
Мудом бир хил қиёфада ҳис этаман мен сени.

Уфқ ёнар-жизғанақ оташ ичра бўлиб ғарқ,  
Ҳам соғиниб, ҳам куюб, жим қутаман мен сени.

Уфқ ёнар оташин, кўринишинг ҳам аниқ,  
Аммо, менга даҳшатли: ўзгартарсан қиёфанг.

Шиддат ила қўзғайсан, гумонимни, сўнг ёниқ  
Ҳиссиётинг ўзгарар уфқ ёнар-лоларанг.

Оҳ, қандай йиқилурман, мен аламли ва тубан,  
Орзуларим енголмай кўмиб бесоз, бекафан,

Уфқ қандай беғубор? Бунча яқин ва равшан,  
Аммо, менга даҳшатли: ўзгартарсан қиёфанг.

## МАЯКОВСКИЙДАН

\* \* \*

Келажак одамлар!

Сизлар ким?

— Мана мен,

Борлиғи —

Жароқат ва дард,

Қалб деган

Мевали боғимни васият этгум.

Бутунлай сизга!..

## ФЁДОР ТЮТЧЕВДАН

*Соҳилдаги қамишларда  
муסיқий тартиб бор.*

*(латин)*

\* \* \*

Денгиз тўлқинида бордир оҳанглар,  
Мавжуддир табиат баҳсида оҳанг  
Ва, ажиб, тартиб-ла мусиқий жаранг  
Нозик қамишлардан шивирлаб оқар.

Бузиб бўлмас, тартиб бордир борлиқда,  
Тўла ҳамоҳангликка эга табиат-  
Сезамиз у билан йўқ мувозанат  
Ғафлат бизнинг тушдай руҳ озодлиқда.

Қандай пайдо бўлди тафовут, қачон,  
Борлиқ-ла оҳанглик нега бирдаймас?  
Қалб куйлар ўзгача, денгиздай эмас,  
Норизо шивирлар қамишлар ўйчан?!

\* \* \*

Юксак маъно бор айрилиқда:  
Қандай суйма, бир кун, бир аср.  
Муҳаббат бу туш, туш эса, бир дам,  
Эрта бўлсин, кеч бўлсин, одам  
Уйғонмоғи лозимдир, ахир!

## ГЁТЕДАН

«*Ғарбу Шарқ девони*»дан<sup>1</sup>

«*Муганнийнома*»дан

### Иқроф

Нимани яширмоқ жуда ҳам мушкул?

— Оловни!

Қаро тунда шуъла, ёлқини,

Кундузи тутуни фош этар уни

Ва яна яшириб бўлмас севгини.

Тинч, осуда жойда асралса-да, у,

Кўзлар аён этар таратиб ёғду.

Шеърни-чи?

Яширмоқ минг баттар оғир.

Уни дафн этиб бўлмайди, ахир!

Қанийди, шоир,

Пок, тоза лафз ила

Куйласа борлигин сингдириб шеърга.

Сўзлар нафис бўлса, ёқимли, ширин

Ва дунё севишини истаса шеърин.

Халққа ўқий олса баралла, хурсанд,

Унда бўлса бизнинг руҳимиз баланд-

Шундай гўзал шеърни яширмоқ мушкул.

<sup>1</sup> Немис тилидан қилинган ушбу таржималарлар тағламалари О.Оллаберг-  
новники



## «Тафаккурнома» дан

Ашъоримда баён этдим келтириб сал нақшини  
Ушбу бешта нарса қилмас бешта яхшини:  
Мағрур кўкрак дўстлик йўлин оча олмайди мутлоқ,  
Ҳурматсизлик пасткашлиқдир ҳар ёмондан ёмонроқ.  
Ёвузларга насиб этмас, асло, юксак буюклик,  
Ҳасадчига омонлик йўқ, ўқдир меҳр, суюклик.  
Ёлғончилар садоқатта эришолмаслар, асло,  
Яхши эсла, ҳеч кимгаям буни кўрмагин раво.

## «Ишқнома» дан

Кенг саҳрода манзил излаб, севги азоби-  
Ёлғизликни қумсаб, қарантки, ўхшашликқа  
У ялонғоч юрагимни ниҳоят топди,  
Бир умрга макон қурди ушбу бўшлиққа.

## «Ҳикматнома» дан

Бугунги кун, бугунги тундан  
Ҳеч нарсани қилмагин талаб-  
Кечагини келтирганидан.

Ҳали кундуз, қимирла инсон,  
Тун кирганда ёпилар мужгон.

Нега мени қўрқитар ҳар он  
Ҳаёт қисқа, узун деб, кунлар?  
Юрак эса борича имкон  
Қай чўққига, билмам, талпинар?

Нега шундай, бор ерда яхши,  
Ёмонлардан сўзларлар бисёр?  
Кексаларни кўп такрорлашиб  
Дерлар: Ноёб фикрлар тайёр.

Олиб чиқар бўлсанг оламга,  
Аввал, ўзинг чиққин-да томга.

Ташвиши кам, жим юрса ким гар,  
Лек, баъзилар сездирмай яшар...

... Сенга яхшилик қилганга эй зот  
Илиқ раҳмат айтмадинг бир бор.  
Бундан ғашлик, сезмадимки, бот,  
Ахир, ман ҳам қарздорман, қарздор.

## МАКСИМ ТАНҚДАН

\* \* \*

Туш кўрдим:  
Юрибман Роботлар орасида  
Ва ўзим ҳам  
Ромео аталмиш Робот эмишман.  
Жульеттага дуч келиб,  
Калитлар тутамин  
Тақдим  
Эгмишман.  
У эса сўрар:  
— Наҳот ер юзида қолмаган бўлса,  
Бирор дона  
Тирик гул?!

\* \* \*

Қачонлардир,  
Учқур тулпор қанотида  
Шошилдим, мен учиб ўтишга:  
Болаликдан  
Ёшликка,  
Ёшликдан эса,  
Эски калиш пошнасин босиб,  
Ортга боқмай ҳатлашга  
Интилдим  
Онгли даврим саҳнига,  
Қачонки мен кенг танилганимда...  
Энди-чи,  
Ақл бовар қилмас қарийб,  
Тезликка эга бўлганимда  
Шошилишга қолмади ҳеч зарурат,  
Шунчаки  
Ҳеч қаёққа...



А

Абас — бефойда.  
 Авзон — ўлчовлар.  
 Авроқ — варақлар.  
 Адад — сон.  
 Адён — динлар.  
 Азҳар — энг порлоқ.  
 Азҳор — гуллар.  
 Аёқ — қадаҳ.  
 Айёш — маишатпарастлар.  
 Аймон — қасамлар.  
 Айюҳаннос — эй одамлар.  
 Амин — амонатта хиёнат қил-  
 мовчи.  
 Амният — тинчлик, омонлик.  
 Амо — кўрлик.  
 Анодил — булбуллар.  
 Аравлаш — дайдиш.  
 Арбода — тўполон.  
 Арса — майдон, ер юзи.  
 Арсо — кенглик.  
 Асмо — исмлар.  
 Асно — шу пайт.  
 Асфал — энг тубан.  
 Афсар — тож, жиға.  
 Ашжор — дарахтлар.  
 Ашки ғалтон — думалаб оқув-  
 чи кўз ёши.  
 Аъмол — ишлар.  
 Ақида — ишонч, эътиқод.  
 Ақвол — сўзлар.  
 Аҳсан — яхшироқ.

Б

Бад — ёмон.  
 Бадгў — ёмон сўзли.

Бадхў — бадфёъл.  
 Басар — кўз.  
 Беайн — кўзсиз.  
 Бебок — қўрқмас.  
 Бежода — арзон лаъл.  
 Бешайн — камчиликсиз.  
 Бидоят — бошланиш.  
 Бозигар — ўйинчи.  
 Ботил — бузилган.

В

Вадиат — бировга амонат  
 қўйилган нарса.  
 Важд — шавқу завқ ҳолати.  
 Васвос — иблис.  
 Видод — муҳаббат, дўстлик.  
 Вола — мафтун.

Г

Гўянда — бахши, ашулачи.  
 Гумбази даввор — айланувчи  
 гумбази осмон.

Д

Дарроки — ақлли, сезгир.  
 Дафина — бойлик, хазина.

Ё

Ёвар — мададкор.

Ж

Жабин — пешона.  
 Жавшан — зириҳ.  
 Жайб — кийимнинг ёқаси.  
 чўнтак, кисса.  
 Жазолат — мўллик, ортиқлик.

Жола — дўл, сел.  
Жоннисор — жон фидо қилувчи.  
Жонсўз — жон ўртовчи.  
Жонфизо — жонни қувватлантирувчи.  
Жоҳ — мартаба.  
Журм — гуноҳ.  
Жўмард — мардлик истовчи.  
Жўянда — талабгор.

### З

Завона — тушов.  
Забона — аланга.  
Залолат — адашишлик.  
Зариф — зийрак.  
Зароат — итоаткорлик.  
Захира — эҳтиёт учун йиғиб қўйилган мол.  
Зироат — деҳқончилик.  
Зоҳид — тоат-ибодат ила машғул бўлган шайх.  
Зудал — пастлик.  
Зулоли найсон — баҳор ёмғири.  
Зурафо — зарифлар.  
Зухур — кўриниш.

### И

Идбор — бахтсизлик.  
Ижтимо — тўпланиш.  
Ижтиноб — сақланиш.  
Изтирорий — мажбурий;  
Ижтиҳод — жадаллик.  
Илтизоз — лаззатланиш.  
Имдод — мадад, кўмак, ёрдам.  
Ингимо — алоқа.  
Интифо — йўқолиш.  
Иртикоб — машғул бўлиш.

Иснод — нисбат бериш.  
Истимо — эшитмоқ.  
Итлоф — барбод бериш.  
Итноб — чўзиш.  
Итоб — қаҳр, ғазаб, қийноқ.  
Ифтиқор — муҳтожлик.  
Иштиҳор — шуҳрат топиш.  
Иҳтисоб — ҳисоб олиш, таҳқиқлаш.

### К

Касрат — мўллик.  
Каманд — арқон.  
Кафи пой — оёқ ости.  
Коҳил — дангаса.  
Кунж — бурчак. Кунжин — жойлашиш, сиғиш.  
Кўфван — тенглик.

### Л

Лайлан — кечаси билан.  
Лаоб — ўйин.  
Лода — аҳмоқ.  
Ложарам — чорасиз.  
Лутфи табъ — зеҳн ёрқинлиги.

### М

Мавт — ўлим.  
Мазаллат — хўрлик, тубанлик.  
Мазҳаб — таълимот.  
Мазҳарият — эришишлик.  
Масир — томошахона.  
Маосир — эскидан қолган асарлар.  
Маснад — юксаклик, бейиклик.  
Масо — кеч.  
Матлаъ — чиқадиган жой, қуёшнинг чиқадиган жойи.

Маҳфил — тупланиш жойи, базм.

Миръот — кўзгу, софлик.

Мужда — хушxabар.

Муждаи жон — жуда ёқимли хушxabар.

Мукаддар — кирланган, хираланган, гамли.

Мусалло — жойнамоз, намозгоҳ.

Мусаххар — бўйсундирилган.

Муттако — суянчиқ, мададкор;

Муқаддар — тақдирдаги, қисмат.

Майит — ўлик.

Малолат — малоллик.

Матари найсон — баҳор ёмгири.

Маъвиза — ўгит.

Маъбад — ибодатхона.

Маъсум — пок.

Маҳл — фурсат.

Меҳри рахшон — порлоқ қуёш.

Мизроб — нохун.

Минбаъд — бундан кейин.

Мосуво — айро...дан бошқа.

Моу тин — сув ва лой.

Муаббад — доимий.

Мувозабат — босим ишлаш.

Музир — зарарли.

Мукнат — қувват.

Мулкат — подшоҳлик.

Мунир — порлоқ.

Мунсариф — ўзгарувчанлик.

Мунҳадим — вайрон бўлган.

Мунҳат — тубанлик.

Муршид — йўл кўрсатувчи.

Мусриф — исрофгар.

Мустадом — доимий.

Муфлис — муҳтож.

Муфтахир — фахрланувчи.

Мушъир — хабарчи.

Муқайяд — боғланган.

Муқтадо — эргашувчи.

## Н

Навола — инъом.

Надам — надомат, афсусланиш.

Намудор — кўринишли.

Нанг — уят, ор, номус.

Нарм — мулойим.

Нигун — эгилган.

Нос — одамлар.

Нусрат — мадад.

Нуфур — нафратланиш.

Нуқс — нуқсон.

## О

Ожуз — арзон.

Олим ул ғайб — Худо.

Омода — тайёр.

## П

Пойин пой — оёқ ости.

Покрав — пок юрувчи.

## Р

Равза — жаннат

Ражъат — орқага қайтиш.

Разм — жанг. Размгоҳ — жанг майдони.

Райб — гумон.

Рамақ — сўнги нафас.

Рамз — имо, ишорат.

Ратл — қадаҳ, май.

Риёҳ — еллар, ҳидлар.



Ринд — айш.  
Рофат — юксалиш.  
Руст — маҳкам.  
Руъат — юз очиш.

## С

Сабоҳат — гўзаллик.  
Садр — кўкрак.  
Салаф — мақтанчоқлик.  
Салб — инкор.  
Салиқа — истак.  
Салх — ойнинг охирги куни.  
Самин — қийматбаҳо  
Сароғоз — ибтидо.  
Сатл (шева) — челақ.  
Сафина — кема.  
Сабук — енгил.  
Сафоҳат — нодонлик.  
Сағир — ёш, кичик.  
Саҳв — янглишиш.  
Сибо — ёшлиқ.  
Сиво, суво — айро,...дан бо-  
шқа.  
Сиёнат — сақланиш.  
Сийнат — кўкрак, юрак.  
Сиоят — чақимчилик.  
Сойиб — тўғри.  
Сойим — рўза тутувчи.  
Сойир — сайр.  
Солиҳ — яхши ишлар қилувчи.  
Соҳиби сарири осор — тахт  
эгасидан нишона.  
Сувайдо — қора нуқта (гўё бу  
нуқта юрак ўртасида бўлармиш)  
Суд — фойда, баҳра.  
Сў — томон, тараф.  
Сўзанда — куйдирувчи.  
Сўзлуғ — дардли.  
Сўзон — ёлқинли.

## Т

Тааммул — чуқур ўйлаш.  
Тийнат — хулқ, табиат;  
Тазкир — хотирлаш.  
Талтиф — эркаланиш.  
Тамкин — чидам.  
Тараб — шодмон.  
Тараҳҳум — раҳм қилиш.  
Таровиҳ — Рамазон ойида ке-  
часи ўқиладиган қўшимча на-  
моз.  
Таълиф — келишимли қилиш.  
Тағйир — ўзгариш.  
Тағофил — бепарволик, тентақ-  
лик.  
Таҳаввур — ҳовлиқиш.  
Таҳайюр — ҳайратланиш.  
Таҳрис — ҳирслантириш.  
Тобондор — нур сочиш.  
Тунбак — нагора.  
Туробо — тупроқ, ер.

## У

Усрук — маст.  
Ушоқ — майда.  
Ушшоқ — ошиқлар.  
Уғон — қудрат, Худо.

## Ф

Фажр — тонг ёришиш чоғи.  
Фазиҳат — расволик.  
Фарсуда — ҳорғин.

## Х

Хариф — хазон.  
Харосат — ҳайбат.  
Хашм — ғазаб.  
Хоро — қаттиқ тош.  
Худоро — шуҳратпараст.

Хуномиз — қон аралаш.

Хурус — хўроз.

## Ч

Чанг — бош томони эгик чолгу асбоби.

Чотма — чайла.

## Ш

Шаб — кеча, тун.

Шероза — китобнинг муқовата ёпишган икки учини жузлар сочиламасин учун ишак билан бежаб тикиш.

Шойиста — алоқадор.

Шофий — шафоатли, қаноатли.

Шуаро — шоирлар.

Шуълазан — равшан қилувчи.

## Э

Эран — мард.

## Ў

Ўра — устун.

Ўсал — ёмон.

## Қ

Қавл — сўз.

Қабохат — ёмонлик.

Қариб — яқин, қалин дўст.

Қартабон — ўз хотинининг иф-фатсизлигини айб санамовчи.

Қилода — итнинг бўйнига боғланадиган тасма.

Қоим — тўғри, тик туриш.

Қулзум — денгиз.

## Ғ

Ғаддор — золим.

Ғайб — кўзга кўринмас.

Ғирев — шовқин—сурон.

Ғожир — Бургутта ўхшаш йиртқич қуш.

## Ҳ

Ҳадақа — кўз қорачиғи.

Ҳадосат — ёшлик.

Ҳарб — жанг.

Ҳариф — дўст.

Ҳижоб — парда.

Ҳодий — етакчи.

Ҳузн — қайғу.

Ҳулла — кийим.

Ҳуффоз — қорилар.

## МУНДАРИЖА

«Муҳаббат нуридан диллар ёқтидур...» .....	5
Шеърлар .....	8
Қасидалар .....	80
Ҳазаллар .....	105
Муҳаммаслар .....	162
Тўртликлар .....	198
Рубоийлар .....	204
Туюқлар .....	224
Фардлар .....	234
Таржималар .....	239
Луғат .....	255

---

*Адабий-бадний нашр*

КОМИЛ АВАЗ

ЎТАЁТТАН ВАҚТ

*Сайланма*

Муҳаррир Азиз Саид  
Рассом Баҳриддин Бозоров  
Техмуҳаррир Елена Демченко  
Компьютер саҳифаловчи Ростислав Есауленко

ИБ № 41125

Босишга рухсат этилди 26.06.2006. Бичими 84x108 1/32.

Босма тобоғи 8,125+вкл.1,125. Шартли босма

тобоғи 13,65+вкл.1,125. Адади 800.

Буюртма № 149 Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашрий-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

700113. Тошкент. Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

A

